БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ.

«КИЗИЛ УЗБЕКИСТАН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР.

43-йил чиқиши
№ 56 (11805).

Чоршанба, 8 март, 1961 йил.

Баҳоси 3 тийин.

СОВЕТ ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА

Халқаро хотин-қизлар куни — 8 Март муносабати билан КПСС Марказий Комитетининг

МУРОЖААТИ

Қадрли хотин-қиз ўртоқлар! Совет халқининг шонли қизлари, коммунизмнинг актив қурувчилари!

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Марказий Комитети сизларни халқаро хотин-қизлар куни — 8 Март билан, бутун дунё меҳнаткаш хотин-қизларининг бирлик ва ҳамкорлик куни билан қизғин табриклайди ва қутлайди.

Бу йил совет халқи 8 Март кунини КПССнинг бўлажак XXII съезди туфайли вужудга келган зўр сиёсий ва ишлаб чиқариш кўтаринкилиги вазиятида нишонламоқда. Бепоён Ватанимизнинг ҳамма ерида партия съезди шарафига, етти йилликнинг учинчи йили бўлган 1961 йил планини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақа кенг авж олмоқда. Юзларча ва мингларча саноат корхоналари, қурилишлар, колхоз ва совхозлар, миллионларча меҳнаткашлар мусобақага қўшилмоқдалар. Бу чинакам умумхалқ мусобақасида шонли совет хотин-қизларимиз муносиб равишда иштирок этмоқдалар.

Қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини янада қудратли суратда юксалтириш программасини белгилаб берган КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорларини совет хотин-қизлари бутун халқ билан биргаликда яқдиллик билан ва қизғин маъқулламоқдалар. Коммунистик партиянинг меҳнаткашлар бахт-саодати тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилаётганлиги, партиянинг совет халқи ҳаётини янада гўзал ва қувончли қилишга, совет кишиларининг доимий суратда ўсиб бораётган эҳтиёжларини тўла қондириш учун зарур бўлган маҳсулотлар мўл-кўллигини қисқа муддат ичида таъминлашга интилаётганлиги Пленум қарорларида яққол ифоданди.

Совет халқи ўз ижодий меҳнати билан халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини янада юксалтириш учун, етти йиллик планни муддатидан илгари бажариш учун мустаҳкам замин яратди. Саноатимиз 1960 йил планини муддатидан илгари бажарди. Етти йилликнинг дастлабки икки йили ичида топшириқдан ташқари 11 миллиард 300 миллион сўмлик (янги нархларда) ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол моллари ишлаб чиқарилди.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида ҳам талайгина муваффақиятлар қўлга киритилди. Бир қанча районларда об-ҳаво шароитининг ноқулай келишига қарамасдан, умуман мамлакат бўйича 1960 йилда 1959 йилдагига нисбатан кўпроқ дон етиштирилди ва харид қилинди. Ўтган йили экин майдонлари 6.7 миллион гектар кенгайтирилди. Колхоз ва совхозларнинг меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети январь Пленуми қарорларини амалга ошира бориб, камчиликларни тугата бориб ва илғорлар эришган даражага тенглаша бориб, Ватанимизга кўпроқ деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етказиб бермоқ учун дала ишларига тайёргарликни авж олдириб юбордилар.

Халқимизнинг фаровонлиги муттасил ошмоқда. Ишчилар ва колхозчиларнинг реал даромадлари ўсмоқда. Ўтган йили мамлакатимизда ҳамма ишчилар ва хизматчиларни қисқартирилган етти ва олти соатлик иш кунига ўтказиш тугалланди. Тарихда биринчи марта ишчи ва хизматчилардан олинадиган солиқни бекор қилиш ҳақида Қонун қабул қилинди ва амалга оширилмоқда. Етти йилликнинг бошидан бери шаҳарларда ва ишчи посёлкаларида меҳнаткашлар 165 миллион квадрат метр уй-жой майдони ёки 4 миллион 600 минг квартира олдилар, қишлоқ жойларида эса колхозчилар ва зиёлилар шу йиллар мобайнида бир миллион 400 мингдан кўпроқ уй қурдилар.

Кўп босқичли ракета ва планеталараро автоматик станциянинг яратилиши ҳамда Венера планетаси томон муваффақиятли учирилиши совет фани ва техникасининг буюк муваффақиятларини бутун дунё олдида яна бир марта намойиш қилди.

Совет хотин-қизлари Ватанимизнинг ана шу ҳамма муваффақиятларига катта ҳисса қўшдилар ва қўшмоқдалар.

Совет Иттифоқида хотин-қизлар давлат ишларида, сиёсий, хўжалик, илмий ва маданий ҳаётда актив қатнашмоқдалар. Улар Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси учун курашда гоят катта роль ўйнадилар. Улар мамлакатни индустриаллаштириш ва қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш соҳасида жуда катта меҳнат сарфладилар. Хотин-қизлар Улуғ Ватан уруши даврида фронтда ва фронт орқасида бутун халқ билан биргаликда фашизм устидан ғалаба қозонишни сабот ва фидокорлик билан таъминладилар ҳамда урушнинг оғир оқибатларини тугатишда актив қатнашдилар. Мамлакатимиз коммунизм йўлидан бутун прогрессив инсониятнинг авангарди бўлиб бораётган ҳозирги вақтда совет хотин-қизлари социалистик Ватан қудратини янада мустаҳкамлаш ишига ўзларининг бутун куч ва билимларини сарфламоқдалар, коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш учун астойдил курашмоқдалар.

Биз фахр билан қайд қиламизки, партия ва халқ коммунизм учун озод ва онгли курашчилар. Ўз Ватани ва ўз тақдирларининг чинакам хўжайини бўлган янги хотин-қизларни тарбиялаб вояга етказди. Янги жамият қишисининг гоят гўзал фазилатларини гавдалантирадиган коммунистик меҳнат учун ажойиб ҳаракат қатнашчиларининг сафларида совет хотин-қизлари ҳам муносиб ўрин эгалламоқдалар. Меҳнат зафарлари билан, коммунизм ғояларига чексиз садоқатлари билан мамлакатимиз шуҳратини ошираётган илғор ишчи ва колхозчи хотин-қизлар умумхалқ ҳурматига сазовор бўлдилар. Улар орасида вишне-волочекчилик ил-йигирувчи Валентина Гаганова, ивановолик тўқувчи Юлия Вечерова. Украина ССР, Тернополь областидаги Сталин номли колхознинг звено бошлиғи Евгения Долинюк Омск областидаги чўчқабоқар Татьяна Перешивко. Литва ССРдан чўчқабоқар Она Богдонайте ва бошқа кўпгина хотин-қизлар бор.

Совет ҳокимияти йилларида чор Россиясининг собиқ чекка ўлкаларидаги хотин-қизлар турмушида туб ўзгаришлар рўй берди. Ўтмишда чоризмнинг помешчиклар ва буржуазиянинг, феодал-бойлар одатларининг эзилган ва ҳуқуқсиз чўрилари бўлган Ўрта Осиё, Қозоғистон ва бошқа совет республикаларининг хотин-қизлари эндиликда янги жамиятнинг тенг ҳуқуқли ва фидокор қурувчилари бўлиб қолдилар. Совет Шарқининг хотин-қизлари халқ фаровонлиги йўлида килган ўз меҳнатлари билан ҳурмат ва шуҳрат қозондилар. Ўзбек аёли колхозчи механизатор Турсуной Охунова пахта теримида новаторликнинг ажойиб намуналарини кўрсатди. Ундан мингларча хотин-қизлар намуна олдилар. Улар орасида озарбайжонлик колхозчи аёл — пахта териш машинасининг ҳайдовчиси Ковсар Мехтиева бор. Арманистонда сут соғувчи Ашхен Аветисян сут соғишда юксак кўрсаткичларга эришиш билан ҳурмат ва шуҳрат қозонди.

Ишлаб чиқариш новатори бўлган хотин-қизларнинг тажрибаси коммунистик қурилишда хотин-қизлар активлиги нақадар ўсганлигининг яққол далилидир.

Маориф ва соғлиқни сақлаш соҳасида, фан ва техника соҳасида, адабиёт ва санъат соҳасида — ҳамма соҳада хотин-қизларимиз самарали ва зўр ташаббус билан меҳнат қилмоқдалар.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати совет хотин-қизларининг Ватан олдидаги катта хизматларига юксак баҳо бермоқдалар. Хотин-қизлардан етмиш олти киши Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди, 2.874 кишига Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди, булардан 24 киши «Ўроқ ва Болға» олтин медали билан иккинчи марта мукофотланди. Совет хотин-қизларига 1.143.896 орден ва медаль топширилди.

Совет хотин-қизлари бутун халқ билан биргаликда мамлакатнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётида, давлатни бошқаришда актив қатнашмоқдалар. Халқ сайлаган СССР Олий Совети депутатлари орасида 366 хотин-қиз бор. 2.500 дан кўпроқ хотин-қиз иттифоқчи ва автоном республикаларнинг Олий Советларига сайланган. Миллионларча хотин-қизлар партия, касаба союз ташкилотларининг, ёшлар, хотин-қизлар ташкилотларининг, кооператив ва бошқа жамоат ташкилотларининг ишида иштирок этмоқдалар.

Коммунистик партия ва Совет давлати хотин-қизларнинг меҳнат ва маиший шароитини яхшилаш учун кўп иш қилдилар. Социал-маданий эҳтиёжларга, маориф, соғлиқни сақлаш, социал таъминотга, кўп болали ва ёлғиз оналарга нафақа тўлашга ажратилаётган маблағлар йилдан-йилга кўпайтирилмоқда. Туғруқхоналар, болалар яслилари ва болалар боғчалари, куни узайтирилган группалар ва пионер лагерлари кўпайтирилмоқда. 1961 йилнинг ўзидагина болалар боғчалари ва болалар яслиларининг эҳтиёжи учун бюджет маблағлари ҳисобидан 1 миллиард 200 миллион сўмдан кўпроқ ёки ўтган йилдагига нисбатан 16,4 процент кўп маблағ ажратилади. Бу йил болалар боғчалари ва яслиларида 4.740 минг бола тарбияланмоқда. Мактаб-интернатларнинг тармоқлари анча кенгайтирилади. Бундай мактабларда ўқитилаётган ва тарбияланаётган болаларнинг сони 1961 йилнинг охирига бориб 1 миллион кишига етади, ёки 1960 йилдагига қараганда 67 процент кўпаяди.

Бизнинг мамлакатимизда оналарга иззат ва ҳурмат қилинмоқда. Совет давлати хотинларнинг болаларни тарбиялаш соҳасида ҳормай-толмай қилаётган меҳнатига юксак баҳо бермоқда. 65 мингдан кўпроқ аёл «Қаҳрамон она» унвонига сазовор бўлди, 7 миллионга яқин аёл «Оналик шуҳрати» орденлари ва «Оналик медали» медаллари билан мукофотланди.

Совет хотин-қизлари сиёсий ва маданий жиҳатдан гоят ўсганлигини кўрсатувчи ибратли ўрнак, уларнинг тинч ижодий меҳнат соҳасидаги муваффақиятлари барча социалистик мамлакатлардаги қаҳрамон меҳнаткаш хотин-қизларни янги ҳаёт қуришда илҳомлантирмоқда ва бу ишда ёрдам бермоқда.

Совет Иттифоқининг ва барча социализм мамлакатларининг тажрибаси шу нарсани яққол кўрсатиб турибдики, дунёдаги энг инсонпарвар ва адолатли жамият бўлган социалистик жамиятгина хотин-қизларни тўла озод қилиши, уларнинг озод ва тенг ҳуқуқли бўлишини таъминлаши, зулмдан, ишсизлик ва қашшоқликдан халос қилиши, уларга талантларни ўстириш ва равнақ топтириш учун имконият ва сиёсий ҳаётда актив қатнашиш учун чексиз имкониятлар очиб бериши мумкин.

Бу буюк ўрнак капиталистик ва мустамлака мамлакатлардаги меҳнаткаш хотин-қизларнинг ижтимоий ва миллий зулмдан озод бўлиш учун олиб бораётган курашларига янги куч бағишламоқда. Хотин-қизларнинг мустамлака қуллигига, эксплуатация ва зулмга қарши, ўз ҳаётий ҳуқуқлари учун, озодлик ва мустақиллик учун, демократия учун, социализм ва тинчлик учун мардонавор кураши ўсмоқда ва кенгаймоқда.

Барча мамлакатларнинг хотин-қизлари тинчлик учун, урушга ва зўр бериб қуролланишга қарши алоҳида ғайрат билан курашмоқдалар. Улар Совет Иттифоқини, социалистик лагердаги барча мамлакатларни, бутун халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатини тинчликни мустаҳкамлаш учун қатъий ва изчил курашчи деб билмоқдалар. СССРнинг ёпасига ва батамом қуролсизланиш тўғрисидаги, шармандали мустамлакачилик системасини гугатиш ҳақидаги таклифларини қизғин маъқулламоқдалар. Коммунистик ва ишчи партиялар вакиллари кенгашининг Баёноти, бутун дунё халқларига Мурожаати Совет Иттифоқи ва бошқа мамлакатларнинг хотин-қизларига империалистик агрессорларнинг уруш бошлаш йўлидаги уринишларининг пайини қирқиш учун янги куч бағишламоқда ва хотин-қизларда урушнинг олдини олиш ҳамда бутун дунёда мустаҳкам тинчликни таъминлаш мумкин деган ишонч туғдирмоқда.

Улуғ Ватанимизнинг азиз хотин-қизлари, кураш ва меҳнатдаги ўртоқларимиз!

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Марказий Комитети қатъий ишонадики, совет хотин-қизлари бундан буён ҳам коммунизм қурувчиларининг олдинги сафларида борадилар, улар ленинчи партиямизнинг XXII съездини етти йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун, мамлакатда озиқ-овқат маҳсулотларини мўл-кўл қилиш ва совет кишиларининг эҳтиёжларини тўла қондириш учун курашда янги муваффақиятлар билан нишонлайдилар.

КПСС Марказий Комитети ишонч билдириб айтадики, хотин-қиз олимлар, инженерлар, техниклар, қишлоқ хўжалик мутахассислари фан билан практиканинг алоқасини янада активроқ мустаҳкамлайдилар, фан ютуқларини ва ишлаб чиқариш илғорларининг тажрибасини халқ хўжалигига гезрок жорий қиладилар, саноат ва қишлоқ хўжалигидаги илғор тажрибанинг барча ишчилар ва қишлоқ меҳнаткашлари ўртасида ёйиш учун ҳамма чораларни кўрадилар.

КПСС Марказий Комитети ишонадики, маориф ва соғлиқни сақлаш, санъат ва адабиёт ходимлари бўлган хотин-қизлар ўз билимлари ва ўз талантларини меҳнаткашларнинг коммунистик онглилигини ошириш, уларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, ёш авлодни меҳнатга ва жамоат мулкига коммунистик муносабатда бўлиш руҳида, совет ватанпарварлиги ва интернационализми руҳида, социалистик жамият қоидаларига риоя қилиш руҳида тарбиялаш учун тағин ҳам кўпроқ маҳорат ва матонат билан қўлланадилар.

КПСС Марказий Комитети Совет Иттифоқининг барча хотин-қизларини тинчликни мустаҳкамлаш учун бундан буён ҳам ғормайтолмай курашга, тинчлик ва халқлар дўстлиги улуғ идеалларини амалга оширишга йўлида дунёдаги ҳамма тинчликсевар кучларнинг бирлиги ва жипслигини мустаҳкамлашга чақиради.

Оналар меҳрининг муқаддас ёлангаси барча кишилар қалбини тинчлик ва дўстлик учун, болаларимизнинг порлоқ келажаги ва бахти учун ақл ва адолатнинг ғалабаси учун курашга илҳомлантирсин!

КПСС Марказий Комитети партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотларига ва хўжалик органларини меҳнаткаш хотин-қизларнинг совет демократиясининг буюк ғалабаларидан тўла фойдалана олишлари учун ҳамма чораларни кўришга, оналар ҳақида доимо ғамхўрлик кўрсатишга, онла ва мактабнинг ёш авлодни меҳнатсевар ўқимишли, онгли. Ватанга ва коммунизм ишига садоқатли кишилар қилиб тарбиялашга кўпроқ эътибор беришга даъват этади.

Яшасин Халқаро хотин-қизлар куни — 8 Март!

Яшасин бутун дунёдаги меҳнаткаш хотин-қизлар!

Коммунистик жамиятнинг актив қурувчилари, тинчлик учун оташин курашчилар бўлган ҳормас-толмас меҳнаткаш совет хотин-қизларига шон-шарафлар!

Яшасин инсониятга коммунизм йўлини муваффақият билан очиб бераётган совет Ватанимиз!

Яшасин совет халқи эришган жаҳоншумул-тарихий ғалабаларнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси Коммунистик партия!

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Марказий Комитети

ИНДУСТРИАЛ УРАЛНИНГ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ЯНАДА ЮКСАК СУРЪАТЛАР БИЛАН РИВОЖЛАНТИРИШ КЕРАК

Урал областлари ва автоном республикалари қишлоқ хўжалик илғорларининг Свердловск шаҳрида бўлган кенгашида 1961 йил 2 мартда

Ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВнинг сўзлаган нутқи

Ўртоқлар! КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми партиянинг навбатдаги XXII съездини 1961 йил октябрь ойида чақириш тўғрисида қарор қабул қилди ва қишлоқ хўжалигини янада юксалтиришнинг кенг программасини ишлаб чиқди. Бутун халқимиз Марказий Комитет Пленуми қарорларини маъқуллаб, партия съезди шарафига етти йиллик учинчи йили планини муваффақиятли бажариш учун мусобақани авж олдирмоқда.

КПССнинг XXII съезди партия ва халқнинг ҳаётида, коммунистик қурилиш тарихида жуда катта ўрин олади. Маълумки, бу съезд ленинчи партиянинг янги программасини — мамлакатимизда коммунистик жамият қуриш программасини қабул қилмоғи керак. Бизнинг партиямиз Совет Иттифоқида социализм қурилишининг буюк тажрибасига, халқаро коммунистик ва ишчи ҳаракатининг ғалабаларига таяниб, халқимизни коммунистик жамият қуриш тўғрисидаги марксча-ленинча ғояларни амалга ошириш йўлидан дадил олға бошлаб бормоқда. **(Қарсаклар).**

Марксчи-ленинчилар социализм қурилиши вазифасини белгиланларида жамиятнинг моддий-техника базасини ривожлантиришга, унинг ишлаб чиқарувчи кучларини юксалтиришга, халқ оммасининг фаровонлигини узлуксиз оширишга ва янги кишиларни — коммунизмнинг актив бинокорларини тарбиялашга ҳамиша жуда катта аҳамият бериб келдилар. Мамлакатимизнинг халқлари партиянинг раҳбарлигида кучли саноатни вужудга келтириш ва мамлакатни электрлаштириш, механизациялаштирилган йирик социалистик қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, фан ва маданиятни юксалтиришга қаратилган ленинча бош йўлни оғишмай ва изчиллик билан амалга ошириб келдилар ва амалга оширмоқдалар. Биз Ленин кўрсатиб берган ана шу йўлдан бориб, тарихда мисли кўрилмаган катта муваффақият ва ғалабаларга эришдик. **(Давомли (қарсаклар).**

Экономика ва маданиятнинг, фан ва техниканинг мавж уриб ўсаётганлиги мамлакатимизнинг асрлар бўйи давом этган иқтисодий қолоқлигини бартараф қилиш имконини берди, уни дунёдаги энг қудратли давлатларнинг бирига айлантирди, улуғ Ленин томонидан қўйилган вазифани — энг тараққий этган капиталистик мамлакатларга иқтисодий жиҳатдан етиб олиш ва улардан ўзиб кетиш вазифасини тарихан қисқа вақт ичида ҳал этиш учун керак бўлган бутун шарт-шароитнинг вужудга келтирилишини таъминлади. **(Гулдурос қарсаклар).**

Урал меҳнаткашларининг умумий ишимизга қўшган ҳиссаси

Ўртоқлар! Урал меҳнаткашлари, унинг қаҳрамон ишчилар синфи, қишлоқ меҳнаткашлари, унинг кўп сонли зиёлилари социалистик қурилиш планларини бажариш йўлидаги умумхалқ курашига ажойиб ҳиссаларини қўшдилар. Совет ҳокимияти йилларида мамлакатимизнинг қиёфаси ўзгариб кетди, қадимий Урал қиёфаси ҳам ўзгарди. Урал ўзининг табиий ресурсларга жуда бой эканлигини кўрсатди ва бу ресурслардан халқ фойдаланадиган бўлди.

Бу ерда социалистик индустрия гигантлари — Магнитогорск металлургия комбинати, заводларнинг заводи — «Уралмаш», Нижне Тагил комбинати ва бошқа кўп корхоналар вужудга келтирилди. Бу ерда нефть саноати юксак суръатлар билан ривожланмоқда — Бошқирдистон республикаси нефть чиқариш соҳасида мамлакатда катта ўринни эгаллаб турибди. Уралда йирик кимё саноати барпо қилинди, машинасозлик заводлари, шу жумладан трактор, автомобиль заводлари ва бошқа кўп корхоналар қурилди.

Ҳозирги Урални ҳақли суратда Совет Иттифоқи социалистик индустриясининг қалъаларидан бири деб атайдилар. Бутун мамлакатда саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришда Урал саноатининг салмоғи жуда каттадир. Урал заводлари мамлакатда ишлаб чиқарилаётган чўян ва пўлатнинг учдан бир қисмини эритмоқдалар ва прокат ҳамда металлургия машина-ускуналарининг учдан бир қисмини етказиб бермоқдалар. Бутун мамлакатдаги темир рудасининг 26 проценти, нефтнинг 20 проценти Урал районларида қазиб чиқарилмоқда ва бутун электр энергиясининг 20 проценти ана шу районларда ишлаб чиқарилмоқда.

Яқин келгусида Урал индустрияси олдида янада буюк истиқболлар очилади. Партия XXI съезди-нинг қарорларида мамлакатнинг шарқий районларида ишлаб чиқарувчи кучларни зўр бериб ривожлантириш кўзда тутилган. Урал ана шу районлар орасида фахрли ўрин олади

Сизнинг районларингиз қора ва рангли металл ишлаб чиқариш ва оғир машинасозлик соҳасида Россия Федерациясида етакчи ўрин олмоғи керак. Етти йилликда нефть, кимё, ўрмон саноати ва энергетика анча ўсиши лозим.

Урал металлургиялари ва машинасозлари, нефтчилари ва кимёгарлари, энергетиклари ва кўмир қазиб чиқарувчилари техникани тараққий эттириш учун, саноатнинг энг бой резервларидан фойдаланиш учун қурашда ажойиб намуна кўрсатмоқдалар. Улар халқ хўжалиги планларини муддатидан илгари бажариш учун курашда жуда кўп ватанпарварлик ташаббусларини кўрсатишда бир неча бор биринчи бўлиб майдонга чиқдилар.

Етти йилликнинг дастлабки икки йилида Урал районлари саноатининг ялпи маҳсулоти 22 процент кўпайди. Уралликлар етти йилликнинг учинчи йилини муваффақиятли суратда бошлаб бердилар. Январь ойида ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш плани 100,4 процент бажарилди. ишлаб чиқариш ҳажми 1960 йилнинг январь ойидагига нисбатан 11 процент кўпайди. Уралдаги кўп корхоналар план топшириқларидан ўзиб кетмоқдалар. етти йиллик планни муддатидан илгари бажариш тўғрисида берган ваъдаларини шараф билан бажармоқдалар. **(Қарсаклар).**

Аммо, саноатда эришган муваффақиятларингиз тўғрисида гапирар эканмиз, баъзи камчиликлар тўғрисида индамай ўтиш мумкин эмас. Челябинск, Бошқирдистон ва Удмурдистон Халқ хўжалиги кенгашларининг саноати маҳсулотнинг бир қанча энг муҳим турларини ишлаб чиқариш юзасидан январь планини анча бажаролмай қолдилар. Февраль ойига доир маълумотлар ҳам уралликлар саноат ишлаб чиқаришининг баъзи тармоқларида олға силжишлари лозим эканлигини кўрсатади. Ўртоқлар. Урал саноати мамлакатимиздаги кўпгина иқтисодий районлар билан чамбарчас боғланганлигини эсда тутмоғингиз керак.

Уралликларнинг завод марказимамлакатимиздагина эмас, балки бошқа мамлакатларда ҳам машҳурдир. Мен чет мамлакатларда бўлган вақтимда Урал меҳнаткашларини қардош социалистик мамлакатларга, шунингдек ҳозирги вақтда ўз миллий саноатини вужудга келтираётган Шарқ мамлакатларига етказиб бераётган машина ва асбоб-ускуналари учун улар шаънига айтилган миннатдорчилик сўзларини кўп марта эшитишга тўғри келди. **(Қарсаклар).**

Бундан бир йил муқаддам Ҳиндистон Республикасининг металлургия гиганти Бхилайни кўздан кечирган вақтимда, Ҳиндистон инженерлари ва ишчилари ўзларининг замонавий миллий индустриясини вужудга келтиришда Урал заводларининг кўрсатган ёрдамини қардошларча, самимий ҳурсанд эканликларини изҳор қилганликлари эсимда.

Урал зонасидаги область ва автоном республикалар қишлоқ хўжалик илғорларининг шу кенгашида Ватанимизнинг куч-қудратини мустаҳкамлаётган, етти йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажариш ишига катта ҳисса қўшаётган Урал ишчилар синфи, инженер-техник зиёлиларининг қаҳрамонона меҳнатини ўз мамнуният ва миннатдорчилик туйғулари билан қайд қилиб ўтишимиз керак. **(Гулдурос қарсаклар).**

Биз Урал ишчиларининг меҳнат соҳасида эришган муваффақиятларини табриклаш билан бирга, қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш соҳасидаги умумхалқ вазифаларини ҳал этишда уларнинг иштироки муҳим эканлигини ҳам таъкидлаб ўтишни истар эдик.

Свердловск. Челябинск. Оренбург. Пермь ва Курган областлари. Бошқирдистон ва Удмурдистон автоном республикалари қишлоқ хўжалик илғорларини ва барча меҳнаткашларини партия Марказий Комитети ва Совет ҳукумати номидан қизғин табриклашга ва Ватанимизнинг бахт-саодати йўлида қилаётган буюк меҳнатингизда ҳаммангизнинг муваффақият қозонишингизни тилашга ижозат бергайсиз. **(Гулдурос, давомли қарсаклар).**

Ўртоқлар! Партия Марказий Комитетининг январь Пленуми ўз қарорларида қишлоқ хўжалиги ўз тараққиётида саноатимиз ривожланишининг юксак суръатларидан кейинда қолишига йўл қўйиш мумкин эмас, қишлоқ хўжалигининг саноат билан бир қаторда бормаслигига йўл қўйиш мумкин эмас, деб кўрсатди. Бу ғап сизларнинг районларингизга ҳам бевосита тааллуқлидир. Ўз саноати билан шон-шуҳрат қозонган Урал ўзининг қишлоқ хўжалиги билан ҳам шуҳрат қозонсин. **(Қарсаклар).**

Сизда бунинг учун ҳамма имкониятлар мавжуддир. Уралнинг табиий шароити қишлоқ хўжалигининг турли тармоқларини муваффақиятли суратда ривожлантириш ва яқин давр ичидаёқ дон, гўшт, сут етиштиришни, қанд саноати учун ва чорва молларни боқиш учун қанд лавлаги етиштиришни, картошка, сабзавот, эигир ва бошқа энг муҳим маҳсулотлар етиштиришни кескин суратда кўпайтириш имконини беради. Ҳозирги вақтда колхоз ва совхозлар техника билан илғари вақтлардагига нисбатан яхшироқ таъминланган. Сизда илғор колхоз ва совхозлар, ишлаб чиқаришнинг ажойиб новаторлари оз эмас. Булар сизнинг шароитингизда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини амалий суратда қай тариқа юксак даражага кўтариш мумкин эканлигини намунали ишлари билан кўрсатиб бермоқдалар.

Кейинги йилларда, хусусан КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленумидан кейин Урал-да қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида муайян муваффақиятларга эришилди. Аввало, қўрик ва бўз ерларни ўзлаштириш соҳасида кўп иш қилинганлигини таъкидлаб ўтиш керак.

Урал районларида 1954-1960 йиллар ичида 4 миллион гектарга яқин қўрик ва бўз ерлар ўзлаштирилди. шу жумладан, Оренбург областида 1 миллион 673 минг гектар **(қарсаклар)**, Челябинск областида 873 минг гектар **(қарсаклар)**, Курган областида 602 минг гектар **(қарсаклар)**, Бошқирдистон автоном республикасида 564 минг гектар **(қарсаклар)** ва Свердловск областида 105 минг гектар **(қарсаклар)** қўрик ва бўз ерлар ўзлаштирилди.

Бу эса Урал районларида дон етиштиришни ва давлатга галла сотишни анча кўпайтириш имконини берди. Урал районлари 1953 йилда давлатга жами 267 миллион пуд дон сотган бўлсалар, 1960 йилда 396 миллион пуд, ёки 1953 йилдагидан 129 миллион пуд кўпроқ дон сотдилар. **(Қарсаклар).**

Уралнинг қўриқ ерлардаги катта массивларни ўзлаштирган уч областида давлат томонидан дон харид қилиш қуйидаги миқдорларда ортди:

	Беш йил ичида — 1949-1953 йиллар-да сотилган галла миқдори	Беш йил ичида — 1956-1960 йиллар-да сотилган галла миқдори
	(миллион пуд ҳисобида)	
Оренбург области	213	573
Курган области	180	258
Челябинск области	159	259

Шундай қилиб, кейинги беш йил ичида давлатга галла сотиш шундан аввалги беш йилдагига нисбатан Оренбург областида 269 процент **(қарсаклар)**, Челябинск областида 163 процент **(қарсаклар)** ва Курган областида 144 процент **(қарсаклар)** кўпайди.

Қўриқ ерларнинг асосий массивлари ўзлаштирилган Сибирь ва Қозоғистон районларига тааллуқли маълумотлар каби Уралнинг қўриқ ерлари ўзлаштирилган районларда дон етиштиришни кўпайтириш ҳақидаги бу маълумотлар ҳам партиямиз Марказий Комитетининг қўриқ ерларни ўзлаштириш ва шу йўл билан дон етиштиришни кескин суратда кўпайтириш йўлини қатъиққўллик билан ўтказиб, жуда тўғри иш қилганлигини яққол кўрсатди. **(Гулдурос қарсаклар).**

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети дон етиштиришни янада кенгайтириш мақсадида яқин йиллар ичида қўшимча равишда яна 8 миллион гектар қўриқ ерни ўзлаштириш зарур деб топдилар. Қўшимча равишда яна 8 миллион гектар қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш нима дегани?

Агар ҳар гектар ердан 10 центнердан дон етиштирилса, шундай миқдорда бемалол ҳосил олиш мумкин, у ҳолда қўшимча равишда 480 миллион пуд дон олинади. Бундан саксон миллион пуд дон уруғлик ва хўжаликларнинг бошқа эҳтиёжлари учун сарф қилинади. 400 миллион пуди эса товар ғалла бўлади.

Уралликлар, сизлар ана шу катта ишга ўз ҳиссангизни қўшмоғингиз керак. Оренбург областида 200 минг гектар. Челябинск областида 120 минг гектар, Курган областида 120 минг гектар, Бошқирдистон автоном республикасида 100 минг гектар ер ўзлаштирилиши лозим.

Урал қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари чорвачилик маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш соҳасида ҳам баъзи муваффақиятларга эришдилар. Масалан, 1953-1960 йиллар мобайнида ўтган давр ичида хўжаликларнинг барча категорияларида гўшт тайёрлаш (тирик вазнида) қуйидаги миқдорларда кўпайди:

	1953 йил	1960 йил
	(минг тонна ҳисобида)	
Свердловск область	27	91
Челябинск области	20	62
Оренбург области	41	100
Пермь области	22	71
Курган области	29	90
Бошқирдистон АССР	50	116
Удмурдистон АССР	13	41

(Сут тайёрлаш қуйидаги миқдорларда ортди):

Свердловск области	121	279
Оренбург области	149	352
Челябинск области	111	288
Пермь области	87	205
Курган области	120	319
Бошқирдистон АССР	149	399
Удмурдистон АССР	47	142

(Давоми иккинчи бетда).

ҒАРБИЙ ВА ШАРҚИЙ СИБИРЬ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИЛҒОРЛАРИНИНГ КЕНГАШИ ОЧИЛДИ

НОВОСИБИРСК, 7 март. (ТАСС) Бугун бу ерда Ғарбий ва Шарқий Сибирь қишлоқ хўжалик илғорларининг кенгаши очилди. Кенгаш ишида КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари. СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. С. Хрушчев қатнашмоқда. Кенгашга КПСС Марказий Комитети РСФСР бюроси раисининг ўринбосари Г. И. Воронов ва РСФСР Министрлар Советининг Раиси Д. С. Полянскийлар ҳам келди.

Новосибирскда Сибирнинг турли районларидан келган 2 минг киши Россия Федерациясининг шу зонасидаги колхоз ва совхозларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш чоралари тўғрисидаги масалани муҳокама қилиш учун тўпланди.

КПСС Марказий Комитети РСФСР бюросининг ва Россия Федерацияси Министрлар Советининг топшириғига мувофиқ, Д. С. Полянский кенгашни очди.

Эрталабки мажлисда КПСС Новосибирск область комитетининг секретари Ф. С. Горячев, Олтой ўлка партия комитетининг секретари К. Г. Писин, Бурят область партия комитетининг секретари В. Р. Филиппов. бошқа область ва ўлка партия ташкилотларининг раҳбарлари ахборот бердилар.

РСФСР Тайёрлаш министрлиги тузилди

РСФСР Олий Совети Президиумининг 1961 йил 6 мартдаги Фармонига мувофиқ, РСФСР Ғалла маҳсулотлари министрлиги базасида РСФСР Тайёрлаш министрлиги тузилди.

РСФСР тайёрлаш министри қилиб ўртоқ Т. А. Юркин тайинланди.

Ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВ нутқи

(Боши биринчи бетда).

Шундай қилиб, етти йил ичида сизнинг зонангизда гўшт тайёрлаш икки-уч баравар, сут тайёрлаш эса икки-икки ярим баравар кўпайди.

Аммо, шуни эътироф этиш кераккн, сизнинг зонангиздаги районларда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш, хусусан гўшт ва сут етиштириш ҳали ҳам паст даражада қолмоқда. Урал районларида хўжаликларнинг барча категориялари бўйича ҳар юз гектар ер ҳисобига ўрта ҳисобда 17 центнер гўшт (сўйилган вазнда), колхоз ва совхозларда эса 9 центнер гўшт, хўжаликларнинг барча категориялари бўйича 141 центнер сут, колхоз ва совхозларда эса 72 центнер сут етиштирилган.

Урал районлари гўшт ва сут етиштириш соҳасида ҳатто ана шу маҳсулотлар етиштиришнинг ўртача даражаси унча катта бўлмаган Россия Федерациясидан ҳам кейинда қолмоқда. Ҳолбуки, Урал районларида чорвачиликни, шунингдек паррандачиликни ривожлантириш учун жуда қулай шарт-шароит мавжуддир. Сизнинг зонангиздаги илғор колхоз ва совхозларнинг тажрибаси гўшт, сут ва чорвачиликнинг бошқа маҳсулотлари етиштиришни қисқа вақт ичида кескин суратда кўпайтириб, Урал шаҳарлари ва саноат марказлари аҳолисининг ана шу маҳсулотларга бўлган эҳтиёжларини тўла таъминлай олишингизни яққол кўрсатади. (Қарсаклар).

Область партия комитетлари, область ижроия комитетлари ва автоном республикалар Министрлар Советларининг раҳбарларидан аввало, шу нарса талаб этиладики, уларнинг ўзлари қишлоқ хўжалигини яхши билиб олсинлар, колхоз ва совхозларнинг новаторларидан, илғорларидан иш ўргансинлар. Улар ишнинг кўзини, энг яхши хўжаликларнинг тажрибасини яхши билиб олиб, умумий даъватлар билан қаноатланмай, конкрет фактларга таяниб, илғор хўжаликлар дон, силос учун маккажўхори, гўшт, сут, картошка, сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда қандай қилиб катта муваффақиятларга эришганликларини кўрсата оладилар, илғор колхоз ва совхозлар, илғор бригада ва звенолар мисолида таълим бера оладилар.

Бу эса область ташкилотлари раҳбарларининг ҳам, район ташкилотлари раҳбарларининг ҳам қишлоқ хўжалигида янгилик, илғорлик учун курашда ўзларини маҳкамроқ ва дадилроқ ҳис этишларига ёрдам беради. Раҳбарлардан партия йўлини қаттиқ қўллик ва сабот-матонат билан амалга ошириш талаб этилади. Раҳбар қолоқ кайфиятлар олдида, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни юксалтириш йўлида олға қадам қўйиб боришга қобил бўлмаган кишилар олдида тиз чўкиб қолмаслиги керак.

Ахир, қолоқ киши ҳам ўзини қолоқ деб ҳисобламайди-ку. у ҳам ўз фикрларини изоҳлаб беришга ҳаракат қилади, қолоқликнинг сабабларини қидириб топишни истайди ва ҳақиқатда кўпинча ана шу сабабларни қидириб топади: қарабсизки, унга гоҳ трактор етишмайди, гоҳ минерал ўғит етишмай қолади, гоҳо унинг ерига ёмғир ёғади, гоҳ ёғмай қолади, баъзан қуёш қовжиратиб кетади, гоҳо унда яна нимадир етишмай қолади. (Залда жонланиш). Хуллас, одам ўз ожизлиги сабабларини қидириб топишни истаса, у ҳеч қачон ожизман деб айтмайди, балки ўзининг заифлигини оқламоқ учун ҳамиша объектив сабаблар қидира беради.

Аммо, олға қараб ҳаракат қилишга монелик қилинаётган ва халақит бераётган эскиликни емира оладиган илғор колхоз ва совхозлар, новаторлар, бизнинг илғорларимиз худди ана шундай ерларда бир хил шароитда ажойиб муваффақиятларга эришмоқдалар, ўзлари орқада қолганлари ҳолда, ўз позицияларининг тўғрилигига бошқаларни ҳам инонтирмоқчи бўлган, ўз қолоқлигини одат ҳукмига киритмоқчи бўлган қолоқ одамларга қарши курашда ана шу илғор кишиларга таяниб иш кўриш керак.

Қишлоқ хўжалигига тобора кўпроқ миқдорда машина, минерал ўғитлар керак эканлигини яхши биламиз. Буларнинг ҳаммаси сизларга даркор. Аммо, янги машиналар олинган ва биз минерал ўғитларни кўпроқ етказиб бера олган чоқда. сизнинг олдингизга янада каттароқ вазифалар қўйилади. сиз юксакроқ марраларни эгаллашингиз керак бўлади ўртоқлар. Шундай эмасми, ахир?

Овозлар. Тўғри!

Машиналар, минерал ўғитлар олинганидан кейин ҳам ишлаб чиқариш бир хил даражада қолиб кетадиган бўлса, у ҳолда ақл билан иш қилиш қаёқда қолди, фаросатнинг кераги бўлмай қолади ку. (Қарсаклар).

Кишининг қобилияти, унинг ишни ташкил эта билиш маҳорати мавжуд имкониятлардан фойдалана олишида, қийинчиликларни бартараф қилиб, муваффақиятларни қўлга кирита олишида яққол кўринади.

Бу ерда илғорлар, ажойиб кишилар ўтирибдилар. Мен уларнинг ўз меҳнатларида муваффақиятларни қай тариқа қўлга киритаётганликлари тўғрисидаги гапларини зўр хурсандчилик ва ғоят мамнуният билан тингладим. Улар менга илҳом бағишладилар ва бундай кишилар билан Урал тоғларини ҳам ағдариб ташлаш мумкин эканлигига ишончимни яна оширдилар! (Гулдурос қарсаклар)

Яхши раҳбар, чинакам революционер-коммунист техника ёки бошқа воситалар билан ёрдам олишни кутиб турмайди; у ҳозир мавжуд бўлган моддий базага таяниб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш соҳасида юксакроқ марраларни эгаллаш учун кураша беради. Мадад етиб келган чоқда. бундай мадад шубҳасиз етиб келади. унинг олға қараб ҳаракат қилиб бориши учун, янада юксак марраларни эгаллаши учун асос тайёрланган бўлади. (Қарсаклар)

Илғорларнинг тажрибаси—колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришини юксалтириш йўли

Ўртоқлар! Биз мамлакатнинг у ёки бу зонасида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши кўрсаткичларини кўздан кечирганимизда, ҳар бир зонанинг конкрет шарт-шароитларини. унинг имкониятларини ва аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини, аҳолининг составидаги ўзгаришларни, меҳнаткашлар даромадининг ортиб бораётганлигини ва харид қувватининг ўсиб бораётганлигини эътиборга олишимиз керак.

Мисол учун, сизнинг зонангиздаги районларда яшовчи аҳолининг составини олиб кўрайлик. Урал областлари ва автоном республикалари аҳолиси қарийб 18 миллион кишидан иборат, шу жумладан шаҳарларда 10 миллион 800 минг киши, ёки бутун аҳолининг 60 проценти яшайди. Йирик областларда шаҳар аҳолиси бутун аҳолининг тўртдан уч қисмидан кўпроғини ташкил этганлигини ҳисобга олиш керак. Масалан, Свердловск областида шаҳар аҳолиси бутун аҳолининг 80 процентини ва Челябинск областида 77 процентини ташкил этади. Урал халқ хўжалигида банд бўлган ишчи ва хизматчилар сони 1940 йилдаги 2 миллион 470 минг кишидан 1960 йилда 5 миллион 890 минг кишигача ортди, яъни икки баравардан зиёд кўпайди.

Қишлоқ хўжалигининг барча ходимлари шаҳарларнинг меҳнаткашларини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан мўл-кўл таъминлаш зарур эканлигини яхши тушуниб олганларида эди, улар чорвачиликни юксалтириш учун курашнинг сусайтириб юборилишига йўл қўймаган бўлур эдилар, шаҳарларни гўшт ва сут каби маҳсулотлар билан таъминлашда узилиш бўлишига йўл қўймаган бўлур эдилар.

Сизларнинг районларингиз саноати ғоят ривожланган районлардир. Қишлоқ хўжалиги ҳам юксак даражада механизациялаштирилиши керак. Урал саноати бу вазифани ҳал этишда қишлоқ хўжалик меҳнаткашларига катта ёрдам бериши лозим.

Кенгашда сўзга чиққан кўп кишилар, хусусан чорвадорлар озуқани тақсимлаш учун, биноларни тозалаш учун машиналар, тракторлар кераклиги ҳақида. сут соғиш аппаратлари ва кишининг меҳнатини енгиллаштирадиган, бу меҳнатни унумли қиладиган бошқа механизмлар кераклиги тўғрисида гапирдилар. Бу — тўғри гап. Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини механизациялаштирмай туриб, олға қараб тез силжиб бориш мумкин эмас. Хусусан. чорвачиликда кўп меҳнат талаб этиладиган ишларни механизациялаш тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилиш керак. Ҳозирги пайтда сизлар тайёрлаётган чорвачилик маҳсулотларнинг таннархи жуда баланд, ва ҳамма ишни қўл билан бажара берар экансиз, бу маҳсулотларнинг таннархи юқори бўлаверади. Бу ерда сўзга чиққан ўртоқлар келтириб ўтган мисоллар механизациялаштириш натижасида гўшт ва сутнинг таннархини кескин суратда камайтириш учун имконият яратиб берганлигини яққол кўрсатади.

Мен сизнинг зонангиздаги районларда гўшт ва сут етиштириш тўғрисидаги маълумотларни кўрсатиб ўтдим. Кўриниб турибдики. бу соҳадаги ишимиз жуда ҳам кўнгилдагидек эмас. Гўшт ва сут етиштириш паст даражада бўлиши натижасида зонангизда яшовчи аҳолининг ана шу маҳсулотларга бўлган эҳтиёжлари маҳаллий ресурслар ҳисобига тўла қондирилмаётир. Масалан, 1960 йилда Свердловск областида давлат томонидан 61 минг тонна гўшт (сўйилган вазнда) харид қилинди, давлат ресурслари ва маҳаллий манбалар ҳисобига аҳолини таъминлаш учун эса 134 минг тонна гўшт сарф қилинди. Шундай қилиб, областдаги шаҳар аҳолисини таъминлаш учун давлат томонидан харид қилинган гўшт мўлжалнинг ярмидан камроғини, анигроғи 46 процентинигина ташкил этди. Аҳолини сут билан таъминлаш соҳасидаги аҳвол ҳам тахминан шундай.

1960 йилда Урал зонасидаги ҳамма районларда 364 минг тонна гўшт ва гўшт маҳсулотлари харид қилинди, аҳолини таъминлаш учун 403 минг тонна гўшт ва гўшт маҳсулотлари сарфланди. 2 миллион 55 минг тонна сут сотиб олинган бўлса. аҳолини таъминлаш учун 2 миллион 247 минг тонна сут сарфланди. Гўшт ва сут истеъмол қилишнинг ҳозирги даражасини етарли деб топиш мумкин эмас-ку. ахир.

Гўшт ва сут етиштириш соҳасидагина эмас, балки картошка ва сабзавот етиштириш соҳасида ҳам аҳвол шундай эканлигини таъкидлаб ўтиш керак. Ҳозирги вақтда Урал областларига мамлакатнинг бошқа районларидан кўп миқдорда сабзавот келтирилмоқда. Масалан. 1960 йилда Свердловск областига 44 минг тонна. Челябинск областига 12 минг тонна. Пермь областига 16 минг тонна сабзавот келтирилди. Муайян бир миқдордаги эртанги сабзавотни, айниқса жанубда ўсадиган сабзавотни бошқа жойлардан олиш керак, албатта. Аммо сабзавотнинг кўпчилигини ҳар бир жойнинг ўзида етиштириш зарур.

Минг-минг тонналаб сабзавотни узоқ областлардан Уралга келтирганлари ҳолда. Урал областларининг сабзавот етиштириш билан ёмон шуғулланаётганликлари ва кам ҳосил олаётганликларини нормал бир аҳвол деб ҳисоблаб бўладими?

1960 йилда Уралда ҳар гектар ердан қуйидаги миқдорда сабзавот ҳосили олинди:

Челябинск области	— 69	центнер
Пермь »	— 84	»
Курган »	— 94	»
Свердловск »	— 99	»
Удмурдистон республикаси	—100	»
Оренбург области	—106	»
Бошқирдистон республикаси	—110	»

Урал областлари давлатга сабзавот сотиш планини бажармаётирлар. Ўтган йили Свердловск областида планда кўрсатилган 80 минг тонна ўрнига атиги 44 минг тонна. Челябинск областида эса 70 минг тонна ўрнига 22 минг тонна сабзавот тайёрланди. Сабзавотнинг етишмай қолиши каби ярамас ҳолга хотима бериш пайти келган.

Урал—саноат районидир. Уралда чиқинди иссиқлик кўп. Эртанги сабзавотни етиштириш учун бу иссиқликдан фойдаланиш зарур. Сабзавотчилик совхозлари ва колхозларига раҳбарликни яхшилаш, уларнинг мўл ҳосил етиштиришлари ва кўпроқ миқдорда арзон сабзавот етиштиришларига ҳамда аҳолининг талабларини тўла қондиришларига эришмоқ лозим.

Бугун кенгашда Свердловск областидаги «Оржоникидзевский» совхози бригадири З. И. Буланова сўзга чиқди. У теплицада сабзавот етиштириш соҳасида эришган муваффақиятлари тўғрисида ўз ишини жуда яхши билган профессор каби гапириб берди. Унинг бригадаси ҳар квадратметр ердан планда кўрсатилган 14.8 килограмм ўрнига 21.4 килограммдан сабзавот ҳосили олган. Совхоз КПСС Марказий Комитетининг январь Пленумига қадар 5260 центнер эртапишар сабзавотни савдо шохобчаларига сотган. Бригадага коммунистик меҳнат коллективи номи берилди. Демак, сизда имкониятлар бор, иш намуналари бор, кишилар бор. Бу кишилар Урал шароитида теплицаларда ҳам сабзавотдан мўл ҳосил етиштира оладилар ва етиштирмоқдалар. Ана шу имкониятлардан моҳирлик билан фойдаланиш керак. холос. Уралдаги шаҳарлар ва саноат марказлари сабзавот билан мўл-кўл қилиб таъминланиши лозим.

Биз танаффус вақтида Свердловск областидаги Ювинский совхозининг звено бошлиғи М. С. Мавлютова билан суҳбатлашдик. У картошка етиштириш соҳасида сизнинг профессорингиз дейиш мумкин. М. С. Мавлютова 1960 йилда ҳар гектар ердан 286 центнердан картошка ҳосили олди. Унинг қайси сиҳргар кампирга бориб, картошкадан шунчалик мўл ҳосил олиш йўлини ўрганиб келаётганлигига қизиқсангиз. буни билиб оласиз. (Залда жонланиш). Қандайдир бир кампирнинг сиҳрига ҳеч қандай эҳтиёж йўқ, албатта. Ўз ишини яхши билиш, бу ишни севиш, уруғлик тўғрисида. экинларни парвариш қилиш тўғрисида ғамхўрлик қилиш, муттасил юқори ҳосил етиштириш йўлларини билиб олиш керак. Ҳурматли Матрена Степановна, сизни табриклайман, сизнинг янги муваффақиятларга эришувингизни тилайман. Тажрибаларингизнинг кенг ёйилишини, уралликлар яхши навли картошка билан мўл-кўл таъминланишини ҳам истайман. (Қарсаклар).

Районларингизда картошка етиштиришнинг камайиб кетганлиги асло йўл қўйиш мумкин бўлмаган бир ҳолдир. Зонангиздаги районларнинг колхоз ва совхозлари картошкадан жуда кам ҳосил олмоқдалар. Зонангиздаги область ва республикаларнинг бирортаси ҳам 1960 йилда давлатга картошка сотиш планини бажармади. Давлатга 1959 йилдагидан 279 минг тонна кам картошка сотилди.

Ўртоқлар! Сизларга очиғини айтсам, ишнинг шундай аҳволга тушиб қолганлиги тўғрисида жуда қаттиқ сўзлар айтиб юборишдан ўзингни тийиб туриш қийин. Меҳнаткашларнинг фаровонлигини яхшилашга, коммунизм қуришга даъват этган ҳолда, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига раҳбарликнинг жуда паст даражада бўлишига, кўп хўжаликларнинг анча вақтдан буён бир жойда тўхтаб қолаётганлигига, баъзи хўжаликларнинг эса ҳатто орқага қараб кетганлигига тоқат қилиш мумкинми?

Иш шу тариқа борар экан, ишлаб чиқариш даражаси шундай аҳволда қола берар экан, олға қараб силжий олмаймиз. Равшанки, бундай аҳвол учун жавобгарлик аввало, раҳбар кадрларимиз зиммасига юкланади. Ахир, деярли ҳар бир районда, ҳар бир колхоз ва совхозда бошқа хўжаликлардагидек бир хил шароитда, бир хил ерларда ишлаб, деҳқончиликда ҳам, чорвачиликда ҳам, сабзавотчиликда ҳам юксак кўрсаткичларга эришаётган кишилар бор-ку.

Сизнинг кенгашингизда колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришининг кўпгина новаторлари, партия, совет, комсомол ташкилотларининг ходимлари, мутахассислар ва олимлар сўзга чиқдилар. Улар ажойиб муваффақиятлар ҳақида ва Уралда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун жуда катта имкониятлар борлиги тўғрисида гапирдилар.

Маккажўхори етиштирувчи моҳир усталар — Свердловск область, Сухановский совхозининг механизатори ўртоқ Сабуровнинг, Оренбург областидаги Ленин номли колхознинг звено бошлиғи ўртоқ Капраловнинг, Удмурдистон республикасидаги «Дружба» колхози комплекс бригадасининг бошлиғи ўртоқ Неклюдовнинг сўзларини ҳузур қилиб эшитдик. Уларнинг гаплари Урал ерларида маккажўхоридан мўл ҳосил олиш ва шу асосда жамоат чорвачилигини юксалтиришни, гўшт ва сут етиштиришни кўпайтиришни таъминлаш мумкин эканлигини яққол исбот этади. Ана шу ажойиб новаторларнинг ҳар бири силос бостириш учун ҳар гектар ердан 730 центнердан тортиб 918 центнергача маккажўхори ҳосили олди.

Ўртоқлар, Урал ерларида маккажўхоридан мўл ҳосил етиштириш йўлидаги курашнинг ана шу пешқадамларига шон-шарафлар бўлсин! Урал колхоз ва совхозларидаги ўн мингларча механизаторлар булардан ўрнак олсинлар! (Давомли қарсаклар).

Бу ерда совхоз ва колхозларнинг қўриқ ерларни ўзлаштириш ва дон, гўшт ҳамда сут етиштиришни кўпайтириш соҳасида эришган катта муваффақиятлари тўғрисида гапирдилар. Оренбург областидаги «Комсомольский» совхозининг директори ўртоқ Голованов, Бошқирдистон республикасидаги «Победа» колхозининг раиси ўртоқ Зарипов, Курган область, Петухово район партия комитетининг секретари ўртоқ Савельев, Удмурдистон республикаси Киясово район Совети ижроия комитетининг раиси ўртоқ Манохин, Пермь областидаги Савинский совхозининг сут соғувчиси ўртоқ Шаймарданова, Оренбург областидаги «Октябрьский» совхозининг жун қирқувчиси ўртоқ Якушева, Бошқирдистон республикасидаги совхознинг чўчқа боқувчиси ўртоқ Петухова, Курган областидаги «Завети Ленина» колхозининг далачилик мудири ўртоқ Мальцев, Бошқирдистон республикасидаги «Ленинский Октябрь» колхозининг сут соғувчиси, комсомол аъзоси Люба Чиглинцева, Свердловск областидаги Свердлов номли колхознинг қуён боқувчиси ўртоқ Хохряков (у ўз ишининг моҳир устасидир, мен ана шу жуда мароқли ишни табриклайман ва сиз бу ишни яхши олиб боряпсиз), Оренбург чорвачилик институтининг директори ўртоқ Хайруллин ва бошқалар ўз нутқларида бу тўғрида яхши гапирдилар.

Мактаб ўқувчиларидан Аля Стволова ва Людмила Дятел бу ерда ажойиб гапларни айтдилар! Уларнинг сўзларини эшитганингда, шонли ёшларимиз қишлоқ хўжалигини юксалтириш учун кўп иш қилаётганликларига амин бўласан, киши. (Гулдурос қарсаклар). Бу кенгашда сўзга чиққан барча ўртоқларни номма-ном айтиб ўтиш имконига эга эмасман. Шуни айтишни истайманки, қишлоқ хўжалик илғорларининг ҳамма нутқлари мароқли ва ибратли бўлди. Юз мингларча кишиларнинг илғор меҳнат усуллари билан батафсил танишиб чиқмоқлари учун уларнинг нутқларини кичик брошюралар ёки варақалар шаклида нашр этишга тўғри келса керак.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши новаторларининг тажрибасини, илғор хўжаликларнинг тажрибасини қунт билан ўрганиш, кенг пропаганда қилиш ва Уралдаги барча колхоз ҳамда совхозларнинг амалий ишларида татбиқ этиш керак. Ана шу қимматли тажриба партиямиз Марказий Комитети январь Пленумининг қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тўғрисидаги қарорларини бажаришдек буюк ишда Урал қишлоқ хўжалигининг барча меҳнаткашларига ёрдам берсин. (Қарсаклар).

Раҳбар ўртоқлар, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларини мадҳ этиб айтиладиган умумий гаплардан энг яхши тажрибаларни барча хўжаликларда жорий қилиш соҳасидаги амалий ташкилотчилик ишга ўтиш, илғорлардан намуна олиб, қолоқ колхоз ва совхозларни илғорлар даражасига кўтариш керак. Эндиликда асосий нарса ташкилотчилик ишида, одамлар билан ишлашдадир.

Мен илгари айтиб ўтган гапларимни яна такрорлайман: раҳбарларнинг ўзлари илғор хўжаликларга бориб туришлари, уларда ишлаб чиқаришнинг қандай ташкил этилганлиги билан танишиб чиқишлари, кишиларнинг гапларини эшитишлари, улардан иш ўрганишлари керак. Раҳбарнинг ўзи илғор иш усулларини яхши ўрганиб, фойдаланилмаётган имкониятларни топа билган тақдирдагина, у бошқаларнинг ўз ишларини қайта қуришларига. қишлоқлардаги илғор кишилар бораётган йўлдан боришларига, қолоқларни илғорлар даражасига кўтаришга ва шу асосда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни узлуксиз кўпайтиришни таъминлашга ёрдам бера олади.

Зоналарнинг хусусиятлари ҳисобга олинсин, деҳқончилик маданияти оширилсин

Ўртоқлар! Урал зонасининг тупроқ, иқлим ва иқтисодий хусусиятлари кўп хилма-хилдир. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни ташкил этишда шу хусусиятларни синчиклаб ҳисобга олиш керак.

Масалан, Оренбург областини олиб кўрайлик. Бу область дон хўжалиги ривожланган областдир. Область давлатга 150-160 миллион пуд ғалла сотмоқда. Шу билан бирга, бу область чорвачилик, айниқса қорамолчилик ва қўйчилик ривожланган область бўлиши лозим. Қўйчилик иккинчи ўринга қўйилганлиги учун қўйчилар мендан ранжимаслар деб ўйлайман. Оренбург области шароитида қорамолчилик каби қўйчиликнинг ҳам катта аҳамияти бор.

Биз жун етиштиришни кўпайтиришимиз лозим. Саноатга жун зарур. Ҳар бир киши жун матодан тикилган яхши костюм кийгиси келади. Лекин шундай бўлса ҳам, шуни айтмоқ керакки, ҳозирги вақтда кимё яхши сифатли жун бераётир ва бундан буён сунъий жун ишлаб чиқариш тез кўпая беради. Аммо, кимё ҳозирча гўшт бераётгани йўқ. (Шодиёна жонланиш). Шу сабабли етишмаган жуннинг ўрнини кимё тўлдиради-ю, аммо гўшт ерда ўсган гиёҳ туфайли етиштирилади. Оренбург областида мол гўшти ва қўй гўшти етиштирмоқ учун яхши шароит бор. Бу шароитдан тўлиқроқ фойдаланиш керак.

Курган, Челябинск, Свердловск ва Пермь областларида, Бошқирдистон ва Удмурдистон автоном республикаларида товар-ғалла ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтирмоқ учун катта резервлар бор.

Урал областларида дон етиштиришни янада кўпайтирмоқ учун ҳамма чораларни кўриш керак. Шуни айтиш керакки, сизларда дон экинларининг ҳосилдорлиги ҳали ҳам паст. Сизларнинг зоналарингиздаги кўпчилик районлар гектаридан 10-11 центнер дон олмоқда.

Аммо, гектаридан 20-22 центнер дон олиш Урал учун, айниқса унинг дашт районлари учун жуда реал вазифадир. Сизларнинг даражангиз мана шу, ураллик ўртоқлар!

Бундай кўрсаткичларнинг реаллигини кўпгина қишлоқ хўжалик илғорларининг тажрибалари исботлаб берди. Терентий Семенович Мальцевни ҳаммангиз яхши биласиз. У кўп йиллардан бери, гектаридан 20 центнердан ошириб дон, асосан буғдой олмоқда.

Ўртоқ Мальцев буғдойни яхши кўради ва уни яхши билади, лекин мен унга ўзимнинг бир истагимни айтиб ўтмоқчиман. У, маккажўхорини ҳам буғдой сингари яхши кўриб, маккажўхоридан муттасил мўл ҳосил етиштирмоқ учун ўзининг билими ва бой тажрибасидан фойдаланганида яхши бўлур эди. Шадринский районида ҳам, Курган областида ҳам чорвачиликни ҳар томонлама ривожлантириш зарурлигини назарда тутиш керак. Чорвачиликни тағин ҳам рационалроқ ташкил этиб, бунинг учун маккажўхори силосидан ва қанд лавлагидан фойдаланиш мумкин. Ўртоқ Мальцев бу истакни ҳисобга олади ва ўзи ишлаб турган «Завети Ленина» колхозини чорвачилик соҳасида ҳам илғор хўжаликка айлантирмоқ учун маккажўхоридан яхши ҳосил етиштиришни таъминлаш соҳасида кўп иш қилади, деб ўйлайман.

Сизни, ўртоқ Мальцев, маълум даражада ғаллакор аристократ дейиш мумкин. (Шодиёна жонланиш). Сиз. донни яхши биласиз, уни яхши кўрасиз, сиз дон хўжалигининг афсунгарисиз. Лекин инсонга фақат ноннинг ўзигина кифоя қилмайди. Қуруқ қошиқ оғизни йиртади, деган гап бор, қуруқ нонннинг ўзи эса томоқдан ўтмайди. (Шодиёна жонланиш). Нонни едирадиган шўрва керак, шўрва эса гўштсиз, мойсиз қуруқ шўрва, унинг ҳам иштаҳани очадиган хушбўй ҳиди йўқ. Демак, кўпроқ гўшт етиштириш, чорвачиликни ривожлантириш лозим. Зотан сизларда чорвачилик учун ҳамма яхши шароит бор. Ўртоқ Мальцев, сиз одамларни ўргатяпсиз, ўз агротехникангизни ўзлаштиришга уларни даъват қиляпсиз. Бу ишингиз яхши, бу ишингиз тўғри. Лекин ўзингиз ҳам одамлардан ажралиб қолманг, улардан ўрганинг. Маккажўхори етиштираётган илғорларнинг олдига боринг. Ҳеч ким бировдан ўрганишни ор билмаслиги керак. Агар, масалан, имкониятим бўлганида эди, мен ҳамма илғорларнинг олдига борган бўлур эдим, далаларни бориб кўрар эдим, деҳқончилик усталарининг ўз тажрибалари тўғрисидаги гапларини эшитар эдим. Ишлаб чиқаришнинг илғор кишиларидан ўрганиш, билим олишнинг ўзи энг яхши академиядир. (Гулдурос қарсаклар). Новатор ўзининг иш методлари тўғрисида, ўзининг муваффақиятлари тўғрисида айтаётган гапларига қулоқ солиб турсанг, унинг қандай киши эканлигини тушуниб оласан, унинг фикрларини тушуниб оласан, унинг қўлидан нималар келишини кўрасан. Табиийдирки, илғор киши билан суҳбатлашганингиздан кейин новатор даражасига кўтарилмаган бошқа ходим билан учрашсангиз, уларни дарров бир-бирига таққослашингиз: буниси лочин-у, аммо буниси ҳали чумчуқ экан, у ер бағирлаб учаётир, унинг лочин сингари осмонга парвоз қилиши қийин экан, дейишингиз мумкин. Колхозларда ва совхозларда лочинлар кўпроқ бўлиши, ажойиб ишлар қилаётган ва дадил фикрлар айтаётган одамлар кўпроқ бўлиши учун ҳамма чораларни кўришимиз керак. (Гулдурос қарсаклар).

Колхоз ва совхоз раҳбарлари, партия ташкилотларининг раҳбарлари ҳамма колхозчиларни ва совхоз ишчиларининг ҳаммасини илғорларнинг тажрибалари билан қуроллантира берганлари тақдирдагина, ҳамма меҳнаткашларнинг янги юксакликларни эгаллаб олишларига ёрдамлашиш мумкин. Бу—ташкилотчининг муҳим вазифасидир, бу—ташкилотчилик ишидаги асосий вазифадир.

Одамларнинг кўнглини топиш, уларда топширилган ишнинг муваффақиятли бўлиб чиқишига ишонч туғдириш керак. Баъзан ўзи истеъдодли, ақлли, қобилиятли бўлса ҳам, лекин ўзига ишонмайдиган кишилар бўлади. Бундай кишини ўзгартирмаслик лозим, балки унинг ишончини мустаҳкамлаш, унга ўргатиш, ёрдам бериш керак.

Кострома областидаги машҳур колхоз раиси Прасковья Андреевна Малинина билан учрашганлигимни қишлоқ хўжалик ходимларининг Москва Кенгашида гапириб ўтган эдим, лекин сизларнинг кенгашингизда ҳам буни айтиб ўтишни фойдали деб ҳисоблайман. У билан суҳбатлашганлигимизни, у, маккажўхоридан мўл ҳосил олмоқ учун уни қандай қилиб парвариш қилиш кераклигини синчиклаб суриштирганлигини гапириб берган эдим. Ўртоқ Малининага маккажўхорини 70Х70 сантиметрли квадрат-уялаб экишга ҳамда яхши парвариш қилиш тўғрисида маслаҳат берилган эди. У, мана шу маслаҳатга қулоқ солди, энди унинг колхози маккажўхоридан яхши ҳосил олмоқда.

Хуллас, одамлар билан ишлашда сабрли бўлиш керак, ерни қандай танлаш, уруғликни қандай тайёрлаш, тупроқни қандай ишлаш кераклигини тушунтириб бериш, бу ҳақда маслаҳат бериш керак. Мана шуларнинг ҳаммасини, ўртоқлар, билиб олиш, зўр бериб ва қунт билан ўрганиш лозим, энг муҳими эса, ўрганиб олинган нарсаларни ва билимларни амалда татбиқ қилиш керак. Бу гаплар колхозлар ва совхозлардаги кўпчилик раҳбар кадрларимизга тааллуқли гаплардир.

Қишлоқ хўжалик илғорларининг кўплари дон экинларининг ҳосилдорлигини оширишда яхши натижаларга эришдилар.

Курган областининг Макушинский районидаги Комсомол номли колхоз трактор-далачилик бригадасининг бошлиғи С. А. Волосников 750 гектар ерга дон экиб, унинг ҳар бир гектаридан 26,5 центнердан ҳосил олди. Ўртоқлар, мен Украинани яхши биламан. Украинлларнинг бундай ҳосилга ҳавaслари келиши мумкин, Украина республикасида бундай ҳосил олишни уддалай олмаётган районлар кўп.

Оренбург областининг Мустаев районидаги «Красний Октябрь» колхозининг бригадири Г. Н. Зайцев 2329 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 20,7 центнердан дон олди.

Челябинск областидаги Октябрь районининг «Красний Октябрь» колхозида 1960 йилда дон экинларининг ҳар бир гектаридан ўрта ҳисобда ўртача 21,2 центнердан ҳосил олинди.

Бошқирдистон автоном республикасининг «Стерлитамакский» совхозида Л. П. Мокшанцев бошқарувчи бўлиб ва Н. И. Трунов агроном бўлиб ишлаётган бўлимда 897 гектар ернинг ҳар бир гектаридан 25 центнердан жавдар ҳосили олинди.

Пермь областининг Кунгур районидаги «Большевик» колхозининг бригадири В. М. Подосенов 50 гектар ерга кузги жавдар экиб, унинг ҳар бир гектаридан 30 центнердан ҳосил олди.

Илғорлар шундай мўл ҳосил олишга муваффақ бўлаётганликларининг сабаби нима?

Агар ўртоқ Мальцевни олиб кўрсангиз, у ерларни ёзда тоза шудгор қилиб қўйишга, тупроқни яхшилаб ишлашга, уруғлик навларини (буғдойнинг эртапишар ва кечпишар навларини) тўғри танлашга асосий эътибор беради.

Бошқа новаторларнинг маҳаллий шароитга мувофиқ ўз агротехникаси бор. Масалан, Оренбург областининг колхозлари ва совхозларида ерни кузда барвақт ва чуқур шудгор қилиб қўйишга катта аҳамият берадилар.

Лекин ҳамма илғорлар учун умумий бўлган битта нарса бор, у ҳам бўлса, уларда деҳқончилик маданияти юксак даражададир, уруғчиликка, ҳамма ишларни энг яхши муддатларда ўтказишга кўпроқ эътибор берадилар.

Сизларнинг районларингизда буғдой ва жавдар билан бир қаторда маккажўхори, нўхат, тариқ, гречиха, узун пояли зиғир ва бошқа экинлар яхши ўсиши мумкин.

Кўп колхозлар ва совхозлар, комплекс бригадалар нўхатдан яхшигина ҳосил олмоқдалар. 1960 йилда Свердловск областининг Пишминск районида 900 гектар ернинг ҳар бир гектаридан 17,2 центнердан нўхат олинди. Ўзларингизга маълумки, ўртоқлар, давлат нўхатнинг ҳар бир центнери учун (эски пул билан ҳисоблаганда) 200 сўмдан тўлайди. Шу сабабли, нўхат экиш билан яхши шуғулланаётган хўжаликлар шу туфайли катта даромад олмоқдалар. Камишловский районида 1200 гектар майдоннинг ҳар бир гектаридан 16,2 центнердан, Белоярский районида 700 гектар майдоннинг ҳар бир гектаридан 15,7 центнердан нўхат ҳосили олинди.

Ўша Свердловск областининг Талицкий районидаги Сталин номли колхозда 21 гектар майдоннинг ҳар бир гектаридан 33,6 центнердан нўхат олинди! Бу—жуда яхши натижадир.

Мана шулар, Свердловск областининг раҳбарлари бўлган ўртоқлар учун яхши намуналардир. Аммо, сизлар ҳали ҳам Свердловск областида нўхат экиш мумкинми, ёки йўқми, деб гап сотиш билан оворасизлар.

Бошқирдистон республикасининг «Красная Башкирия» колхозида бригадир ўртоқ Шагиев 1960 йилда ҳар гектардан 29 центнердан нўхат олди.

Мен фақат Свердловск областини ва Бошқирдистонни гапириб ўтдим, лекин Удмурдистонда ҳам, Уралнинг Пермь ва бошқа областларида ҳам нўхат яхши ўсиб, тузук ҳосил бериши мумкин бўлса керак.

Уралда нўхатни тажриба тариқасида квадрат-уялаб ёки кенг қаторли қилиб экишни синаб кўриш лозим. Шундай қилинганда экинларни икки томонлама ёки бир томонлама ишлаш ва шу тариқа тупроқнинг намини сақлаб қолиш, бегона ўтлар билан курашиш мумкин бўлади.

Уралнинг кўп районларида, айниқса Оренбург областида ва Бошқирдистон республикасида тариқ яхши ўсади.

Оренбург областининг Красно-хольмский районидаги Чкалов номли колхоз 1960 йилда 236 гектар ерга тариқ экиб, унинг ҳар гектаридан 125 пуддан ҳосил олди. Мустаев районидаги «Красний Октябрь» колхози 530 гектар майдоннинг ҳар бир гектаридан 140 пуддан тариқ олди.

Бошқирдистон АССР нинг Ленин номли колхозда Т. Ф. Файзраҳмонов бригадаси 100 гектар майдоннинг ҳар бир гектаридан 111 пуддан тариқ олди.

Челябинск областининг Чесменский районидаги Шевченко номли колхоз тариқнинг ҳар бир гектаридан 110 пуддан ҳосил етиштирди.

Тариқ қурғоқчилик бўлган йилларда албатта ҳосил берадиган яхши экин. Тариқ кенг қаторли қилиб экилганида яхши натижа берса керак. Академик Т. Д. Лисенко урушдан олдинги йилларда-ёқ Волга бўйидаги ерларда тариқнинг ҳар бир гектаридан юз пудлик ҳосил олишда колхозларга ёрдам беришга киришган эди. Ҳақиқатан ҳам шундай натижаларга эришилган эди. Лисенконинг маслаҳати билан тариқ кенг қаторли қилиб экилди. Лисенко ўз сўзининг устидан чиқди. Кенг қаторли қилиб экиш экин қатор ораларини ишлашни, тупроқни юмшатиш ишларини машиналаштиришга, бегона ўтлар билан курашишга имкон беради.

Сизларнинг зонангиздаги бир қанча районларда гречиха экиш тажрибаси бор. Бошқирдистон автоном республикасидаги Ильич номли колхознинг бригадири В. Н. Орлов гречиханинг ҳар бир гектаридан 21 центнердан ҳосил олди. Оренбург областидаги Калинин номли колхозда А. В. Корчаев 115 гектар майдондаги гречиханинг ҳар бир гектаридан 13 центнердан ҳосил олди.

Гречиха—қимматли озуқа экинидир ва уни етиштиришни кўпайтириш керак.

Винница областида В .М. Кавун раис бўлиб ишлаётган Сталин номли колхозда ва Курск областидаги 1 Май номли колхознинг П. М. Стрекалов бригадасида гречиха экиш соҳасида тўпланган тажрибани ўрганишни бошқаларга тавсия этган эдим, буни сизларга ҳам тавсия қиламан.

Ўртоқ Кавун ишлаётган колхозда гречихани қатор ораларини 45 сантиметрлик қилиб кенг қаторли икки бахияли қилиб экишди. Бу усул қатор ораларини яхшилаб ишлашга имкон берди. Сталин номли колхоз кўп йиллардан бери гречиханинг ҳар бир гектаридан 150 пуддан ҳосил олмоқда, бу йил эса, гектаридан 180 пуддан ҳосил етиштиришга сўз берди. Ўртоқ Стрекалов гречиханинг гектаридан 120 пуддан ҳосил олди ва 1961 йилда 130 пуддан ҳосил етиштиришга сўз берди. Сизлар ҳам гречихани мана шундай усул билан экиб, синаб кўринглар. Сизлар ҳам Винница ва Курск областларидаги илғор колхозлар каби шундай яхши натижалар олишингиз турган гап. Асалариларни экинзорларга чиқариб қўйиш керак. Шундай қилсаларингиз, яна ҳам кўп ҳосил олиш билан бирга кўп асал ҳам оласизлар.

Маккажўхори—чорвачиликни юксалтиришнинг қудратли дастагидир

Ўртоқлар! Гўшт, сут, картошка ва сабзавот етиштиришни кўпайтириш сизларнинг бутун зонангиз учун алоҳида катта аҳамиятга эга. Урал районларида саноат юксак даражада ривожланган. Қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларнинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини етарли қондириб туриши керак.

Свердловск, Пермь, Челябинск ҳамда бошқа областлар ва автоном республикалар аҳолисининг гўшт ва сутга бўлган талабини тўла қондирмоқ учун ҳамма чораларни кўриш зарур. Металлурглар, кимёгарлар, нефтчилар ва бошқа ишчилар сутни кўпроқ истеъмол қилишлари керак.

Шу сабабли. Урал шаҳарларини янги соғилган сут билан таъминлаш масаласи кечиктириб бўлмайдиган масалаларнинг биридир. Урал шаҳарларини янги соғилган сут билан таъминлашнинг қандай манбалари борлигини ҳисоблаб кўриш керак. Бунинг учун асосан маккажўхори ва қанд лавлаги негизида ихтисослаштирилган сут совхозлари ва колхозлари тузиш йўлини тутиш керак, деб ўйлайман. Бу гапдан бундай хўжаликлар фақат маккажўхори ва қанд

(Давоми учинчи бетда).

ЛЕНИН КЎРСАТГАН ЙЎЛДАН

Ё. НАСРИДДИНОВА
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси

□ □

Бугун Совет Иттифоқи халқлари Халқаро хотин-қизлар кунининг 51 йиллигини катта қувонч билан байрам қиладилар. 8 Март куни инсоният тарихида шонли кун ҳисобланади. Бу кунниинг улуғворлиги унинг бутун дунё хотин-қизлари тақдирида ғоят катта ижтимоий-сиёсий роль ўйнаганлигидадир. Бу ажойиб кунининг улуғворлиги ва гўзаллиги шундан ҳам иборатки, бу — дастлабки баҳор байрамидир.

Халқлар баҳор фаслини доим энг яхши орзу ва истаклар билан кутадилар. Баҳор — уйғониш даври, гуллаш даври, ҳаёт даракчисидир. Оналаримизда ўз болалари учун тинч ҳаёт, ўз авлоди учун тинч ҳаёт кутишдан кўра гўзалроқ орзу борми!

Биз, совет хотин-қизлари ҳар гал саккизинчи Мартни нишонлар экамиз, ҳаётимизда рўй берган ўзгаришларни яққолроқ тасаввур қилиш учун. чуқурроқ тушуниш учун босиб ўтилган йўлга назар ташлаймиз. Бу ўзгаришлар ҳақиқатан ҳам улуғвор ва тарихий ўзгаришлардир.

Инсониятнинг энг яхши мутафаккирлари бутун асрлар мобайнида хотин-қизларни озод қилиш проблемаси устида фикр юритдилар, лекин бу проблемани ҳал эта олмадилар. Бутун дунё меҳнаткашларининг генинал доҳийлари ва устозлари Маркс, Энгельс, Ленин хотин-қизлар масаласини ҳал қилишнинг бирдан бир тўғри ва равшан йўлини белгилаб, кўрсатиб бердилар. Хотин-қизларни фақат социал революция натижасида, капиталистик тузумни социалистик жамият тузуми билан алмаштириш, чинакам халқ ҳокимиятини — пролетариат ҳокимиятини ўрнатиш натижасидагина озод қилиш мумкин, деб таълим бердилар.

Владимир Ильич Ленин ўзига хос донолик ва башорат билан бундай деган эди: **«Хотин-қизларнинг тўла равишда озод бўлишлари ва ҳақиқатан ҳам эркаклар билан ҳуқуқда тенг бўлишлари учун ижтимоий хўжаликнинг мавжуд бўлиши ва хотин-қизларнинг умумий унумли меҳнатда иштирок қилишлари керак. Шу вақтдагина хотин-қизлар эркаклар билан тенг ўринда бўладилар».**

В. И. Ленин башорат қилиб айтган гаплар, Ленининг орзулари мамлакатимизда тўла амалга ошди. Ленин партиясининг иродаси билан, халқнинг иродаси билан мамлакатимизда юксак даражада ривожланган жамоат хўжалиги вужудга келтирилди ва бу хўжалик тобора мустаҳкамланиб ва муттасил ривожланиб бормоқда. Владимир Ильич олдиндан кўриб айтганидек, мамлакатимиз хотин-қизлари умумий меҳнатда жуда актив, жуда фаол қатнашмоқдалар. Ажойиб Советлар мамлакатида хотин-қизларнинг энг эзгу орзулари ва умидлари рўёбга чиқди.

Ленин ғояларининг нури, улуғ Коммунистик партиянинг нури хотин-қизлар ҳаётини қуёшдай ёритди. Хотин-қизларимиз учун янги турмуш сари, қувончли ва ижодий меҳнат сари кенг ва ёруғ йўл очилди.

СССР Конституцияси хотин-қизларга хўжалик, давлат, маданий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида эркаклар билан тенг ҳуқуқ берилишидан иборат жаҳоншумул тарихий фактни мустаҳкамлади.

Конституцияда гарантияланган хотин-қизлар ҳуқуқларини амалга ошириш имконияти уларга меҳнат қилиш, иш ҳақи олиш, дам олиш, социал страхование ва таълим олиш соҳасида эркаклар билан тенг ҳуқуқни таъминлаш, кўп болали ва ёлғиз оналарга давлат нафақасини бериш, аёллар комилдор бўлганида ойлигини сақлаган ҳолда отпуска бериш, туғруқхоналар, болалар яслилари ва боғчаларининг кенг тармоқлари билан хизмат кўрсатиш йўли билан рўёбга чиқарилади.

Хотин-қизларнинг чинакам озод ва чинакам тенг ҳуқуқлилиги деб ана шунга айтадилар!

Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг хотин-қизларнинг сиёсий ва маданий савиясини ошириш, уларни ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб қилиш, иш ва турмуш шароитини яхшилаш ҳақида тинмай кўрсатаётган ғамхўрликлари ажойиб самаралар берди.

Партия, Ватан ва халққа чексиз содиқ бўлган совет хотин-қизлари коммунизм қурувчиларнинг биринчи сафларида бормоқдалар.

* * *

Бу йил халқаро хотин-қизлар куни мамлакатимиз етти йиллик планини муддатидан илгари бажариш учун курашда буюк тарихий ғалабаларни қўлга киритаётган, КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми тарихий қарорлари, Никита Сергеевич Хрушчевнинг Пленумда сўзлаган нутқи, шу йил октябрь ойида партия XXII съездининг чақирилиши тўғрисидаги хабар гуфайли халқ оммасининг, жумладан хотин-қизларимизнинг сиёсий ва меҳнат активлиги тобора ҳам ўсиш босқичига кўтарилмоқда.

Совет хотин-қизларининг сиёсий ва меҳнат активлиги нақадар ўсганлигини Ўзбекистон мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу ерда юз мингларча меҳнаткаш аёллар ватанпарварлик туйғулари билан тўлиб-тошган ҳолда, Ватанимиз манфаатлари йўлида, порлоқ коммунистик идеаллар йўлида бутун куч ва билимларини умумхалқ иши учун курашга бағишлаб ишламоқдалар, ижод қилмоқдалар.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ишлаб чиқариш илғори, пахта устаси, олим, инженер, агроном, педагог, давлат арбоби, партия ходими бўлиб ишлаши оддий воқеага айланди. Бу эса совет ижтимоий ва давлат тузумининг, совет демократизмининг моҳияти ва табиатини яққол ифодалайди.

Республикамизда ишчи ва хизматчиларнинг 40 процентини, саноат ходимларининг эса 41 процентини хотин-қизлар ташкил қилади. Улар барча ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчилар билан биргаликда ўз фидокорона меҳнатлари билан коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишга катта ҳисса қўшмоқдалар.

Яқинда Қўқондаги Охунбобоев номли тикувчилик фабрикасининг Татьяна Кардаш бошлиқ бригадаси бошлаб берган янги қимматли ташаббус бутун республикамизга ёйилди. Бу бригада КПСС XXII съездига тайёргарлик кўриб, ўз резервларини қайта ҳисоблаб чиқди ва смена топшириғини 7 соатда эмас, балки 6 соатда бажариб, иш кунининг охирги соатида пландан ташқари маҳсулот беришга аҳд қилди. Фабрикадаги Соня Болтабоева, Раиса Ушакова, Тамара Мартиненко бошлиқ бригада аъзолари ҳам бу ташаббусга қўшилдилар.

Ўзбекистоннинг энг кекса корхоналаридан бири — Октябрь революцияси номли заводда 600 дан ортиқ хотин-қиз бевосита ишлаб чиқариш участкаларида меҳнат қилмоқда, 57 аёл инженер-техник бўлиб ишламоқда. Хотин-қизлардан иборат етти бригада олдингилар қаторида коммунистик меҳнат коллективи номига сазовор бўлди. Тепловоз цехининг бўёқчиси Аношкина, чўян қуюв цехининг стерженчиси Степанова ўртоқлар бошлиқ бригадалар шулар жумласидандир. Тепловоз цехининг станокчиси Прасковья Старкова, вагон цехининг ишчилари Екатерина Турутина, Валентина Овчинникова шу корхонада 20 йилдан кўпроқ вақтдан бери ишламоқдалар.

Юзларча хотин-қизлар Валентина Гагановадан ўрнак олиб, қолоқ участкаларга ишга ўтдилар ва астойдил ҳаракат қилиб, бу участкаларни илғорлар даражасига чиқариб олдилар. Гагановачилардан иккинчи пойафзал фабрикасининг заготовкачиси Раъно Махмудхўжаева, «Қизил тонг» фабрикасининг мастери Капитолина Иванова, Тошкент тўқимачилик комбинатининг ип йигирувчиси Мария Алпатова ва бошқа кўпгина ватанпарвар аёллар айниқса намуна кўрсатдилар. Завод, фабрика, шахта, руда кони, нефть кони ва қурилишларда ишлаётган хотин-қизлардан 5 минг инженер ва 10 ярим минг техник техника тараққиёти учун курашда янгидан-янги муваффақиятларга эришмоқда.

Республикамиз олдида саноат ишлаб чиқаришини янада юксалтириш юзасидан катта вазифалар турибди. Ўзбекистон саноатининг ходимлари КПСС XXII съездини муносиб кутиб олиш учун қардош Белоруссия корхоналарининг коллективлари билан мусобақа бошладилар ва ўз зиммаларига йиллик планни муддатидан олдин бажариш, техниканы янада тараққий эттириш мажбуриятини олдилар. Шуҳда йўққи, республика хотин-қиз ишчиларининг кўп минглик армияси социалистик саноатни янада ривожлантириш резервларидан тўлароқ фойдаланиш учун, партия XXII съездини янги меҳнат зафарлари билан кутиб олиш учун курашчиларнинг олдинги сафларида борадилар.

Мамлакатимиз, шу жумладан республикамиз қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини юксалтириш учун курашда хотин-қизларнинг роли тобора кучайиб бормоқда. Хотин-қизлар колхоз ва совхозларда ҳақиқатан ҳам катта куч бўлиб қолдилар. Ўзбекистон колхозларида 560 минг хотин-қиз ишламоқда. Қишлоқ хўжалигида 3300 га яқин хотин-қиз агроном, зоотехник, ветеринария врачи ва ўрмон хўжалигида бошқарувчи бўлиб ишламоқда.

Пахта териш машинасини эгаллаш учун республика хотин-қизларининг ажойиб ҳаракатини бошлаб берган механик-ҳайдовчи Турсуной Охунованинг донги бутун мамлакатимизга ёйилди. 1166 хотин-киз Турсунойнинг буюк ташаббусига қўшилиб, фидокорона меҳнат килдилар ва ўтган йили 500 минг тонна «оқ олтин»ни машиналарда териш бўйича республикамиз қабул қилган мажбуриятни бажаришга муносиб ҳисса қўшдилар.

Хотин-қизларнинг пахта териш машиналарини бошқараётганликлари қишлоқлардаги аёл механизаторларнинг маданий-техника савияси нақадар ўсганлигини яққол кўрсатиб турибди. Уларнинг доно ақли, ижодий шижоати, қўлининг гуллиги намоён бўлди. Амударё районидаги «Ленинизм» колхозидан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ойим Камолова, Пахтакор районидаги «Коммунизм» колхозидан Матлуба Назарова, Бўка районидаги «Ленин йўли» колхозидан Мария Ковалева, Марҳамат районидаги Свердлов номли колхозидан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мўттихон Жумабоева ва бошқа кўпгина илғор механик-ҳайдовчилар мамлакатимизнинг асосий пахта базаси бўлган Ўзбекистон шуҳратини янада оширдилар.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев КПСС Марказий Комитетининг январь Пленумида сўзлаган нутқида бундай деган эди: **«Ўзбек хотин-қизларининг ташаббуси чинакам революцион аҳамиятга эгадир. Бу ташаббус пахта теришни механизациялаштириш проблемасини қисқа муддат ичида ҳал қилиш мумкинлигига ишонч туғдирмоқда. Лекин гап фақат шунинг ўзидагина эмас. Турсуной Охунова ва дугоналарининг намунаси Совет Иттифоқининг Шарқ республикаларидаги хотин-қизлар совет тузуми даврида нақадар ўсганликларини, уларнинг коммунистик қурилишдаги роли нақадар кўтарилганлигини кўрсатиб турибди».**

Колхоз ва совхозларда хотин-қизлар ҳал қилувчи участкаларга бошчилик қилиб, ишни уюштириш ва резервлардан яхшироқ фойдаланиш намуналарини кўрсатмоқдалар. Қоракўл районидаги «Октябрь» колхозининг бригадири Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шарофат Баракаева катта шуҳрат топди. Ўтган йили у бошлиқ бригада 130 гектар ернинг ҳар гектаридан 71 центнердан «оқ олтин» олиб, пахта топшириш давлат планини 236 процент бажарди. Бунга ғўзани парвариш қилиш ва пахта териш ишларини кенг механизациялаш натижасида эришилди.

КПСС Марказий Комитетининг январь Пленумида Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илғорлари қаторида сут соғувчилардан Зуҳра Комилова, Бўриниса Исҳоқова, Роза Квон, Азиза Кенжаевалариинг номи тилга олинди. Булар ҳар бош сигирдан йилига ўрта ҳисобда 5-6 минг килограммдан сут соғиб олдилар. Илғорлар сафи кенгаймоқда ва улар ўз маҳоратларини такомиллаштириб, янада каттароқ муваффақиятларга эришмоқдалар. Юқоричирчиқ районидаги «Политотдел» колхозининг донгдор сут соғувчиси Роза Квон кейинги вақтларда «Арча» станогида сигирларни соғиш технология процессини ва техникасини ўрганиб олди ҳамда шу йилнинг 27 февралидан бошлаб кунига 104 сигирни соға бошлади. Ўтган йили бу хормастолмас меҳнаткаш ўзига биркитилган сигирлардан 100 минг килограммга яқин, яъни бутун колхоз бундан етти йил илгари топширган сутдан 5 баравар кўп сут соғиб олди.

Илғор чўчқабоқар аёллар янги марраларни эгалламоқдалар. Ғўшт етиштиришни кўпайтириш вазифасининг ҳал қилиниши уларнинг меҳнатига боғлиқдир. Тўрткўл районидаги «Ленинград» колхозининг энг яхши чўчқабоқари Мария Бунина чўчқаларни яйратиб боқиб, минг бош чўчқани семиртирди ва давлатга минг центнер чўчқа гўшти топширди. Ўртоқ Бунина КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорига жавобан чўчқачилик фермасидаги ўз ўртоқлари билан биргаликда ишлаб, етти йилликнинг учинчи йилида 1150 центнер чўчқа гўшти етиштиришга қарор қилди. Республиканинг юзларча чўчқабоқарлари Мария Бунинадан ўрнак олмоқдалар.

КПСС Марказий Комитети январь Пленуми қарорларини амалга ошириш учун янада фидокорона меҳнат қилиш — қишлоқ хўжалиги меҳнаткаш хотин-қизларининг энг муҳим бурчидир. Бу қарорда қишлоқ хўжалигини янада юксалтиришнинг, халқ моддий фаровонлигини янада оширишнинг жанговар программаси белгилаб берилган.

Ўзбекистон колхоз ва совхозларининг меҳнаткашлари етти йиллигининг учинчи йилида Ватанга 3 миллион 200 минг тонна пахта, 155 минг тонна гўшт, 315 минг тонна сут, 84 миллион дона тухум, 600 минг тонна картошка ва бошқа кўпгина маҳсулот топшириш мажбуриятини олганлар. Бу мажбуриятларни муваффақиятли бажаришшон-шараф ишимиздир.

* * *

Ўзбекистон хотин-қизларининг битмас-туганмас ижодий ғайрати маданий фронт участкаларида, шунингдек меҳнаткашлар соғлиғини сақлаш соҳасида ҳам намоён бўлмоқда.

Республика халқ маорифи соҳасида 35 мингга яқин хотин-қиз педагог ва тарбиячи бўлиб ишламоқда. Улар ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялашда кўп куч ва ғайрат сарфламоқдалар.

Ўзбекистоннинг кўпгина хотин-қизлари илмий муассасаларда, олий ўқув юртларида, лабораторияларда ва тажриба станцияларида самарали ишлаб, ўз илмий тадқиқотлари билан совет фани ва маданиятини юксалтирмоқдалар. Республикамизда хотин-қизлардан 23 киши фанлар доктори, 640 киши фанлар кандидатидир.

Санъат соҳасидаги ходимларнинг 32 процентини хотин-қизлар ташкил қилади.

Соғлиқни сақлаш органларида айниқса кўп хотин-қизлар ишламоқда Ўзбекистондаги ҳамма медицина ходимлари ва врачлардан 38 минг киши ёки 78 проценти хотин-қизлардир.

Революциягача деярли ҳамма хотин-қизлар саводсиз бўлган Ўзбекистонда эндиликда олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган 98 минг аёл бор. Олий ўқув юртларида ва техникумларда 54 минг хотин-қиз таълим олмоқда.

* * *

Совет хотин-қизларининг давлатни бошқаришда актив иштирок этаётганликлари мамлакатимизда хотин-қизларнинг коммунизм қурилишида ғоят катта роль ўйнаётганлигини кўрсатувчи ёрқин далилдир. Ўзбекистон ССРда 17 аёл СССР Олий Советининг, 129 аёл эса Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатидир. Улар орасида саноат корхоналарининг новаторлари, пахта усталари, инженерлар, агрономлар, колхоз раислари ва олимлар, партия ва совет ходимлари бор. Улар ўзларининг бевосита ишини депутатлик иши билан моҳирона боғлаб олиб бормоқдалар.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Эъзозхон Исроилова Избоскан районидаги «Коммунизм» колхозида раислик қилади. У жамоат хўжалигини моҳирлик билан бошқармоқда. Ўртоқ Исроилова депутат сифатида сайловчиларнинг наказларига катта эътибор бермоқда, қишлоқни обод қилиш ҳақида ғамхўрлик кўрсатмоқда. Унинг актив ёрдами билан 50 ўринли болалар яслиси, 2 та медицина пункти қурилди, йўлларга асфальт ётқизилди.

Тошкент медицина институтининг профессори Ольга Николаевна Павлова Ўзбекистон ССР Олий Советининг соғлиқни сақлаш ва социал таъминот доимий комиссиясининг раиси қилиб сайланган. Унинг депутатлик фаолияти ташаббускорлик, ишга ижодий ёндошиш билан маҳкам боғланган. Бу комиссия меҳнаткашларга медицина хизмати кўрсатишни яхшилашга оид муҳим масалаларни ўрганиб, Олий Совет Президиумининг қарамоғига тақдим қилди.

Ўзбекистон ССР маҳаллий Советларига 5 мартда ўтказилган сайловда 31.831 хотин-қиз депутат қилиб сайланди. Улар ҳамма депутатларнинг 50,69 процентини ташкил қиладилар. Халқ бу депутатларнинг ишончли оқлашларига астойдил ишонади.

СССР Олий Советининг депутати Гавҳар Ҳайдарова Чирчиқ шаҳар ижроия комитетининг раиси бўлиб ишлайди. У халқ хизматкори сифатида мана шу шаҳарни коммунистик меҳнат шаҳрига айлантириш йўлида кенг меҳнаткашлар оммаси билан биргаликда ўз кучи ва билимини сарф этмоқда. Наманган шаҳар ижроия комитетининг раиси Мелихон Иброҳимова бир неча йилдан бери Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг аъзоси ҳисобланади. У Наманганни обод этиш ва шаҳар аҳолисига маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилашда ғамхўрлик кўрсатмоқда.

Ватанимиз Ўзбекистон хотин-қизларининг коммунистик қурилиш соҳасидаги шавкатли меҳнатига юксак баҳо берди ва уларнинг энг яхшилари ҳукумат мукофотларини олди. Республикамизнинг 72 хотин-қизига давлат олдидаги катта хизматлари, хўжалик ва маданий қурилишда актив иштирок этганлиги учун Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди. 27510 хотин-қиз орден ва медаллар билан мукофотланди. Кейинги уч йил ичида 6129 хотин-қиз республика Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқларини олишга сазовор бўлди. 1109 хотин-қиз Ўзбекистон ССРнинг Фахрий унвонларини олган.

Мамлакатимизда оналар жуда ҳурмат қилинади ва улар ҳақида катта ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Оналарнинг бола тарбиялаш соҳасидаги меҳнати қаҳрамонлик даражасига кўтарилган. Ўзбекистонда 1749 аёл «Қаҳрамон она» фахрий унвонига эга, 372 минг она «Оналик шуҳрати» ордени ва «Оналик медали» билан мукофотланган.

Совет Иттифоқида дунёда биринчи марта оналик ва болаликни сақлашнинг мунтазам системаси вужудга келтирилди. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати оналар ва болалар ҳақида тинмай ғамхўрлик кўрсатмоқдалар. СССР Олий Совети Президиумининг 1944 йил 8 июль фармони эълон қилинганидан бери ўтган деярли 17 йил мобайнида республикамизда кўп болали ва ёлғиз оналарга уч миллиард 117 миллион сўм, шу жумладан 1960 йилда 376 миллион сўм (эски пул билан) давлат нафақаси тўланди.

Бизнинг мамлакатимизда хотин-қизлар меҳнатини енгиллаштириш, уларнинг маишатини яхшилаш учун ҳамма чоралар кўрилмоқда. Республикада 63 мингдан кўпроқ бола доимий яслиларда тарбияланмоқда. Бизда 431 болалар ва оналар консультацияси бор. Акушерлик ва гинекологик койкалар сони кейинги уч йилда бир ярим баравар кўпайди ва 10 мингтадан ошиб кетди. Касалхоналарда болалар койкаларининг сони ҳам бир ярим баравар ошди. Оналик ва болаликни сақлашга оид бошқа тадбирлар ҳам кўрилмоқда. Шуни таъкидлаш керакки, бу соҳада қилинган ана шу ишлар ўсиб бораётган талабларга тўла жавоб бермайди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика ҳукумати, маҳаллий партия, совет ва хўжалик ташкилотлари аҳолининг, шу жумладан хотин-қизларимизнинг турмушини янада яхшилаш учун зарур чораларни кўрмоқдалар.

* * *

Совет хотин-қизлари ўз озодликларига, улуғ ҳуқуқларга, қувончли меҳнат ва бахт-саодатга Коммунистик партия туфайли, унинг доно сиёсати туфайли эришганликларини жуда яхши биладилар. Советлар мамлакатининг хотин-қизлари КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати улар ҳақида кун сайин ғамхўрлик қилаётганлигини сезиб турибдилар. Никита Сергеевич Хрушчев совет хотин-қизларининг самимий дўсти, ғамхўри, энг яхши маслаҳатчисидир. Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг бутун ҳормас-толмас фаолияти ленинча чш услубининг, оммa билан ленинча самимий алоқада бўлишнинг намунаси, Коммунистик партия манфаатларига, халқ манфаатларига садоқат билан хизмат қилишнинг ёрқин намунасидир.

Биз Ўзбекистон аёллари мамлакатимизнинг шарқий районларидаги хотин-қизларни тўла озод қилишда ғоят катта ёрдам кўрсатган рус опа-сингилларимизнинг жуда катта хизматларини сира унутмаймиз.

8 Март — барча мамлакатлардаги хотин-қизларнинг тинчлик учун, халқаро кескинликни юмшатиш учун, тинч-тотув яшаш учун, «совуқ уруш»га қарши, зўр бериб қуролланишга қарши кураш кунидир.

Совет хотин-қизлари Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг ленинча тинчликсевар ташқи сиёсатини, коммунистик ва ишчи партиялар вакиллари Москва Кенгашининг тарихий ҳужжатларини қизғин маъқуллаб ва яқдиллик билан қўллаб-қувватлаб, ўз фидокорона меҳнатлари билан бутун дунёда тинчлик ишини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Биз ажойиб даврда яшамоқдамиз. Эндиликда коммунизм узоқ келажакдаги орзу эмас. Коммунизм куртаклари ҳаётимизга, меҳнатимизга, маишатимизга тобора мустаҳкамроқ сингиб бормоқда. Дунёдаги энг адолатли ва энг гўзал жамият бўлган коммунистик жамиятни қуриш учун янада яхшироқ ишлаш керак.

Ўзбекистон хотин-қизлари жонажон партия, унинг синалган ленинчи Никита Сергеевич Хрушчев бошлиғи Марказий Комитети теварагига янада маҳкамроқ жипслашиб, бундан буён ҳам қудратли Совет Ватанимиз равнақи учун, етти йиллик планни муддатидан илгари бажариш учун, коммунизм тантанаси учун янада активроқ ва янада ғайрат билан курашадилар.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси техника фанлари доктори Маҳсуда Аъзамовна Хожинова тўқимачилик саноатида пахтани сукъий қуритишнинг толага таъсири масалалари устида илмий иш олиб бормоқда. Маҳсуда опа айни пайтда Тошкент тўқимачилик институтининг директори ҳамдир. Пастдаги суратда ўзбек аёли Соня Салимованинг мураккаб чертежлар чизиб турганида кўряпсиз. У, махсус Давлат пахтачилик конструкторлик бюросида старший техник-конструктор бўлиб ишламоқда. У ҳозир қишлоқ хўжалик машиналари конструкцияси устида ишламоқда. Бу ҳар инки сурат хотин-қизларнинг фан ва техника соҳаларида қай даража фаол ва актив қатнашаётганини кўрсатиб турибди.



Татьяна Кардаш ташаббуси

ФАРҒОНА. (**«Қизил Ўзбекистон» мухбири**). Фарғона область партия комитетининг бюроси Қўқондаги Охунбобоев номли тикув фабрикасининг Татьяна Кардаш бошлиқ бригадасининг 7 соатлик иш нормасини 6 соатда бажариш ҳақидаги ташаббусини кўриб чиқди ва уни маъқуллади. Бригада ҳар сменада 450 ўрнига, 525-530 сорочка ишлаб чиқаряпти. Йиллик план муддатидан илгари 18 октябрда бажарилади.

Область партия комитетининг бюроси Татьяна Кардаш ташаббусини кенг оммалаштириш тадбирларини белгилади.

САЛОМАТЛИК ДЕБ...

Биз медицина ходимлари бутун халқнинг меҳрибонлиги билан қўршаб олиганмиз. Бу эса бизларда ўз касбимиз билан фахрланиш ҳиссини кучайтиради. Яқинда медицина ходимларидан бир неча юз киши, шу жумладан Андижон областидан 30 киши СССР орден ҳамда медаллари билан мукофотланди. Ленин ордени билан мукофотланганлар орасида Андижон ва Наманган шаҳар туғруқхоналарининг бош врачлари Ибодат Хошимова, Тамара Холхўжаевалар бор.

Медицина ходимлари тўғрисида кўрсатилаётган бу ғамхўрлик бизни янада яхшироқ ишлашга чорлайди.

Ж. ХОЛБОТИРОВА.
Андижон шаҳридаги 4-поликлиникан и н г терапевт врачи.



„ҚИЗИЛ ТОНГ“ЛИКМИЗ

Улуғ айём кунларигина эмас, балки давримизнинг ҳар бир они ҳудди байрамлардагидек шодиёна дамларга тўла. Айниқса бугун —8 март байрамини ниҳоятда қизғин, ёрқин ранглар билан безатиб, қувончни тўкиб солинг келади. Биз «Қизил тонг»ликмиз. Корхонамизда меҳнат қилаётганларнинг деярли ҳаммаси хотин-қизлар. Ўзингиз биласиз, қиз-жувонларнинг қўлидан чиққан, ўткир дидлари билан яратилган, оналаримизнинг қалб ҳарорати билан бунёд этилган жамики нарса ўзининг гўзаллиги, нафислиги, ёқимлиги билан ажралиб туради.

Биз, янги замоннинг ишчи-хотин-қизларимиз. Биз нимаики яратсак, ўзимиз баҳам кўрамиз, қон қардош дўстларимиз дастурхонига тўкамиз. Фабрикамизда ишлаётган икки ярим мингдан кўпроқ қиз-жувоннинг ҳар бири кунига биттадан бежирим пальто тикиб бермоқда. Бу рақамларни бирбирига жамласангиз ойига 75 минг, йилига эса салкам бир миллион донага етади. Демак, бизнинг «Қизил тонг»ликлар ҳар йили бир миллион кишини кийинтиради.

Республикамизнинг турли шаҳар ва қишлоқларида тикувчилик қилаётган дугоналаримизни халқаро хотин-қизлар байрами билан қутлаймиз ва шахсий ҳаётда, меҳнатда ажойиб муваффақиятларга эришишларини истаб қоламиз.

С. СУЛТОНОВА,
Тошкентдаги «Қизил тонг» фабрикаси 9-цехининг инженер-мастери.

Е. ПАПСУЕВА,
фабрика тикувчиси, цех касаба союз комитетининг раиси.

СЪЕЗДГА ТУҲФА

Улуғвор етти йиллигимизнинг учинчи баҳори бошланди. Бу баҳор олдингилар каби меҳнат, ижод ва тинчлик баҳори бўлади. Совет кишилари ўзларининг яратувчилик меҳнати билан коммунизмнинг муҳташам биносини қурмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги олдига, шу билан бирга олимлар олдига катта вазифалар қўйди. Фанни янада ривожлантириш ва уни ишлаб чиқариш билан узвий боғланган ҳолда олиб бориш ғоят муҳимдир. Республикадаги олимлар қаторида фанни тараққий эттириш, ер бағридаги хазиналарни очиш ишига озми-кўпми ҳисса қўшаётганим билан фахрланаман.

С. Х. МИРКАМОЛОВА,
геология-минералогия фанлари доктори, профессор.

ЯХШИ НИЯТ БИЛАН

Савдо шохобчаларида минг-минглаб хотин-қизлар ишлайпти. Биргина Термиз шаҳар савдо ва жамоат овқатланиш бўлимлари системасида ишлаётган аёллар 230 кишидан ортади. Улар ўз олдиларига олижаноб мақсад қўйганлар: харидорни ранжитмасам, у сўраган молни топиб берсам, коммунизм қураётган меҳнаткашларга яраширлиқ хизмат қилсам, дейди.

Мен ўн йиллик мактабни тугатгач магазинларнинг бирида шогирд бўлиб ишладим. савдо-сотиқ тарибларини ўргандим. Менда шундай тушунча ҳосил бўлди: Совет савдоси шарафли иш. Ҳалол ва чаққон ишласанг харидорлар ҳурматига сазовор бўлаверасан.

Етти йиллик планни ошириб бажариш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилаётган совет кишиларига яхши савдо хизмати кўрсатиш бурчимиздир.

Ш. МУЛЛАБОЕВА,
Термиздаги ихтисослаштирилган магазинининг старший сотувчиси, Термиз шаҳар Советининг депутати.

ЛАЗЗАТЛИ ВА ХИЛМА-ХИЛ

Корхона планларининг мунтазам бажарилишида ошпазларнинг ҳам ҳиссаси борлигини ҳеч ким инкор этмаса керак. Узингиз ўйлаб кўринг: ишчилар, хизматчилар ошхоналарда бемалол ўтиришиб, ҳалос қўйиб пиширган таомларимизни иштаҳа билан есалар, уларнинг кайфи чоғ бўлмайдими ёки кучуввати ортмайдими?!

Лаззатли, тотимли овқат еган кишининг иш унуми ҳам баракали бўлади. Мен 21 йилдан бери Бекобод шаҳридаги жамоат овқатланиш корхоналарида, сўнгги етти йилдан буён В. И. Ленин номидаги металлургия заводи ошхонасида ишлайман. Шу давр ичида неча минглаб кишиларга дастурхон ёздим. Ҳўрандалар меҳнатимни қадрлаганлари учун мамнунман.

Биз лаззатли ва хилма-хил таомларни кўпроқ пиширib чарчамайлик, хўрандаларимиз эса етти йилликнинг улуғвор режаларини амалга ошираверсинлар.

А. А. ФРОЛОВА,
В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия заводи ошхонасининг бош ошпази.

КИЙГАНИ НАСИБ ҚИЛСИН

Ипакчик кийим киши баҳрини очади, унга ҳусн-чирой беради. Мана шу ипакни биз тайёрлаймиз.

Мен ишлаб турган миллакашлик фабрика ишчиларининг кўпчилиги хотин-қизлар. Биз етти йиллик планни муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани кучайтирганмиз. Ўтган йили ишларимиз чакки бўлмади, пландан ташқари бир неча юз минг сўмлик маҳсулот бердик ва 534 минг килограмм хом пилла тежадик. Бу тежалган пилладан қанча ипак чиқишини тасаввур этиб кўрингчи!

Коллективимиз ўз ишида яхши кўрсаткичларга эришганлиги учун Ўзбекистон Халқ хўжалиги кенгаши ва касаба союзлари республика советининг Кўчма қизил байроғини олди.

Бу йил КПСС XXII съезди чақирилади. Ҳозир ҳар биримиз шу съездга совға тайёрлаяпмиз. Улуғ йўлбошчи. илҳомчи Коммунистик партиянинг съездига меҳнат тухфалари билан бориш ҳаммамиз учун катта бахт эмасми?

Т. ПОПОВА,
Фарғона шаҳридаги Роза Люксембург номли пилласашлик фабрикасининг ипак-йигирувчиси.

Сизнинг шаънингизга

ШУҲРАТ.

Эй, аёл! Азиз номинг тилга олсам
Қалбимдан илҳомим жўш уриб келар.
Меҳрингни қалбимга гул қилиб солсам,
Шафқатинг кўзимга нур суриб келар.

Гоҳ азиз онасан — ҳаётга асос,
Гоҳ нозли жанонсан — ишқинг бир оташ.
Гоҳ содиқ хотинсан — меҳринг беқиёс,
Ҳар кунинг истиқбол тонгига туташ!

Гоҳ сингил, гоҳ янгга, гоҳо холасан,
Барибир қон-қардош, жигарпорасан.
Ҳар мушкул чоғда ҳам содиқ қоласан,
Рақибинг кўксини ишдек ёрасан!

Ҳар ерда биргасан, азиз ўлкадош,
Хар ерда қудратинг, меҳринг намоён.
Қўриқлар очганда бўлдинг елкадош,
ГЭСлардан сим тортдинг туриб ёнма-ён.

Ҳар чигит донасин фарзанддек севиб,
Юз-юзлаб гектарда пахта ундирдинг.
Гоҳ баҳор селида лой кечиб, ивиб,
Ғалаба қушини қўлга қўндирдинг.

Уфққа чирмашган катта хирмонинг
Коқ ярми сеники, сенинг ҳимматинг.
Ҳалолдир ҳамиша ушатган поинг,
Улуғдир шафқатинг, қалб муҳаббатинг;

Гоҳо сен Турсуной, — рулга ўтириб,
Кўз етмас чаманда хирмон тиклайсан.
Гоҳо сен Башорат, — тепловоз суриб,
Қанчалаб вагонга бойлик юклайсан.

Гоҳо сен Зулфия, — шеърларинг тапти
Калбларга бахш этар ҳаёт ва ҳузур.
Гоҳо сен Ҳалима, — авжингнинг запти
Уфқдан уфққа кўчар мисли нур!

Сендан зўр ижодкор йўқдир жаҳонда,
Олим ҳам, шоир ҳам, наққош ҳам ўзинг.
Боғбон ҳам, баҳор ҳам, қуёш ҳам ўзинг.
Чунки сен яшайсан ҳар юрак қонда!

Сен борсан бу ҳаёт, яшариш мангу,
Сен борсан бу олам нурга тўлиқдир.
Сен борсан порлоқдир башарнинг тонги,
Меҳрингни тарк этган юрак ўликдир!

Ҳар шонли хизматинг тарихга битиб,
Кувониб боқамиз сенинг кўзингга.
Меҳрингни юракда байроқдай тутиб
Миннатдор бошимиз эгамиз сенга!



БУ ҚИЗЛАР қувончининг боиси нима экан, деб қизиқасиз, албатта. Улар Турсуной Охунова чақириғига «лаббай» деб жавоб бериб, пахта териш машиналари рулига ўтирган ва биринчи йилиёқ 150-200 тоннадан «оқ олтин» терган азамат механик-ҳайдовчилардир. Осиё Мавлонова, Феня Габдураипова, Марям Жабборовалар республикадаги юзлаб механик-ҳайдовчи хотин-қизларнинг биридирлар. Уларнинг сафи йил сайин кенгаймоқда. Бу йил механизаторлар тайёрлаш курсларида минглаб аёллар ўқимоқдалар.

И. Глауберзон фотоси.

Фан—ишлаб чиқаришга

КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми қишлоқ хўжалигини илмий асосда ривожлантиришнинг программасини белгилаб берди. Коммунизм қурилиши кенг авж олдирилган ҳозирги даврда фанни ишлаб чиқариш билан боғлаш, илғор тажрибаларни такомиллаштириш катта аҳамиятга эгадир.

Институтимизнинг илмий ходимлари бундан тўғри хулоса чиқариб, фанни колхоз ва совхоз ишлаб чиқариши билан боғлашга катта эътибор бермоқдалар. Институт лабораторияларида буғдой, арпа, маккажўхори, беда, шоли ловия ва бошқа экинларнинг энг серҳосил ва тезпишар навлари етиштирилмоқда.

Самарқандлик олимлар бунёд этган «Унумли арпа», ва «Қизил Шарқ» навли буғдойлар областимиз хўжаликларида ва қўшни республикаларнинг колхоз-совхозларида экилиб, мўл ҳосил олинмоқда.

Илмий ходимлар чорвачиликни ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини оширишга ҳам катта ҳисса қўшмоқдалар. Фанни ишлаб чиқариш билан боғлаш асосида маҳаллий жайдари сигирлар ва қўйларнинг наслини яхшилашда анча ишлар қилинди.

С. ҲАСАНОВА,
В. В. Куйбишев номидаги Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг лаборанти.

ЧАҚҚОН ҚИЗЛАР, ЧЕВАР ҚЎЛЛАР

Комсомол аъзоси Роза Иброҳимова 10-синфни битириб, етуклик аттестати олгандан кейин ишлаб чиқариш практикасидан ўтиш учун қайси корхонага ишга кириш ҳақида дугонаси Ҳанифа билан маслаҳатлашгани борди. Ҳанифа 7- синфни Роза билан бирга битирган, 1956 йилда маиший хизмат комбинатининг кийим тикиш цехида ишлар эди.

Орадан уч йил ўтиб кетди. 1958 йилда Роза 10-синфни имтиёзли баҳолар билан тамомлади. Бу вақт ичида Ҳанифа илғор кийим тикувчи деган ном олган эди.

Мана, ҳозир икки дугона бир-бири билан яна маслаҳатлашяпти. Ҳанифа Розани етуклик аттестати билан чин кўнгилдан қутлади. Роза ҳам Ҳанифани қўлга киритган муваффақиятлари билан табриклади. У январь ойи планини 160 процент бажарган эди.

— Сен 10-синфни битириб жуда яхши иш қилдинг, мен бўлсам, ўқишни охирига етказолмадим, лекин энди ҳам ишлаб, ҳам ўқиш учун тайёрланяпман. Бу йилдан бошлаб 8- синфга кираман.

— Ишонаман, жуда яхши ўқийсан, ўртоқжон, — деди Роза дугонасининг кўнглини кўтариб, — ишда менга устоз бўл. Мен ҳам кийим тикувчи бўлмоқчиман.

— Сен бу ишни ёқтирармикинсан? Рост айтаётган бўлсанг, қўлингни бер!

Икки дугонанинг иссиқ қўллари анча вақт ажралмай турди.

...Ҳозир Роза дугонаси билан ёнма-ён туриб, маиший хизмат комбинатининг кийим тикиш цехида ишлаяпти. Роза дастлабки вақтларда бу касбни ўзлаштириб олишда анча қийинчиликларга дуч келди. Бироқ цехнли қиз кийим тикувчи мастерлар билан маслаҳатлашди, улардан ёрдам сўради, улар кўрсатган камчиликларни тугатишга ҳаракат қилди. Айниқса унга дугонаси Ҳанифанинг ёрдами катта бўлди. Орадан кўп ўтмай, Роза шогирдликдан мастерлик даражасига кўтарилди, чеварлиги билан шуҳрат қозона бошлади....

Мана ҳозир Роза билан Ҳанифа ўзаро суҳбатлашиб ўтиришибди. Улар янги модалар, янги асбоб-ускуналар, аҳолининг кийинишга борган сари яхшиланаётгани тўғрисида гаплашардилар.

— Биз, — деди Роза, — фақат миқдор билан кифояланиб қолмаслигимиз керак. Планни ортдириб бажариш яхши, албатта. Аммо кийимлар ҳам бежирим, ҳам сифатли бўлиши керак.

— Тўғри айтасан, Роза, — деди Ҳанифа, — ҳозирги талаб шу.

— Кел ўртоқжон, биз ҳам кийимларни бежирим ва сифатли қилиб тикиш учун мусобақа бошлайлик...

Роза Иброҳимова комбинат комсомол-ёшларининг йиғилишида кийимларни бежирим ва сифатли қилиб тикиш ҳақида масала кўтарди. План ортдириб бажарилсада, кийимларнинг фасони аҳоли дидига мос бўлмаётганлигини айтиб, танқид қилди. Ҳамма комсомоллар бу гапни маъқуллашди.

Комсомол аъзолари Роза Иброҳимова ва Ҳанифа Сафарбоевалар сифатли кийим тикишда бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар. Ойлик планларини мунтазам 140-150 процентдан бажармоқдалар. Шунинг учун ҳам маъмурият уларни кўп марта тақдирлади.

Мангит район саноат комбинатида Ҳанифа ва Роза сингари чевар ёшлар кўп. Улар КПСС XXII съездини муносиб совралар билан кутиб олиш учун гайратга гайрат қўшиб ишламоқдалар.

Б. ФАЙЗУЛЛАЕВ.

МАШИНАЛАР ҚЎЛИМИЗДА

Чинозлик механизатор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунованинг шуҳрати минглаб хотин-қизларни механик-ҳайдовчилик касбини эгаллашга руҳлантирди.

Ўрта мактабни тамомлаганимдан кейин дугонам Тошхон Маҳмудова ва бошқа қизлар билан бирга РТСда очилган механизаторлар тайёрлаш курсида ўқидим. Бу курс Андижон областида биринчи бўлиб Чинобод районида ташкил этилди ва сўнгра ҳамма районларда очилди.

Бултур областимиз далаларида ана шундай курсларни битириб чиққан 222 ўзбек қизи пахта териш машиналарини бошқарди. Мен «ХВС-1,2» маркали машинада мавсумда 210 тонна пахта тердим. Ҳамкишлоғим Тошхон терган пахта ҳам 200 тоннага етди.

Марҳамат районидаги Свердлов номли колхоз аъзоси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мўттихон Жумабоева бултур 220 тонна «оқ олтин» терди. Бу—сўнгги ўн йил мобайнида қўл билан терганига баравардир. Андижон районидаги Ленин номли колхозда Ўринбуш Юсупова, Сталин районидаги «Коммунизм» колхозида Раҳимахон Бобомуродова сингари ўнлаб хотин-қизлар ҳам пўлат отлар жиловини бошқариб, юксак кўрсаткичларга эришдилар.

Бу йил сафимизга яна юзлаб қизлар қўшилмоқда, улар РТСлардаги курсларда ўқимоқдалар. Механизаторлик касбини бултур эгаллаб олган хотин-қизлар уларга яқиндан ёрдам беришяпти.

Мен бу йил машина билан 250 тонна пахта термоқчиман.

З. НАБИЕВА,
Андижон область, Чинобод районидаги «Ленинград» колхозининг механик-ҳайдовчиси.

ТОНГ КУЛАДИ

Тонг кулади...
Қишлоғимни ёпган ҳарир оқ рўмол.
Тонг кулади.
Ўпиб, силаб...
Нурлари дил қучади.
Тонг кулади.
жилваси соз,
боқиши шўх ва зилол.
Завққа ошён қучоғида
диллар баланд учади.
Мунча латиф.
мунча серноз,
оромижон мунчалар!
Қалбим бутқул унга асир,
айтинг, қайси сеҳрдан?

Садо бўлди:
сени мафтун қилган тонгги шуълалар,
Гулгул ҳаёт дафтарига иқбол босган муҳрдан,
Октябрнинг кучли қўли
умринг ёруғ онига.
Бахт куртагин меҳр ила пайванд қилди-улади.
Ҳаёт тонди.
қулф урди у.
Шундан бери эрклисан.
Шундан бери ҳар март — байрам.
олқишлаб тонг кулади.

Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА.

ҚАНОТ

Саида ЗУННУНОВА.

Ҳикоя

Арслон ҳушига келганда пешонасидан кимнингдир силаганини сезди. Бу ким экан? Ўзи қаерда ётибди? Нега одамлар шивирлашиб гаплашяпти? Бу саволлар унинг хаёлидан худди тушдагидек гира-шира ўтиб кетди. Кўзини очай деса қовоқлари оғирлашиб кетгандай туюлди. Жуфтлашиб қолган киприклари эўр-базўр ажралдию, ҳира парда орқасидан унга термулиб ўтирган хотинининг меҳрибон чеҳраси кўринди.

Бу чеҳра унинг бутун эс-ҳушини ўзига қайтарди. Тили гапга келмади, мажолсизлик билан яна кўзларини юмди. Ҳаёл ҳалиги хира пардани кўтариб ташлади-да, хотинини унга яқинроқ олиб келди.

Сталинград жангларида бир оёғидан ажралган Арслон госпиталга келганидан бери уйига бирон марта ҳам хат етмаган эди. У, ўзини оиласиз яшашга кўниктирмоқчи бўлар, кунини хаёл суриш билан ўтказарди. Қизчасичи? Ҳозир қанақайкин? Арслон фронтга жўнаётганида у эндигина тилга кирган, дада, ойи сўзларини ширин қилиб, ҳижжалаб айтадиган бўлиб қолган эди.

Арслон ўйларди-ю, ўйининг охирига етолмасди. Хотини, унинг исмига ярашган жисмига, кенг елкаларига зимдан муҳаббат билан термуларди. Буни Арслон яхши биларди. Энди чи? Ранг-рўйи кетган, бу ҳам етмагандек қўлтиқ таёғини дўқиллатиб кириб борса, у қандок аҳволга тушади. Яна бу оёқ ё илигидан, ё тиззасидан қирқилган бўлса ҳам майли эди. Йўқ, Бутунлай йўқ! Егочоёқ кийинишнинг ҳам иложи йўқ. Энди нима қилади? Ишичи? У, уста эдику! Ланпанглаб турган ингичка ҳавозалар устида ердагидан зиёдроқ пилдираб юрадиган оёқларининг биттаси йўқ, энди.

Арслонни умидсизлик таслим этди. Ён-веридагилар билан гапиришмас, кўнглини кўтаришга уринган шундоқ меҳрибон ҳамширани ҳам жеркиб берарди. Кечгача шифтга қараб хаёл сурар, уйқоқ бўлатуриб кўзларини соатларча очмас эди. Унинг аҳволидан хабардор бўлган ҳамшира Арслонга билдирмасдан уйига хат ёзиб юборди. Хатда аҳволни очиқ-ошкор айтди. Агар борди-ю, — деб ёзди хатининг охирида,—сиз уни шу аҳволда хохламасангиз, унга бунақа деб ёза кўрманг...

Кетма-кет уч марта жавоб хати келди. Хатда Санобар эрининг тириклигига минг марта шукур қилиб, унинг қайтишини сабрсизлик билан кутаётганини ёзар эди.

Арслон бу хатларни ўқиркан, ногиронлигини ҳам, чеккан дард-аламларини ҳам унутиб, оила оғушига сингиб кетар, ҳовлисидаги ўзи бино қўйиб қурган шийпон панжарасига тирсагини қўйиб, гамсиз, осуда бир ҳолда ўтиргандек бўларди. Санобар кўйлагини липпа уриб қозон ковлайди, у ўчоқдан бураниб чиқаётган алангада жизғанак бўлмасин деб узун сочларини бошига чирмаб олган, кизи беҳи шоҳига солинган арғимчоқда оёқларини осилтириб китоб ўқиб ўтирибди. Кўпдан қадрдон бўлиб қолган, энди кўзлари ҳам ҳиралашган бароқ мушук Арслоннинг оёғига суйкалиб хириллайди. Ҳозиргина Санобар кўлоблаб сув сепган жойда Арслоннинг оёқ изи қолди... Арслон сесканиб кетди. Оёғига суйкалган мушук, ерда қолган из, вужудини ларзага солди. Қани ўша оёқ...

Хаёли тарқаб, уйдан узоқлашганини, бу уйга энди бир умр бормайман деганини эсига солиб қўйди.

Кечаси билан тушида хотини, кизи билан гаплашади, кўришади. Оёғи ҳам бут-бутун бўлади. Азонда уйғонади-ю, яна шу тушнинг давом этишини истаб, кўзларини чирт юмганича ётаверади.

Ана шундай аҳволда ётганида, кимдир унинг сочларини силади, юзларидан ўпди, қайноқ кўз ёшлари Арслоннинг юзини ёндиргандек бўлди. У, кўзларини очдию, нима қилишини билмай ҳайрон бўлиб қолди. Бу Санобар эди.

— Хайрият, тирик экансиз...

Арслон нима деярини билмай бақрайганича қараб турарди. Хотин энтикди, кўзларидан дув тўкилаётган ёшларни сезмасди.

— Тирик экансиз, ҳайрият,— деди Санобар, ич-ичидан келган кучли хўрсиниш уни бошқа гапиргани қўймади. Эрининг сочларини гижимлаб юзидан, кўзидан, ўпди. Унинг бошини кўкрагига босиб, энтикканича айтарга сўз тополмай анча вақтгача қимирламай туриб колди.

Арслон ёш боладек хўрсинда, йиғлагуси, ўкириб-ўкириб йиғлагуси келди. Бутун борлиқни унутиб Санобарнинг оғушига сингиб кетгандек қимирламасди. Арслон аста бош кўтариб шифтга тикилганича ҳомуш деди:

— Чакки кепсан... — у шундай дедию ўз хоҳишига зид, кўнгил истаклари, интилишларини пучга чиқарувчи совуқ, жуда ҳам совуқ ниятини дилидан тилига чиқазди.

— Одамгарчилик қилиб келдингми? Бу одамгарчилик сенга жуда қимматга тушади.

Унга маҳлиё бўлиб тикилиб турган хотинининг киприклари бир силкинди.

— Арслон ака, наҳот шу гапни айтишга тилингиз борди!

Портлашлардан замаскаси кўчган, крест нусха қоғоз ёпиштирилган дераза ойналари Санобарнинг овозидан зириллаб кетгандек бўлди. Оёқ томонда ётган бемор кроватни ғичирлатиб бошига кўрпа тортди. Жимликни унинг пиқ-пиқ йиғиси бузарди.

Худди сеҳрлаб қўйгандек тикилиб қолган Арслонни хотинининг ёш йилтираб турган жозибадор, қоп-қора кўзлари, жозибаси, қоралиги билан эмас, меҳру муҳаббатнинг, вафо ва садоқатнинг кўзгуси — ойнаси бўлиб унинг қаршисида турарди. Арслон енгилди. Бу вафо кўзгусининг тиниқ шаффоф нури, унинг кўксини қамраб олган қоронғуликни ёритди, қалби қаърида ётган гумонларни қувди. Бирдан уйини, қизини, шийпонини кўргиси келиб кетди. Одамзод қизиқ бўлар экан. Бўлмаса шу топда, уйланганида дўсти уста Мўмин тўяна қилган бекасам тўй эсига келармиди? Ўшанда Мўмин тўйни елкасига ташлаб. яхши кунларингга буюрсин, ўзинг кийиб эскит, деган эди.

Арслоннинг ўша тўйи ҳали бутун, эскирмаган. Шу топда унинг ўша тўнини жуда-жуда кийгиси келиб кетди. Бошини ёстиқдан кўтариб хотинининг кўзларига қаради. Унинг бу қарашида аллақанча маъно бор эди. Санобар англади. Энгашиб, юзидан кўзидан ўпди.

Арслон қани энди қанот пайдо қилсаю, уйига, ҳў, ўша осуда кунлар маскани бўлган хонадонига учиб кетя қолса! Санобар қанотга айланди. Арслон шу қанотларда орзулари томон учди.

Шу бир жуфт қолиб кўз Арслонни оёққа турғизиб уйга олиб келди.

Хотин бахтдан, боласининг, ўзининг бахтидан энтикиб, елиб-югуради. Унинг ҳар бир ҳаракати Арслонга, ҳаммаси сен учун, сен учун, бўлмаса йиқилиб қолардим, яхши ҳам сен борсан, деб турарди. Ўтин ёради, сув ташийди, кир ювади бозорга боради. Яна эл қатори саккиз соат ишлаб ҳам келади. Кошки иши енгилроқ бўлса! Почтальон. Бўйнига сумка осиб кечгача маҳаллама маҳалла юради. Чарчаганини, жуда қаттиқ чарчаганини ранг-рўйи кўрсатиб турадию, эрига кулиб қарайди. Бундай кезларда Арслоннинг юраги эзилиб, ўзини қўярга жой тополмай ҳижолат чекади. Кошки чарчадим, деб айта қолса, кошки қийналдим деб айта қолса! Йўқ, сира-сира айтмайди. У доим хурсанд, худди ишнинг қўплигидан завқланаётганга ўхшар, мана шу ярим жон вужуд менинг бахтим, деб турарди.

Бир куп Арслон хотини ишдан қайтгунча ўтин ёриб қўймоқчи бўлди. Ёрди ҳам. Лекин қайси аҳволда ёрганини фақат ўзи билади. Кечқурун иситмада куйиб ёнди. Санобар дори-дармон қилар экан, йиғлаб-сиктаб уни қойиб берди.

— Жонингиз сизга керак бўлмаса, болангиз билан менга керак. Шунақа ҳам бўладими, одам.

— Нима қил дейсан? Шундай ўтираверанми?

— Шошилманг. Аввал яхши согайиб олинг, бирон иш топилар, ахир.

Эртаси куни Санобар ўтинхонани қулфлаб кетди.

Кечалари Арслоннинг уйқуси кочиб, донг қотиб ётган хотинига термуларди-ю, ўйларди. Чарчайди бечора. Боши ёстиққа тегди дегунча ухлайди, қолади. Кошки иши бир жойда ўтириб қиладиган иш бўлса! Кечгача оёқда юради-я! Арслон кўзларини юмиб, газета журналларга тўла сумкани зўрға кўтариб кетаётган хотинини кўз олдига келтиради.

Баъзан деразадан кўчага қараб ўтирар экан, уйларига, бола-чақалари олдига нарса кўтариб, нарса орқалаб кетаётган кишиларни кўрганида юраги баттар эзилади. Энди унинг қиладиган ишларини ҳам хотин боши билан Санобар киляпти.

Санобар эрининг кўнглини яхши тушунарди. Тушунарди-ю, унга меҳри яна ортарди.

Санобар эрининг меҳнатсиз туролмаслигини, қийналаётганини яхши билар, унга муносиб иш топишни ўйларди. Почтадагиларнинг маслаҳати билан Санобар эрини газета киоскасига ишга жойлаштириб қўйди. Иш Арслонни анча овунтирди.

У ишдан озгина кечикқундай бўлса, Санобар албатта кўчага чиқиб турар, эрини кўриши билан ташвиш, ҳавотирликда жовдираган кўзлари табассум, кулгига тўларди. Айниқса, қиш кунлари Санобар ҳар кунни ҳавотирлик билан ўтказар, қайта-қайта тайинлаб жўнатишига қарамай, қўлтиқ таёғи тойиб йиқилсая, деб кўнгли ташвишда бўлар эди.

Орадан йиллар ўтди. Санобархон Санобар хола бўлди. Сочларига тушган оқ унга қариликни тезроқ олиб келгандай, ўз тенгдошларига қараганда анча уриниб қолгандай эди. Майиб Арслон билан ўтказган ана шу умрида бирон марта ўксимади ҳам нолимади ҳам.

Хотинининг кайфияти бора-бора Арслонга ҳам ўтди, у энди аввалгидек умидсизлик билан қийналмасди. Ҳаётда кичкина бўлса ҳам ўзининг ўрни борлигини, оиласига, жамиятга кераклигини тушунарди, лекин, ёшликдан ишки тушган эски касби уни ҳамон ўзига чорларди. Ўзи ғишт терган иморатлар олдидан ўтганда кўнгли алланечук бўлиб кетар, дам олиш кунлари янги қурилишлар бўлаётган жойларда кечгача ғимирсиб юрар, таниш усталар билан гаплашиб, кўнглини ёзиб қайтарди.

Ана шундай баҳор кунларининг бирида Арслон ана яна қурилиш томонга караб кетди. Қурувчилардан кўпи уни таниб қолишган, ҳурмат қилишарди. Кунлар исиб, иш яна қизиб кетган, ботаётган қуёшнинг сўнгги нурлари юқорида ишлаётганларнинг гоҳ юзи, гоҳ қўлларида қип-қизил бўлиб ўйнар, майин эсаётган шамол бўлса, сигор, ок дурра танғиб олган қизларнинг пешонасидаги соч жингалакларини юзларига тўзғитиб, аҳён-аҳёнда қўлларини ишдан узишга мажбур қилар эди.

Арслон аканинг ёшликдан ўртоғи уста Мўмин пешонасини қийиқда танғиб олиб, жадал ишларди.

Ҳамма иш билан овора. Машиналарнинг шов-шуви орасида Арслон аканинг қулогига юқоридаги одамларнинг овози узуқ-юлуқ эшитилади. У уста Мўминнинг чаққон ҳаракатларига маҳлиё бўлиб, анча вақтгача қараб турди. Ишга берилиб кетган қурувчилар қўлтиқ таёқли одамнинг қандай қилиб ёғоч пиллапоядан юқорига чиқиб кетаётганини сезмай қолишди.

Арслон ака қранлар гуруллаган баландда туриб атрофга қаради.

Баҳор, баҳор, узоқда ҳали қурилиш суриб бормаган пастак томлар лола гулханида ёнаётгандек кўзни олади. Шамол аллақаёқдан димоққа хуш ёқадиган, жуда ҳам хуш ёқадиган кўклам исини олиб келади. Тиниқ осмонда бир жуфт лайлак беозор сузади. Уларнинг оппоқ қанотлари ботаётган қуёш шуълалари оловида гоҳ ёниб, гоҳ ўчади. Бу қанотлар унга Санобарни эслатди.

Санобар бўлмаса бу кунлар қаёқда эди Арслонга.

Арслон ака ҳузур қилиб кўкрагини силади. Атрофда баҳор.

Унинг кўксида ҳам ана шу баҳор мавж урарди.



УЛБУСИН Таисиқбоева мактабни тугатиб, сут соғувчи бўлишни орзу қилиб юрарди. У ўз ниятига етди. Улбўсин Тўрткўл районидаги «Қорақалпоғистон» совхозида сут соғувчи бўлиб ишлаб, ўтган йили 16 сигирнинг ҳар биридан 3900 литрдан сут соғди.

И. Глауберзон фотоси.

КУЛГАН ЧЕҲРАЛАР

Биз кўп йўл босамиз. Табиий, чарчаймиз ҳам. Лекин хат-хабарлар, газета-журналларни ола туриб, бизга миннатдор боққан чеҳраларни кўрганимизда чарчоғимиз ёзилиб кетади.

Мен шу соҳада 12 йилдан бери ишлайман. Агар шу давр ичида мен ташиган хатлар, газета ва журналлар ҳисобга олинса бир неча вагонга жой бўлса керак.

Етти йиллигимиз бизлардан янада чаққонроқ, эпчилроқ ишлашни талаб этади. Тонг саҳарда кишиларнинг эшикларини чертиб, уларга янгиликлар олиб бориш қандай яхши!

Ш. ИСКАНДАРОВА,
Қорақалпоғистон АССР Тўрткўл район алоқа бўлимининг почтальони.

«Қизил Ўзбекистоннинг навбатдаги сони 10 мартда чиқади».

Редактор И. РАҲИМОВ.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Узбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси
Р. 01524. Нашр. Р. 56.

Ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВ нутқи

(Боши иккинчи бетда).

лавлаги экиб, фақат сут чорвачилиги билан шуғулланишлари лозим, деган маъно чиқмайди. Йўқ, бундай колхозлар ва совхозларда ишлаб чиқариш кўп тармоқли бўлиши ёки комплекс тарзда олиб борилиши керак. Лекин сут етиштиришга асосий эътибор берилиши лозим.

Маккажўхори ҳозирча кам ҳосил бераётган бир пайтда нега бизга маккажўхорига асосланиб сут хўжалигини ривожлантириш тавсия қилинаётир, деб айтадиган баъзи кишилар бўлиши мумкин. Ҳақиқатан ҳам, сизларнинг областларингизда маккажўхоридан ҳозирча кам ҳосил олинмоқда, лекин бу—иқлим шароитининг натижаси эмас. Бу—маккажўхорининг имкониятларини билмаслик натижасидир, ҳаттоки, баъзи ходимлар бу экинга қандайдир зимдан қаршилик кўрсатаётганликларининг ва бу экинни ўрганишни истамаётганликларининг натижасидир.

Эндиликда маккажўхорини фақат китоблардан ўқиб ўрганишгина эмас, балки сизларнинг областларингиз ва республикаларингизда маккажўхоридан йил сайин мўл ҳосил етиштираётган колхозлар ва совхозларга бориб, уларнинг практикасидан ўрганиш мумкин.

Маккажўхорининг ўзи мени экинглар деб ялиниб турибди, уни фақат парвариш қилишни билиш керак. Фактлар Уралда маккажўхоридан мунтазам мўл ҳосил олиш мумкинлигини кўрсатиб турибди.

Уралнинг турли областлари ва республикаларидан олинган баъзи мисолларни айтиб бераман. Бошқирдистон республикасини олиб кўрайлик. Давлеканов совхозининг тракторчиси ўртоқ Чуканов ўтган йил юз гектар майдоннинг ҳар бир гектаридан 860 центнердан силосбоп маккажўхори олди. Благоварский районидаги Сталин номли колхознинг звено бошлиғи ўртоқ Алмаев 107 гектар майдоннинг ҳар бир гектаридан 920 центнердан силосбоп маккажўхори олди.

Пермь областида звено бошлиғи ўртоқ Верзаков 30 гектар майдоннинг ҳар бир гектаридан 630 центнердан кўкпоя олди.

Курган областидаги «Камаганский» совхозининг механизатори ўртоқ Лушников 120 гектар майдоннинг ҳар бир гектаридан 700 центнердан силосбоп маккажўхори олди.

Бошқа колхозлар буғдойдан яхши ҳосил етиштиришни ўртоқ Мальцевдан ўрганаётганлари каби, мен ўртоқ Мальцевга ҳам маккажўхори етиштиришга моҳир бўлган шу кишининг тажрибасини ўрганишни тавсия қилар эдим. **(Шодиёна жонланиш, қарсаклар).**

Сиз, ўртоқ Мальцев, менинг бу гапимни тўғри тушунасиз ва менинг айтган бу истакларим ва берган маслаҳатларимдан ранжимайсиз, деб ўйлайман.

Т. С. Мальцев. Тўғри, Никита Сергеевич. Сизнинг маслаҳатларингизни ҳисобга оламан.

Н. С. Хрушчев. Ахир, мен ўзим хўжаликни қандай бошқараётганингизни ўрганиш учун сизнинг колхозингизга борган эдим-ку. Бас, шундай экан, сиз ҳам маккажўхоридан мўл ҳосил олаётган бошқа хўжаликларни бориб кўрсангиз нима қилибди. **(Шодиёна жонланиш, қарсаклар).**

Т. С. Мальцев. Албатта, бориб ўрганаман, Никита Сергеевич.

Н. С. Хрушчев. Свердловск областининг Ирбит районидаги Ленин номли колхоз 1957 йилда 20 гектар майдоннинг ҳар бир гектаридан 1548 центнердан силосбоп маккажўхори ҳосили олди. Афсуски, ўтган йил бу колхозда шундай мўл ҳосил олиш таъминланмади.

Ўша областдаги Суханов совхозининг тракторчилари Сабуров ва Исломов ўртоқлар 50 гектар маккажўхорининг ҳар бир гектаридан 918 центнердан ва 220 гектар маккажўхорининг ҳар бир гектаридан 504 центнердан кўкпоя олдилар. Бу жуда яхши, ўртоқлар! **(Қарсаклар).**

Оренбург областида ажойиб маккажўхорикорлар бор. Северний районидаги «Путь к коммунизму» колхозининг звено бошлиғи И. А. Пивкин 100 гектар майдоннинг ҳар бир гектаридан 830 центнердан маккажўхори кўк пояси етиштирди.

Мустаев районидаги «Красный Октябрь» колхозининг звено бошлиғи Алексей Калугин 116 гектар майдоннинг ҳар бир гектаридан 920 центнердан маккажўхори олди.

Удмурдистон АССР нинг Воткинский районидаги «Новая жизнь» колхозидан келган механизатор И. А. Паздерин бу ерда сўзга чиқди. У, ўз сменачиси ўртоқ Варламов билан бирга бир қанча йиллардан бери маккажўхоридан мўл ҳосил олмоқда. У, 1958 йилда 127 гектар майдоннинг ҳар бир гектаридан 827 центнердан ҳосил олди; 1959 йилда 172 гектар майдоннинг ҳар бир гектаридан 815 центнердан; 1960 йилда 300 гектар майдоннинг ҳар бир гектаридан 600 центнердан ҳосил олди.

Удмурдистондаги Киясовский районида «Дружба» колхозининг комплекс бригада бошлиғи Александр Неклюдов 109 гектар майдоннинг ҳар бир гектаридан 730 центнердан маккажўхори кўк пояси олди. Ўша Удмурдистон республикасидаги Киясовский районининг Киров номли колхозида механизатор Вавил Никонов 110 гектар майдоннинг ҳар бир гектаридан 831 центнердан маккажўхори кўк пояси олди.

Бошқа мисоллар ҳам келтириш мумкин. Сизларнинг зонангизда маккажўхори яхши ўсади. Бутун гап раҳбарларда, ташкилотчиларда қолган.

Айтишим мумкинки, маккажўхори жуда аҳамиятли экин. Нега бундай деяпман? Маккажўхори гўшт ва сут етиштиришни кўпайтириш, бинобарин, халқнинг моддий фаровонлигини ошириш йўлини очиб беради. Кимки маккажўхорини эгаллаб олса, у чорвачиликни юксалтиришда яхши муваффақиятларга эришуви мумкин. Кимки бу экинга нисбатан консерваторлик йўлини тутса, турмуш уни эгардан тушириб қўйиши мумкин. **(Қарсаклар).**

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш учун моддий рағбатлантириш системасини ишлаб чиқиш керак.

Бу ҳақда бошқа зоналарнинг кенгашларида гапириб ўтилди. Моддий манфаатдорлик принципининг аҳамияти шу қадар каттаки, сизларнинг кенгашингизда ҳам бу ҳақда гапириб ўтиш керак. Маккажўхори етиштириш билан шуғулланаётган колхозчиларни ва совхоз ишчиларини рағбатлантириш чораларини ҳозир яхшилаб ўйлаб кўриш ва ишлаб чиқиш лозим. Ҳозирги вақтда олиб бораётган ташкилотчилик ва тарбиявий ишларимизга қўшимча қилиб маккажўхори етиштираётган одамларни моддий рағбатлантириш чораларини ҳам қўшсак, ана ўшанда сизлар бизнинг одамларимиз қўлидан нималар келишини кўрасиз. Бу нарса ҳозирги кунда маккажўхори етиштираётган кишилар учунгина аҳамиятли бўлиб қолмасдан, эртага бу ишга киришадиган кишилар учун ҳам аҳамиятлидир.

Яхши иш учун яхши ҳақ тўлаш керак. Меҳнатга қўшимча ҳақ тўлаш учун қилинган харажатларнинг ўрни тез қопланади. Маккажўхорининг гектаридан 600-700 ёки ҳатто 500 центнер ҳосил етиштираётган колхозчи ёки совхоз ишчиси колхоз ёки совхозни кўпроқ гўшт ва сут етиштириш имконият тайёрлаб беради. Бас, шундай экан, ўртоқлар, бунинг учун одамларни рағбатлантириш керак. Ана шунда мамлакатимиз кўпроқ гўшт ва сут оладиган бўлиб қолади, шу билан бирга бу маҳсулотлар хийла арзонга ҳам тушади. Демак, бундан колхозлар ва совхозлар манфаатдор, бутун совет халқи манфаатдор. **(Қарсаклар).**

Илғор кишиларни уларнинг етиштирган маҳсулотларининг сони ва сифати учун рағбатлантирибгина қолмасдан, уларнинг тажрибаларини ҳар томонлама ёйишнинг ҳам аҳамияти катта.

Афсуски, бизда илғорларни кўпинча минбарларда, йиғилишларда эсга оладиган раҳбарлар бор. Бундақа раҳбар минбарга чиқиб олиб, бизнинг областимизда мана бундоқ киши ишлаяпти, у мана бундоқ рекордга эришди, буни кўриб қўйинглар, деб гапира беради. Бунақа раҳбар ўша илғорни мажлисларда мақтайди, ўрнак қилиб кўрсатади-ю, аммо ўзи бундай кишилар юзлаб, минглаб бўлиши учун ҳеч нарса қилган эмас. **(Қарсаклар).**

Йўқ, ўртоқлар, янгиликлар тўғрисидагина нутқ сўзлаб берган раҳбар яхши раҳбар эмас. Раҳбарнинг яхшиси шуки, у янгиликларни эшитгандан кейин бу янгиликни ўрганади, илғорларнинг методларини бошқаларнинг эгаллаб олишига ёрдам беради, янгиликлар юзлаб ва минглаб кишиларнинг ўрганиб олишлари учун имконият туғдиришга ёрдам беради. **(Қарсаклар).**

Раҳбарнинг яхшиси шуки, у минбарга чиқиб: мана бизда бундай кўрсаткичлар бор, бундай имкониятлар бор, биз мактаблар ташкил қилдик, бригадирлар, звено бошлиқларини шу мактабларга тўплаб, уларнинг агрономлар билан биргаликда шу имкониятларни ўрганиб олишларига ёрдам бердик, муваффақиятларга қандай йўллар билан эришиш мумкинлигини кўрсатиб бердик, мана энди шу кишилар ҳозир фалон районда илғор кишилар каби мўл ҳосил олмоқдалар, деб гапиради. Ана шундай қилинганида ташкилотчи ўзининг партиявий раҳбарлик ролини, совет, колхоз ёки совхоз раҳбари бўлиш ролини бажарди деб ҳисоблаш мумкин.

Эҳтимолки, гапимнинг бу қисми баъзи ўртоқларга унчалик ёқмаётгандир **(қарсаклар)**, лекин бу тўғрида гапирмаслик мумкин эмас, камчиликларни йўқотиш керак. Шундай қилганимиздагина, истаган натижаларимизга эришиш мумкин. **(Қарсаклар).**

Овозлар. Тўғри!

Уралнинг баъзи районларида похол олиш учун нуқул сулини ўзини экаётирларки, буни шармандали бир ҳол деб ҳисоблаш керак. 1960 йилда Курган областида 200 минг гектар ерга сули похол олиш учун экилди. Бу — область учун ва унинг раҳбарлари учун ҳусн бўлмайди.

Сулининг ҳар бир гектаридан 10-12 центнердан похол олмоқдалар. Зотан, бундай ҳосил олинаётганлиги ҳам гумон. Тахминий рақамни айтишяпти. Аслини олганда, юз минг гектарлаб ердан ёмон фойдаланилмоқда ва бу ерлардан олиниши мумкин бўлган ҳосил олинмаётир. Хўжаликни бундай бошқариш ярамайди. **(Қарсаклар).**

Бундай яроқсиз одатни тарк қилиш керак. Қимматлироқ ем-хашак олмоқ учун сулини нўхат билан, вика билан аралаштириб экиш фойдали бўлади.

Ўртоқлар! Қўриқ районларда чорвачиликни ривожлантириш масалаларига батафсилроқ тўхталиб ўтмоқчиман. Қўриқ районлардаги совхозлар аҳоли жон бошига гўшт етиштириш соҳасида Америка Қўшма Штатларига етиб олиш вазифасини ҳал қилишда катта роль ўйнашлари мумкин.

Сиз, ураллик ўртоқлар, гўшт ва сут етиштириш соҳасида Америка Қўшма Штатлари билан мусобақа қилишни истайсизларми?

Овозлар. Мусобақа қиламиз! (Қарсаклар).

Мен сизларнинг жуда катта имкониятларингиз борлигига ишонаман, агар сизлар ҳозир қишлоқ хўжалигининг ҳамма резервларини ишга солиб, кенг ҳужумга ўта олганингизда эди, биз бир неча йил ичида аҳоли жон бошига гўшт етиштириш жиҳатидан АҚШ га етиб олган бўлур эдик. **(Қарсаклар).**

Бутун гап одамларга, колхозчиларга ва совхоз ишчиларига, совхоз директорларига, колхоз раисларига, партия ва комсомол ташкилотларига, колхоз ва совхоз активларига боғлиқ. Бизнинг имкониятларимиз бу вазифани муваффақиятли ҳал қилишга имкон беради.

Мен қилинган баъзи бир ҳисобларни келтирмоқчиман ва аҳоли жон бошига гўшт етиштириш соҳасида Қўшма Штатларга етиб олиш вазифасини ҳал қилишга ҳар бир хўжалик ўз ҳиссасини қўшмоғи учун колхозлар ва совхозларда конкрет қандай ишлар қилиниши кераклигини айтиб ўтмоқчиман.

Қўриқ ерлардаги совхозлар ва колхозлар қишлоқ хўжалигига яроқли юз гектар ерга ҳисоблаганда сўйилган вазнда 42 центнердан гўшт етиштириб беришлари мумкинми? Аҳоли жон бошига гўшт етиштириш соҳасида Америкага етиб олмоқ учун бутун мамлакатда худди мана шу миқдорда гўшт етиштиришимиз керак. Мен гўшт етиштириш тўғрисида гапираётирман, чунки сут етиштиришнинг ялпи миқдори жиҳатидан АҚШ дан ўзиб кетганмиз, аммо аҳоли жон бошига сут етиштириш жиҳатидан эса АҚШ га яқин вақт ичида етиб олсак керак.

Ҳозирги вақтда АҚШ да сўйилган вазнда 17,9 миллион тонна ёки қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг ҳар юз гектарига ҳисоблаганда сўйилган вазнда 31,6 центнердан гўшт етиштирилмоқда. СССР аҳолиси Америка аҳолисидан кўп бўлганлиги сабабли бизда етиштирилаётган гўштнинг ялпи миқдори ҳам АҚШ дагидан кўпроқ бўлиши лозим. Аҳоли жон бошига гўшт етиштириш жиҳатидан Америка Қўшма Штатларига етиб олмоқ учун ҳар йили сўйилган вазнда 20-21 миллион тонна гўшт етиштиришимиз, яъни қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг ҳар юз гектарига ҳисоблаганда 42 центнердан, ёки ҳайдаладиган ерларнинг ҳар юз гектарига ҳисоблаганда 96 центнердан гўшт етиштиришимиз лозим (СССР да қишлоқ хўжалигига яроқли 503 миллион гектар ер бор, аммо ҳайдаладиган ерлар 219 миллион гектар).

Мол гўшти, чўчқа гўшти, қўй гўшти ҳисобига шу миқдорда гўшт етиштирмоқ учун чорва моллар сонини кўпайтириш имкониятлари бизнинг мамлакатимизда бор.

Бинобарин, бутун гап ем-хашакда қолган. Чорва молларни ем-хашак билан таъминлаш нуқтаи назаридан қараганда бу вазифани ҳал қилиш мумкинми?

Агар колхозлар ва совхозлар озуқа экинларидан, асосан маккажўхори ва қанд лавлагидан мўл ҳосил етиштира берсалар, бу вазифани ҳал қилиш мумкин.

Агар хўжалик жамики гўштни тамомила маккажўхори билан боқилган мол гўшти тариқасида етиштиради деб ҳисобланса, 42 центнер гўшт етиштирмоқ учун неча гектар маккажўхори керак бўлади?

Ҳар бир гектардан 400 центнердан маккажўхори етиштиришни асос қилиб оламан. Бу эса тахминан 300 центнер силосга тўғри келади. Агар ҳар бир гектардан олинган маккажўхоридан 300 центнердан силос бостирилса, бу 60 центнер озуқа единицаси бўлади. Шу миқдордаги озуқа ҳисобига тирик вазнда 10 центнер, ёки сўйилган вазнда 5 центнер мол гўшти олиш мумкин.

Шундай қилиб, бир гектар маккажўхори сўйилган вазнда 5 центнер гўшт беради. Қишлоқ хўжалигига яроқли юз гектар ерга ҳисоблаганда 42 центнердан, ёки ҳайдаладиган ерларнинг ҳар юз гектарига ҳисоблаганда 96 центнердан гўшт олмоқ учун экин экилиб турган ҳар юз гектар ернинг 19,5 гектарига маккажўхори экиш керак. Агар колхоз ёки совхоз ҳар гектар ердан олинган маккажўхоридан 300 центнердан эмас, балки 600 центнердан силос бостирса, у ҳолда ҳайдаладиган ҳар юз гектар ернинг фақат 10 гектарига маккажўхори экиш керак бўлади.

Етиштирилган жамики гўштнинг 50 проценти мол гўшти бўлади, деб (ҳайдаладиган ерларнинг ҳар юз гектарига ҳисоблаганда 48,5 центнер), қолган 50 проценти эса, (ҳайдаладиган ҳар юз гектар ерга ҳисоблаганда 48,5 центнер) чўчқа гўшти бўлади деб ҳисоблансa, у ҳолда хўжаликда силос бостирмоқ учун қанча маккажўхори ва қанча қанд лавлаги экиш керак?

Қанд лавлагининг ҳар бир гектаридан (барглари ҳисобга олмаганда) 200 центнердан лавлаги олинса, бу лавлаги 52 центнер озуқа единицаси беради. 52 центнер озуқа единицаси олиш — тирик вазнда 10 центнер, ёки сўйилган вазнда 7 центнер чўчқа гўшти олиш, демакдир. Сўйилган вазнда 48,5 центнер чўчқа гўшти етиштирмоқ учун ҳар гектаридан 200 центнердан ҳосил олиш шарти билан 7 гектар ерга қанд лавлаги экиш керак.

Бинобарин, ярмисини мол гўшти, ярмисини эса, чўчқа гўшти қилиб гўшт олмоқ учун 9,7 гектар маккажўхори ва 7 гектар қанд лавлаги экиш керак. Мана шунинг ўзи қишлоқ хўжалигига яроқли ҳар юз гектар ерга ҳисоблаганда 42 центнердан гўшт олиш, ҳайдаладиган ерларнинг ҳар юз гектарига ҳисоблаганда эса, 96 центнер гўшт олиш, ёки ҳар бир гектардан 1 центнердан гўшт олиш имкониятини беради.

Бир қарашда бу рақам балки бир кишига равшан, бу унчалик кўп эмас, бу ҳеч осон бўлмаса ҳам, лекин бемалол бажариш мумкин бўлганидир. Ҳайдаладиган ернинг ҳар бир гектарига ҳисоблаганда тахминан иккитадан чўчқа боқиб семиртиришга тўғри келади.

Шу дамгача биз мол гўшти ва чўчқа гўшти етиштириш тўғрисида гапирдик. Лекин қўй, қуён ва парранда боқиш йўли билан ҳам кўп гўшт олиш мумкин. Бу эса, колхозлар ва совхозларнинг имкониятларини тағин ҳам кўпроқ оширади.

Мен, фақат гўшт етиштириш учун қанча ем-хашак кераклигини ҳисоблаб бердим. Лекин сут етиштириш учун ҳам бизга ем-хашак керак. Сут чорвачилигининг ем-хашакка бўлган эҳтиёжларини ҳисобга олганда, маккажўхори қанд лавлаги ва бошқа озуқа экинлари экиладиган майдон бирмунча кўпаяди.

Совхозларнинг директорлари ва колхозларнинг раислари, қишлоқ хўжалик мутахассислари ўз хўжаликларига татбиқ қилиб шуларнинг ҳаммасини конкрет ҳисоблаб чиқишлари керак. Биз қўриқ ерларда гўшт етиштиришни кўпайтирмоқ учун кенг фронт бўйлаб ҳужум қилишимиз зарур. Бу ҳужумда ҳам қўриқ районлардаги совхозлар ва колхозлар катта роль ўйнашлари мумкин.

Гапим тўғрими, ўртоқлар?

Овозлар. Тўғри. **(Қарсаклар).**

Биз биринчи босқичда қўриқ районлардаги хўжаликлар олдига қўриқ ерларни ўзлаштириш ва мамлакатга арзон дон беришни асосий вазифа қилиб қўйдик. Совхозлар ва колхозлар бу вазифани яхши ҳал қилдилар. Қўриқ ерлар мамлакатнинг озиқ-овқат учун кераклиги доим бўлган эҳтиёжини қондириш имкониятини берди. **(Қарсаклар).** Давлат энг арзон донни қўриқ ерлардан олаётир. Товар доннинг энг кўпини ҳам Сибирь ва Қозоғистонда, Урал, Волга бўйида янги ўзлаштирилган ерлар бермоқда. Лекин, ўртоқлар, қўриқ ерларда фақат дон хўжалигини ривожлантиришнингина кўзда тутиб, бирёқлама иш олиб бориш ярамайди. Қўриқ ерларда дон етиштириш билан бир қаторда, чорвачиликни ҳам албатта ривожлантириш керак. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда бирёқлама йўл тутиш қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига жиддий зарар етказиши мумкин.

Шу нарса ҳаммага маълумки, дон етиштираётган хўжаликларда дон етиштиришнинг чиқитлари ҳамиша кўп бўлади. Агар совхоз ёки колхозда етарли миқдорда чорва бўлмаса, бу чиқитлар нобуд бўлиб кетади. Бундай ишни оқилона иш деб бўлмайди.

Мўл ҳосил олмоқ учун албатта деҳқончиликнинг мунтазам системасини яратиш, алмашлаб экишни жорий қилиш керак, бир ерга ҳар йили буғдой эка бериш ярамайди.

Далаларнинг ўт босиб кетишига йўл қўймайдиган алмашлаб экиш схемаларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш керак. Т. С. Мальцев гапириб ўтган ёзги қора шудгорга қарши эмасман, лекин деҳқончилик маданиятини ошириш проблемасини ёлғиз қора шудгорнинг ўзи билан ҳал қилиб бўлмаса керак. Далаларни бегона ўтлардан тозаламоқ ва дон етиштириш учун яхши шароит вужудга келтирмоқ учун чопиқ қилинадиган экинлар экиш лозим. Чопиқ қилинадиган экинлар орасида маккажўхори ва қанд лавлагининг, шунингдек нўхатнинг алоҳида аҳамияти бор дейиш мумкин. Бу экинлар барча қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини оширишга ёрдам беради.

Ҳозир биз кўпинча ҳар бир гектардан ўрта ҳисобда 10-12 центнердан ҳосил олинаётганлигига, қўриқ ерларда эса илғор хўжаликлар гектаридан 15-20 центнердан ҳосил олаётганликларига қаноатланиб қолмоқдамиз. Агар тўғри алмашлаб экиш жорий қилинса, чопиқ қилинадиган экинлар экиш, яхши навли уруғликлар жорий қилинса, у ҳолда колхозлар ва совхозлар дон экинларининг ҳар гектаридан 20-25 центнердан ҳосил олишлари мумкин. **(Қарсаклар).**

Алмашлаб экишни ўзлаштириш ва чопиқ қилинадиган экинларни жорий қилиш натижасида дон экинлари экилаётган майдон бирмунча камаяди-ю лекин бу экинларнинг ҳосилдорлиги анча ошади, натижада етиштирилаётган доннинг ялпи миқдори кўпаяди. Қўриқ ерларда дон экинларини икки муддатда экишни ва буғдойни экиш билангина кифояланиб қолмаслик керак, сизлар икки муддатда пишадиган буғдой экиб, тўғри иш қилаётирсизлар, лекин шу билан бирга, арпа ҳам экиш лозим, чунки арпа ҳам мўл ҳосил беради, шу билан бирга у буғдойдан олдинроқ пишади. Бу эса, техникадан, ишчи кучидан яхшироқ фойдаланишга қўриқ ерларда меҳнат унумдорлигини тағин ҳам кўпроқ оширишга, бинобарин, тағин ҳам арзон маҳсулот олишга имкон беради.

Шу сабабли, сизлардан илтимосим шуки, ўртоқлар, қўриқ ерлар тўғрисида ҳам, бошқа ерлар тўғрисида ҳам зарур тартиб ўрнатиш, мамлакатнинг қўриқ ерларидан ҳам дон, ҳам чорвачилик маҳсулотлари олиш учун ерларнинг унумдорлигини ошириш тўғрисида ғамхўрлик қилинг. **(Қарсаклар).**

Агар эски ерларда ҳам, қўриқ ерларда ҳам гўшт етиштиришни кўпайтирмоқ учун ҳамма резервлар ва имкониятлардан тўлиқроқ фойдаланилса, у ҳолда аҳоли жон бошига чорвачилик маҳсулотлари етиштириш соҳасида АҚШга етиб олиш вазифасини ҳал қилишни анча тезлаштириш мумкин.

Бу эса, колхозчиларга ва совхоз ишчиларига, қишлоқ хўжалик мутахассисларига, партия ва совет раҳбарларига боғлиқдир. Қўйган мақсадимизга етишсак, ўшанда биз шундай ажойиб ғалабага эришамизки, бунинг аҳамиятини айтиб адо қилиш қийин. Аҳоли жон бошига гўшт ва сут етиштириш жиҳатидан АҚШдан ўзиб кетишнинг маъноси нима? Бунинг маъноси ҳокимиятни ўз қўлига олган халқ ўзининг қолоқ мамлакатини қисқа вақт ичида илғор мамлакатга айлантириш, ўз экономикасини, саноатини ва қишлоқ хўжалигини, ўз фани ва маданиятини ривожлантириш мумкинлигини, энг тараққий этган капиталистик мамлакат даражасига етиб олиш ва шу тариқа ўз тузумини, социализм тузумини шуҳратлантириш мумкинлигини бутун дунёга кўрсатиш демакдир.

Капитализмнинг энг узоқни кўза оладиган идеологлари ҳозир буни кўриб турибдилар ва социалистик тузум бу тарихий вазифани яқин вақт ичида ҳал қилиб олишидан қўрқмоқдалар. Лекин, бу, олға боришимизнинг муқаррар қонунидир. Капитализм бу ҳаракатни тўхтата олмайди, Совет мамлакатининг ривожланишини, унинг экономикасининг ривожланишини тўхтатиб қололмайди. Империалистлар совет экономикасининг ривожланишини тўхтатиб қолишга уруш қилиш йўли билан уриниб кўришлари мумкин. Лекин уруш қилиш йўлига тушиб олиш капиталистик тузумни ҳалокатга маҳкум қилиш демакдир. Совет Иттифоқи жаҳонда энг қудратли ракета техникасига эгадир, агар агрессорлар икки жаҳон системасининг идеологик, сиёсий тортишувини уруш қилиш йўли билан ҳал этишга уринадиган бўлсалар, Совет Иттифоқи уларни ер билан яксон қилиш учун кифоя қиладиган миқдорда атом ва водород бомбалар ясаб қўйди. **(Гулдурос қарсаклар).**

Совет халқи келажакка дадил бўлиб қараши ва ўзининг улуғ вазифаларини ҳал қила бериши мумкин. Бизнинг социалистик системамиз тинч мусобақанинг ҳамма фронтларида капитализмни енгиб чиқадиган вақт яқинлашиб қолганлигига аминмиз.

Партиямизнинг, халқимизнинг истаги шуки, бу ғалаба пайти мумкин қадар тезроқ келсин деймиз. Биз шундай ғалабага эришгач, бизнинг марксизм-ленинизм идеологиямиз ғалаба қозонди, деб бундай ғалаба натижасида совет кишилари ҳамма моддий неъматларни оладилар, тағин ҳам бахтлироқ бўлиб яшайдиган бўлиб қоладилар, деб мамнун бўламиз. **(Қарсаклар).**

Коммунизмнинг ғалабаси натижасида экономика мислсиз юксалади, фан ва маданият равнақ топади, инсоннинг моддий ва маънавий эҳтиёжлари тўла қондирилади. Инсон учун энг яхши турмуш яратиб беришга қаратилган бундай интилишдан кўра юксакроқ интилиш бўлиши мумкинми, шу интилишдан кўра юқорироқ идеал бўлиши мумкинми! **(Гулдурос, давомли қарсаклар).**

Меҳнат унумдорлигини оширайлик, маҳсулот таннархини камайтирайлик

Ўртоқлар! Гўшт ва сут етиштиришнинг таннархини камайтириш зарурлиги тўғрисида алоҳида гапириб ўтиш керак. 1960 йилда Урал совхозларида етиштирилган ҳар бир центнер мол гўшти ва чўчқа гўштининг таннархи анча баланд бўлди. Ҳар бир центнер чўчқа гўшти ва мол гўштининг таннархини кўрсатувчи рақамларни (янги нархлар билан) кўрсатиб ўтай:

	мол гўшти	чўчқа гўшти
Удмурдистон АССР	74 сўм 48 тийин	100 сўм 41 тийин
Пермь области	72 сўм 30 тийин	116 сўм 02 тийин
Свердловск области	80 сўм 05 тийин	110 сўм 06 тийин
Курган области	70 сўм 40 тийин	110 сўм 03 тийин
Челябинск области	74 сўм 80 тийин	131 сўм 05 тийин
Бошқирдистон АССР	70 сўм 40 тийин	125 сўм —
Оренбург области	68 сўм 80 тийин	110 сўм 20 тийин.

Шу рақамларнинг мағзини бир чақиб кўринг, ўртоқлар? Гўшт таннархининг бунчалик баландлигига сабаб нима? Колхозлар ва совхозлар ем-хашак экинларидан кам ҳосил олмоқдалар, натижада етиштирилаётган ем-хашак қимматга тушмоқда. Сизларда чорвачиликда меҳнатни кўп талаб қиладиган ишлар ҳали ҳам жуда кам механизациялаштирилган, қўл меҳнати кўп қўлланилмоқда. Бу ерда чўчқа боқувчилар сўзга чиқиб жуда яхши гапларни айтишди. Улар бир йил ичида чўчқа гўштининг таннархини деярли ярим баравар камайтиришга муваффақ бўлганлар. Шуни ҳам айтиш кераки, чорва молларни боқиш ва семиртиришнинг илғор методлари суст жорий қилинмоқда.

Ҳар бир меҳнаткаш сарфлаётган ҳар бир сўмига кўпроқ маҳсулот сотиб оладиган бўлиши учун маҳсулотларнинг чакана нархларини камайтиришимиз керак. Лекин колхозлар ва совхозлар ўзлари етиштираётган маҳсулотнинг таннархини камайтирганларидагина бунга эришиш мумкин. Маҳсулот таннархини камайтириш учун кураш — туб масалаларнинг биридир.

Сиз, колхозчилар саноат маҳсулотлари нархларининг камайтирилишини хоҳлайсиз, ишчилар эса, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархларининг камайтирилишини истайдилар. Ишчилар меҳнат унумдорлигини оширмоқдалар, ва шу тариқа маҳсулот таннархини камайтирмоқдалар, саноат молларининг нархларини камайтириш имкониятини бермоқдалар. Сизлар ҳам қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида шундай қилишингиз лозим.

Пермь области қишлоқ хўжалигининг орқада қолаётганлиги алоҳида эътибор беришга арзийдиган масаладир. Бу область — катта саноат области. Бу областда кўп минглаб металлурглар, шахтёрлар, кимёгарлар, машинасозлар меҳнат қилмоқда. Пермь области ишчилари яхши меҳнат намуналарини кўрсатмоқдалар. Область қишлоқ хўжалиги олдида катта вазифалар турибди. У, аҳолининг гўшт, сут, сабзавот, картошка ва бошқа маҳсулотларга нисбатан ўсиб бораётган талабларини қондириб туриши лозим.

Бироқ, бу вазифа қониқарли ҳал қилинмаётир. Пермь областидаги колхозлар ва совхозларда ҳар юз гектар ерга ҳисоблаганда 1960 йилда (сўйилган вазнда) 11 центнер гўшт, 83 центнер сут етиштирилди.

Область колхозлари ва совхозларида ҳар юз гектар ерга ҳисоблаганда 4,6 тадан сигир бор. Сигирлар сони шунча бўлганидан кейин сутни қошиқлаб ичиб бўлмайди, балки бу сут ялашга аранг етади. **(Залда жонланиш).** Агар билсангиз, илгари қишлоқда шунақа гап бўлар эди, чунки деҳқон ўзининг сигирини асосан жавдар похоли билан боқар эди, агар сигирга сули похоли берса, бу нарса сигир учун мисоли бир байрам ҳисобланар эди. Албатта, жавдар похоли еган сигир кўп сут бера олмас эди. Шунинг учун ҳам кишида сут ялашга аранг кифоя қилади, дейишар эди. **(Залда жонланиш).**

Пермь областининг ёри қўшниси бўлган Свердловск областининг еридан анча кўп бўлса ҳам, лекин гўшт ва сутни кам етиштирмоқда. Пермь областида экинлардан ҳам кам ҳосил олинмоқда. 1960 йилда ҳар бир гектардан 8,1 центнер ғалла, 66 центнер силосбоп маккажўхори, 69 центнер картошка олинди. Ҳосил шундай бўлганидан кейин, колхозлар ва совхозлар чорва моллар сонини кўпайтира олмайдилар. Область мамлакатнинг минг тонналаб гўшт ва сут келтирмоқда.

Россия Федерациясининг раҳбарлари Пермь областининг партия ва совет ташкилотларига дон, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотларни етиштиришни кўпайтиришнинг конкрет чораларини ишлаб чиқишларига ва амалга оширишларига ёрдам беришлари зарур. Пермь, Березники ишчилари, Кизель кончилари ва бошқа саноат марказларининг ишчилари зарур озиқ-овқат маҳсулотлари билан етарли миқдорда таъминланишлари лозим. **(Қарсаклар).**

Челябинск областида гўшт ва сут етиштириш паст даражага тушиб қолганлигини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. 1960 йилда область колхозларида ва совхозларида ҳар юз гектар ерга ҳисоблаганда тирик вазнда 7,6 центнер гўшт, 74 центнер сут етиштирилди. Хўжаликни бундай бошқариш ярамайди, челябинлик ўртоқлар! Оҳ-воҳ қилмасдан, балки қишлоқ хўжалигига ишнинг кўзини билиб раҳбарлик қилиш керак. Модомики, партия, халқ сенга масъулиятли ишни ишониб топшириб қўйган экан, бу ишончни оқлаш керак. Вазифани бўйнингга олгандан кейин дод демаслигинг керак. Партиямиз сафга киришга ва энг юксак кўрсаткичлар учун курашишга тайёр бўлиб турган юз минглаб азамат кишиларни, чинакам жангчиларни тарбиялаб етиштирди. **(Қарсаклар).**

Челябинск области — мамлакатнинг катта саноат марказидир. Аҳоли таъминотини муттасил яхшиламоқ, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини кўпроқ етиштирмоқ учун ҳамма чораларни кўриш керак. Областда ҳар юз гектар ерга ҳисоблаганда етиштирилаётган гўшт ва сут шу вақтгача паст даражада бўлиб келганлигини челябинликлар қўриқ ерларнинг катта-катта массивларини тез суръатлар билан ўзлаштирганликларини важ қилиб изоҳлаш мумкин эди. Лекин булар кечаги кунда қилинган ишлардир, аммо ҳозир чорвачиликни ривожлантирмоқ учун бутун куч ва ғайратни сарфламоқ керак.

Колхозларда меҳнатнинг ташкил қилиниши тўғрисида, комплекс бригадалар ҳақида бир-икки оғиз гапириб ўтаман. Тажриба шуни кўрсатиб турибдики, далачилик билан бир қаторда чорвачилик ва ем-хашак етиштириш билан шуғулланадиган комплекс бригадалар тузиш меҳнатни ва ишлаб чиқаришни тўғри ташкил қилишнинг муҳим шартидир.

Курган областидаги Баксарский совхозида А. Ф. Тихоновнинг комплекс бригадаси ишламоқда. Бу бригада 1960 йилда 2240 гектар майдоннинг ҳар бир гектаридан 19 центнердан дон олди. Ҳар бир центнер доннинг таннархи (янги пул билан ҳисоблаганда) 1 сўм 90 тийинга тушди. Бригадада ҳаммаси бўлиб 27 киши ишлайди. Шуларнинг ҳар қайсиси икки-уч касбни ўрганиб олган. Тракторчилар ёзда далада ишлайдилар, қишда эса ферманинг иши билан шуғулланадилар. 1960 йилда бригададаги ҳар бир кишига ҳисоблаганда 9 минг 711 пуддан дон етиштирилган.

Бу жуда ҳам диққатга сазовор тажрибадир, ўртоқлар! Бундай тажрибадан ибрат олиш керак. Ўртоқ Тихонов бригадасининг тажрибаси кенг ёйишга арзийдиган тажриба. Комплекс бригадалар меҳнатни ташкил этишнинг прогрессив формасини топиб олдилар.

Комплекс бригадаларнинг туғилиши колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришининг ривожланишидаги қонуниятли жараёндир. Колхозларга машина-трактор станциялари хизмат кўрсатаётган вақтда ернинг иккита хўжайини, иккита штати: МТС даги механизаторлар бригадасининг штати ва колхоз далачилик бригадасининг штати бўлар эди. Энди техникани колхозларнинг ўзлари сотиб олишди. Бинобарин, ҳозир иш шундай бир йўлда бориши кераккн, бунинг натижасида колхозлар ва совхозларда бошқарув аппарати камая борсин. Баъзан портфель кўтариб юрган кишилар шу қадар кўпайиб кетадики, портфель этикнинг қўнжидан тикилаётган бўлса ҳам, лекин олифтагарчилик учун барибир портфелни қўлтиқлаб қистириб юра берадилар. **(Залда жонланиш).**

Одамлар моддий бойликлар ишлаб чиқариш билан кўпроқ шуғулланадиган бўлишлари учун ҳар қандай ортиқча дахмазаларни тугатишимиз керак. Биз меҳнатни ташкил қилишнинг омма орасида туғилаётган ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни яхшироқ ташкил этиш имкониятларини очиб бераётган янги формаларини қувватлашимиз лозим.

Ўртоқ колхозчилар, совхоз ишчилари! Бир масала тўғрисида гапириб ўтмоқчиман ва менинг гапимни тўғри тушуниб олишларингизни олдиндан илтимос қилмоқчиман. Мен илғорларни табриклайман, ҳар бир сигирдан йилига 4-5-6 минг литр сут соғиб олаётган сут соғувчиларнинг муваффақиятларини кўриб қувонаман. Лекин уларнинг кўплари бу муваффақиятларга оғир қўл меҳнати билан эришмоқдалар, 10-12 тадан кўпроқ сигир соғмаётирлар. Сут соғувчиларнинг меҳнатини енгиллаштириш, бу меҳнатни механизациялаштириш ғамини ейишимиз керак. Шу нарсани яхши тушуниб олиш керакки, сигир соғишни машиналаштириш усулига ўтган, бир ўзи 100-150 сигирга хизмат қиладиган, шу сигирларни кунига икки мартадан соғиб оладиган, концентратларни камроқ сарфлаб, лекин ҳар бир сигирдан йилига 2500-3000 литр бўлса ҳам сут соғиб оладиган кишилар истиқбол эгаси бўлган кишилардир. Силос билан боқилган сигирлардан икки ярим-уч минг литр сут соғиб олиш мумкин. Бу сут жуда арзонга тушади. **(Давомли қарсаклар).**

Яхши силос бериб боқилган сигирлардан сут олишни ўрганинглар, ўртоқлар, фақат рекордларга берилиб кета берманглар. Агар сизлар ҳар бир сигирдан ҳар қандай қилиб бўлса ҳам 5-6 минг литр сут соғиб олишни мақсад қилиб қўйсангиз, у ҳолда сигирга кўп концентрат озуқалар беришга тўғри келади, айтиш мумкинки, сигирни шоколад бериб боқиш керак бўлиб қолади. **(Залда жонланиш).**

Биз, шундай йўл тутишимиз керакми? Йўқ, ўртоқлар. Биз кўп сут олишимиз кера-гу, лекин бу сутни арзонга туширишимиз ҳам зарур.

Баъзи кишилар ҳар бир сигирдан 2500-3000 килограмм сут соғиб олинадиган бўлса, сигирларнинг сонини кўпайтириш керак бўлади, дейишади. Ҳа, сигирларни кўпайтириш керак, албатта, биз шундай қилишимиз лозим.

Ҳозир кўпчилик колхозлар ва совхозларда ҳар юз гектар ерга ҳисоблаганда 5-10 тадан сигир бор, аммо биз ўзимизга шуни норма қилиб олишимиз кераки, ҳар бир сигирдан 2500-3000 литр сут соғиб олинган тақдирда ҳар юз гектар ерга ҳисоблаганда тахминан 28 тадан сигир тўғри келиши керак. Ана шунда сут арзонга тушади, сут соғувчиларнинг меҳнати механизациялаштирилган тақдирда сут соғиш ҳам осонроқ иш бўлиб қолади.

Бу гаплар фақат сут хўжалигигагина тааллуқли бўлмасдан, чўчқачиликка, паррандачиликка ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг бошқа тармоқларига ҳам тааллуқлидир.

Чорвашунос олимлар, менинг бу гапимга ранжиманглар, ўртоқлар, лекин сизлар чорвачиликни ташкил этиш ва чорваларни боқиш масалаларини ҳал қилишда колхозлар ва совхозларни баъзи масалаларда янглиштириб қўйдинглар! **(Қарсаклар).**

Колхозлар баъзи илмий-тадқиқот институтларининг тавсиясига биноан, чорвачиликни маданий усулда бошқариш байроғи остида ҳар бир сигирни айрим катакда боқадиган бўлиб қолдилар, сигирлар худди гуноҳ қилиб қўйгандек уларни занжирлаб охурга боғлаб қўйдилар. **(Залда жонланиш).** Чўчқаларни ҳам якка-якка катакларга тиқиб қийнаб қўйишди. Буни ҳеч бир нарса билан изоҳлаб бўлмайди, бундай қилишнинг фойдаси йўқ ва иқтисодий манфаати ҳам йўқ. Шу сабабли, чўчқабоқарлар семиртириш учун боқилаётган чўчқалар сақланадиган чўчқахоналардаги катакларни бузиб ташлаб, тўғри иш қилмоқдалар. Чўчқаларнинг ўз характери бор, деган гап ҳақ гап. Агар бир хонада бир неча чўчқа бўлса улар ҳеч қачон бир-биридан ажралиб ётмайди, ҳамиша бир-бирига яқинроқ келиб ётади. Баъзи олимлар эса, бу нарса чўчқаларнинг гигиена қоидасига тўғри келмайди, деб ҳисоблаган бўлсалар кераки, улар ҳар бир чўчқани алоҳида катакка тиқиб қўйдилар. **(Залда жонланиш).** Демак, чўчқани чўчқалик ҳузуридан маҳрум қилиб қўйибдилар. **(Залда кулги).**

Илгари вақтларда ҳам катта хўжаликларда сигирлар ҳеч қачон боғлаб қўйилмас эди. Сигирлар умумий оғилхонада боқилар эди, оғилхона олдида атрофига четан ўраб қўйилган майдон бўлар эди, қишда сигирлар шу майдонга чиқиб нафас олар эди.

Нима учундир, ҳозир колхозлар ва совхозларда ҳар бир сигирни занжирлаб қўймоқдалар, ҳар бир сигирга алоҳида сув ичадиган жой тайёрлаб бермоқдалар, хуллас, сигирларга шундай гигиена яратиб бермоқдаларки, бунга сигирнинг ўзи ҳам ҳайрон.

Бу масалада Қишлоқ хўжалик министрлиги жиддий хатога йўл қўйди. Министрлик тадқиқот институтларининг ишларига ёмон раҳбарлик қилди, илмий мақсадлар учун ажратилган пуллар контролсиз сарфланди. Энди бўлса, қилинган ишларнинг кўпини ўзгартиришга тўғри келаётир. Биз, чорва молларни боқишнинг тежамлироқ методларига қанчалик тез ўтсак, гўшт ва сут етиштиришни шунчалик тез кўпайтирамиз, маҳсулот таннархини шунчалик тез камайтирамиз. **(Қарсаклар).**

(Давоми тўртинчи бетда).

Ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВ нутқи

Кўкламги экишга яхши тайёрланайлик!

(Боши учинчи бетда).

Ўртоқлар! Қишлоқ хўжалик экинларининг мўл ҳосили учун курашда муваффақият қозонмоқ учун ҳамма жойда кўкламги экишга яхши тайёргарлик кўриш ва уни энг яхши муддатларда уюшқоқлик билан ўтказиш керак. Ҳозир бу иш асло кечиктириб бўлмайдиган, жуда муҳим ишдир. Кадрларни тайёрлаш, уларга илғор иш усулларини ўргатиш керак. Ҳосилнинг яхши бўлиши кўп жиҳатдан уруғликнинг сифатига боғлиқ. Шу сабабли ҳар бир кунни ғанимат билиб, уруғликни тайёрлаб қўйиш, уларнинг униб чиқишини текширишдан ўтказиш зарур.

Техниканинг ҳаммаси шай қилиб қўйилиши лозим. Тракторлар, сеялкаларни ўз вақтида ремонт қилиб қўйиш, қишлоқ хўжалик машиналарининг сифатли ремонт қилинганлигини текшириб чиқиш дала ишларини қисқа муддатларда ва юксак даражада ўтказишни кўп жиҳатдан таъминлаш демакдир.

Хуллас, ҳар бир колхозда, совхозда, ҳар бир районда, гап сотиш билан шуғулланмай, конкрет иш қилиш керак. Партия қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш учун курашни авж олдиришга чақирди. Ҳамма ходимларимиз КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми қўйган вазифаларнинг муҳимлигини чуқур тушуниб олишлари керак.

Лозим бўлган жойларда колхозлар ва совхозларни кадрлар билан мустаҳкамлаш керак. Партияга содиқ бўлган, ўз ишини яхши биладиган, моҳир ташкилотчи бўлган, серғайрат, саботли кишилар ғалаба қозона оладилар. Кейинги йилларда шаҳарлардан колхозларга ва совхозларга кўпгина коммунистлар, комсомоллар ва партиясиз кишилар ишга кетдилар. Шундай қилиб, қишлоққа катта ёрдам кўрсатилди.

Баъзи областлар ва республикаларда ҳозир ҳам кадрларга эҳтиёж бор. Биз колхозларга ва совхозларга кадрлар билан ёрдам беришимиз мумкин ва лозим. Москва комсомолларининг яхши ташаббусини қувватлаш керак, улар комсомол йўлланмаларини олиб, колхозлар ва совхозларга доимий ишлаш учун жўнаб кетмоқдалар.

Бу ерда Бошқирдистон комсомол обкомининг секретари К. Г. Туҳватуллина яхши нутқ сўзлаб, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юксалтиришнинг конкрет вазифаларини ҳал қилишда, жамоат чорвачилигини ривожлантиришда, маккажўхори ва бошқа экинлар етиштиришда Бошқирдистон комсомолларининг иштирок қилаётганликларини гапириб берди.

Шаҳар коммунистлари, комсомоллари қишлоқ хўжалигига ёрдам кўрсатишни ўзларининг жонажон ва фахрли ишлари деб ҳисоблашлари лозим. Бизнинг ёшларимиз саноатда ва қишлоқ хўжалигида бутун халқ билан биргаликда фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Ҳозирги ёшларга коммунизм қуриш ва коммунистик жамиятда яшаш бахти насиб бўлди. Шу сабабли, ёшлар коммунизм қуриш учун сидқидил билан жанг қилишлари лозим. (Қарсаклар)

Қишлоқ хўжалигига аристократларча муносабатда бўлиш ярамайди. Шаҳар коммунистлари қишлоқ хўжалигига ҳамиша қардошларча ёрдам бериб туришлари лозим. Гап фақат колхозга сут соғадиган аппарат беришда, ёки бу аппаратни ремонт қилиб бериш, осма йўл қуриб бериш ва шу каби ишларни бажаришда эмас. Колхозлар ва совхозларга чинакам ёрдам бериш — уларнинг ишлари билан ҳамиша қизиқиш, қишлоққа тез-тез бориб туриш, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг эҳтиёжларидан хабардор бўлиш, қийинчиликларни енгишда ёрдамлашиш ва хўжаликни ҳамма вақт олға борадиган, кетма-кет муваффақият қозонадиган қилиб йўлга қўйиш демакдир. **(Қарсаклар).**

Бу ерда баъзи ўртоқлар механизатор тракторчи ва комбайнчи кадрлар етишмаётганлигини гапириб ўтишди. Сизларнинг орангизда, саноат юксак даражада тараққий этган районларда шу гапни айтишяпти-я. Яхши кишиларни — слесарларни ва бошқа касблардаги ишчиларни танлаб олиб, ўргатиб, уларни колхозларга ва совхозларга ишга юбориш сизлар учун ҳеч гап эмас-ку. Комбайнчилар ўрим-йиғим вақтида совхозлар ва колхозларда ишлашлари, қолган вақтда эса, заводларда ишлашлари мумкин-ку. Тракторчиларни жойларда —қишлоқнинг ўзида топиш керак. Сизларнинг орангизда тайёргарлиги етарли бўлган ёшлар кўп-ку, ахир. Бунақа йигитлар ва қизлар техникани тез ўзлаштириб олишлари мумкин. Сизларнинг районларингизда минглаб тракторчи топса бўлади. Область ва республика ташкилотларининг раҳбарлари бу ишга жиддий киришишлари керак.

Яна бир масалага тўхталиб ўтмоқчиман. Запасга чиққан офицерлар ва генералларнинг кўплари қишлоқ хўжалигида ишлашни истаганликларини билдирдилар. КПСС Марказий Комитетига келган хатлардан бу масалага доир характерли бир хатни танлаб олдим ва шу хатни сизларга ўқиб бермоқчиман.

Бу хатни запасдаги подполковник А. Л. Антонов ёзган. Хатда бундай дейилади:

«КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми, Украина Компартияси Марказий Комитетининг Пленуми, областлардаги кенгашлар, шунингдек Пленумлар ва кенгашларда сўзланган нутқларнинг ҳаммаси партиянинг тадбирларини совет халқи маъқуллаётганлигини кўрсатиб турибди. Қишлоқ хўжалиги ҳозирги вақтда коммунизм қуриш учун курашнинг олдинги қаторига айланмоқда.

Бу олдинги қаторда ғалабани таъминламоқ учун, аввало, турмуш тажрибаси бўлган, ташкилотчилик қобилиятига ва зарур билимларга эга бўлган, ишга садоқатли, соф виждонли яхши кадрлар керак. Эски кадрлар етишмаётганлиги кўриниб турибди, чунки уларнинг бир қисмини алмаштириш керак, баъзи бир қисми эса ёши улғайиб сафдан чиқмоқда.

Битта жуда жиддий резерв бор, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида ишлаш учун зарур кадрларни шу резервдан етарли миқдорда олиши мумкин. Мен, Қуролли Кучлардан запасга чиқарилган ва 1960 йил 15 январдаги Қонунга биноан ҳозир ҳам запасга чиқарилаётган ёши тахминан 35-37 дан 40-42 ёшгача бўлган старший офицерларни назарда тутаётирман.

Запасга чиқарилган мана шу офицерлар — майорлар, полковниклар орасида ниҳоят даражада соф виждонли, партия ва халққа садоқатли, яхши ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган, етарли даражада ўқимишли (буларнинг кўпчилиги икки марта ўрта маълумот олган, баъзилари эса, олий маълумот ҳам олган), турмуш тажрибаси мукаммал бўлган жуда яхши кишилар кўп.

Бу кишиларнинг фақат битта етишмаган жойи бор— қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг асосларини билишмайди. Агар бу кишилар тегишли тайёргарлик, масалан, бир йил тайёргарлик кўрсалар, мамлакатга жуда катта фойда етказадилар.

Запасдаги бу кишиларнинг мутлоқ кўпчилиги коммунистлардир. Уларнинг ҳаммаси Марказий Комитет Пленумларининг материалларини диққат билан ўрганиб чиқдилар ва ўрганмоқдалар, шунинг учун ҳам уларнинг кўплари қишлоқ хўжалигини юксалтириш йўлидаги курашда қатнашишни истайдилар. Лекин ҳозирги замон қишлоқ хўжалигининг мураккаблиги ва бу хўжаликни бошқариш асосларини билмаслик уларнинг истагини бўғиб турибди.

Ўзим ҳақимда бир-икки оғиз гапириб ўтай. Мен запасдаги подполковникман, ёшим 40 да, урушнинг бошидан-охиригача фронтда бўлдим, оғир ярадор бўлганман, 1942 йилдан бери партия аъзосиман, умумий ўрта, ўрта ҳарбий маълумотим бор ва бир йиллик академик курсни тамомлаганман. Соғлиғим яхши, 1960 йил августида Сахалинда запасга чиқдим. Ғайратим кўп. Моддий жиҳатдан яхши таъминланганман — пенсия олиб турибман ва ҳозир авиация ходимлари касаба союзи маҳаллий комитетининг раиси бўлиб ишлаяпман (бу ишга мени сайлаб қўйишган). Одамлар менинг ишимдан мамнун, лекин бу иш мени унчалик каноатлантирмаётир.

Қишлоқ хўжалигини юксалтириш тўғрисида катта, — жиддий гап бошланиб кетганида менда партиямиз курашининг олдинги қаторида бўлиш истаги кучайиб кетди, чунки мен ҳамиша ўзимни партиянинг солдати деб ҳис қиламан. Лекин гарчи мен ўзим қишлоқдан чиққан киши бўлсам ҳам, аммо ишни тўла равишда билиб ва тушуниб олиш учун кўп вақт сарфлаш кераклигидан чўчиб турибман ва шу нарса менинг истагимни маълум даражада бўғиб турибди. Менимча бунақа кишилар кўп.

Марказий Комитетдан ва Министрлар Советидан колхозлар ва совхозларга раҳбар кадрлар тайёрлайдиган бир йиллик курслар ёки академиялар ташкил этиб, запасга бўшатилган ва қишлоқ хўжалигида ишлашни истаган старший офицерлардан шундай раҳбар кадрлар тайёрлаш масаласини кўриб чиқишларини сўрайман.

Ишнинг қийин участкасига боришни истамайдиган тасодифий кишилар бундай курсларга кириб қолмаслиги учун, бу курсларга одамлар танлашни область партия комитетларига топшириб қўйиш мумкин бўлар эди.

Курсларнинг программасида колхозлар ва совхозларнинг конкрет экономикасига ҳамда далачилик ва чорвачиликдаги ишларни ташкил этиш практикасига кўпроқ ўрин берилишини истар эдим.

Лисенко, Юрьев, Мальцев ўртоқлар ҳамда Марказий Комитет ва Қишлоқ хўжалик министрликлари аппаратларининг раҳбар ходимлари шу курсларда бир қанча лекциялар ўқисалар, яхши бўлур эди.

А. Антонов.

Чернигов шаҳри».

Бу, ўртоқлар, жуда яхши хат. Бу хатда катта ва муҳим масала қўйилган. Биз бу истакни ҳисобга оламиз.

Ўртоқлар! Марказий Комитет январь Пленумининг қарорларини муҳокама қилишга бағишланган кенгашларда, суҳбатларда ва хатларда партия ва ҳукумат қарорларининг бажарилиши устидан контролликни кучайтириш зарурлигига кўп эътибор берилмоқда. Шундай қилиниши тўғри.

Бир қанча районлар, областлар ва республикаларда партия ва ҳукумат қарорларининг бажарилиши етарли равишда контроллик қилинмаётир. Юқоридан пастгача қаттиқ контроль ўрнатиш керак. Бу контроллик қоғоз орқали қилинадиган контроллик бўлмасдан, балки жойларда ишларни текширадиган, жонли, таъсирчан контроллик бўлиши лозим. Юқори партия ва совет органларининг қарорларини бажармаётган ходимларни қаттиқ жазолаш керак. Контролни ва ижрони текшириш соҳасида олиб бориладиган ҳамма ишларда коммунистларга, меҳнаткашлар кенг оммасига таяниш зарур.

Омма орасида жонли ташкилотчилик ишини олиб боришга кўпроқ эътибор берилсин. Кабинетда ўтириб ишлаш услубини йўқотиш керак.

В. И. Ленин бундай деган эди: **«Кишиларни текшириш ва ишнинг ҳақиқий ижросини текшириш керак,** — бугун ишнинг, бутун сиёсатнинг моҳияти энди ана шундадир, фақат ва фақат шундадир» (Асарлар, 33-том, 227-228 бетлар).

Ўртоқлар! Қишлоқ хўжалик ходимлари олдида катта вазифалар турибди! Ғалабани қаттиқ меҳнат билан қўлга киритиш керак. Ишни ўзибўларчиликка ташлаб қўйиш ярамайди. Ғайрат ва сабот кўрсатиш керак. Энг муҳими — одамларни кўтариш, жипслаштириш, уларни курашга олиб бориш керак.

Коммунистлар, комсомоллар, колхоз қишлоғининг илғор кишилари — мана шулар ҳар бир колхозда ва совхозда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юксалтириш учун мусобақага бошчилик қилиши лозим бўлган зарбдор кучлардир.

Шу кенгашда вакиллари қатнашаётган Урал областларидаги партия ташкилотлари катта кучга эга. Қишлоқ районларида 154 минг коммунистни бирлаштириб турган 3582 та бошланғич партия ташкилоти бор. Қишлоқларда 225 минг комсомол ишламоқда. Булар меҳнатда ўзлари ўрнак бўлиб, ўзларининг ташкилотчилик ишлари билан қишлоқ хўжалигининг ҳамма меҳнаткашларини руҳлантириши ва ўзига эргаштириши мумкин бўлган катта армиядир! **(Қарсаклар).**

Ишга, ўртоқлар! Партия XXII съезди шарафига, қишлоқ хўжалигида янги ғалабалар учун умумхалқ социалистик мусобақасини тағин ҳам кенг авж олдирайлик! **(Қарсаклар).**

Урал областларининг меҳнаткашлари ўз мажбуриятларини шараф билан бажарадилар ва партиямиз Марказий Комитетининг январь Пленуми қўйган вазифаларни ҳал қилишга, коммунистик қурилиш ишига муносиб ҳисса қўшадилар, деб ишонч билдиришга ижозат бергайсиз! **(Гулдурос, давомли қарсаклар. Ҳамма ўрнидан туради).**

ХАЛҚ ҚЎШИҚЛАРИДАН

ҲИКМАТ БОР БАРДОШИДА

Кўкда учган турналар
Янгиерга қўнгидай.
Дилимнинг равшанлиги
Октябрнинг тонгидай.

Белга тушган сочимнинг
Толим-толим ўрими.
Ҳаё, одоб қизларнинг —
Кўркамлиги-кўрими.

Қизлар кўксида орден
Ярқирайди қуёшдай.
Бири эмас, барининг —
Жони элга туташдай.

Ғубор бўлмас, гард бўлмас
Дарёларнинг тошида.
Бири қаҳрамон, бири —
Улкан ишнинг бошида.

Шундай хотин-қизларнинг
Ҳикмат бор бардошида.
Сулувликда тўти ҳам
Ип эшолмас қошида.

Қутлуғ замон бу замон,
Таърифи тилимизда.
Йўқ, янглишдим, яхшилар
Тил эмас, дилимизда.

Қўшиқни Янгиер шаҳар, 3-«Боёвут» совхозида яшовчи Шарофат **НУРМАТОВА**дан Тўра **СУЛАЙМОН** ёзиб олган.

МАҚСАДИМИЗ 40 ЦЕНТНЕР

Ўтган йили бригадамиз, колхозимиз мажбуриятни бажарди-ю, аммо район ва областимиз пахта тайёрлаш планини адо этолмади. Шу сабабли биз ўз ишимиздан қаноат ҳосил қилолмадик. Қишлоқ хўжалигининг айрим соҳаларида, шу жумладан пахтачиликни ривожлантиришда йўл қўйилган хато ва камчиликлар КПСС Марказий Комитети январь Пленумида жуда тўғри кўрсатилди ва ишни яхшилаш йўллари белгилаб берилди.

Пленум қарорларидан руҳланиб, чигит экишга тайёргарликни барвақт бошладик. Экин майдонларини шудгорлаб қўйдик, ариқ-зовурларни тозаладик, ҳар гектар ерга 15 тоннадан маҳаллий ўғит чиқардик.

Бу йил гектаридан 40 центнердан пахта ҳосили етиштирамиз. Қўқон группа районлари шароитида бу — кам ҳосил эмас. Бригадамиз аъзолари бутун ишни ана шу мажбуриятни бажаришга қарата олиб боришяпти. Мен тракторчиман. Бригада аъзоларимиздан уч киши машиналар тилини яхши билади. Бизда экин майдони кўп, аммо одамимиз кам. Биз ҳар йилдагидек бу йил ҳам кам куч сарфлаб, кўп ҳосил оламиз.

А. ЙЎЛДОШЕВА,

Фарғона область, Қўқон районидаги Ленин номли колхоз трактордалачилик бригадасининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

БУ ИККИ ДОНГДОР тўқувчи шу йилнинг бошида Тошкентда учрашдилар. Иваново шаҳридаги «Солидарность» фабрикасининг машҳур тўқувчиси Юлия Вечерова Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги кенгаши корхоналари ходимларининг республика йиғилишида қатнашиш учун мусабақадош Иваново шаҳридан вакил бўлиб келган эди. Тошкент тўқимачилик комбинатининг пардозловчиси Марҳамат Йўлдошева дугонаси Юлия Вечеровага комбинатнинг ҳамма фабрикаларини бирма-бир кўрсатди. Улар КПСС XXII съездини муносиб меҳнат совғалари билан нишонлаш мақсадида ўзларига биргаликда режа тузд илар. Юлия Михайловна Вечерова ускуналарнинг иш унумини оширишда 1965 йилга белгиланган даражага муддатидан илгари эришиш юзасидан олган дастлабки мажбуриятини ортдириб бажарди. Марҳамат Йўлдошева бошлиқ бригада коммунистик меҳнат коллективи номини олиш учун курашиб, топшириқларни ҳар доим камида 110 процентдан адо этишга аҳд қилиб ишламоқда. Юлия ва Марҳамат дўст тутиниб, ўзаро мусобақалашди. Уларнинг дўстлиги рус ва ўзбек халқларининг дўстлигига энг яхши мисолдир. **Суратда:** Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Юлия Вечерова ва Марҳамат Йўлдошева.



ФАН САМАРАЛАРИДАН ХАЛҚ, ВАТАН БАҲРАМАНД

(РЕСПУБЛИКА ОЛИМЛАРИ АКТИВИНИНГ ЙИҒИЛИШИ)

□ □ □

Фан, унинг ҳозирги равнақи ва истиқболи.. Биз уни лабораториялардаги тажрибаларда ёки дадил гипотезалардагина тасаввур қилиб қолмаймиз. Олимларнинг ижодий фикри машиналарнинг дадил конструкцияларида ва пахтанинг янги сортларида, инсон топган битмас-туганмас ер ости бойликларида ва клиникаларга берилган даволаш препаратларида яшайди. Бу фикр ишлаб чиқариш новаторларини ижодий изланишларга илҳомлантирганлиги ва ижодкор халқнинг ажойиб ишларидан ва планларидан. Коммунистик партиянинг улуғвор режаларидан ўзи илҳом олаётганлиги учун ҳам у шунчалик кучли ва фаросатлидир!

КПСС XXII съезди остоналарида Ватанимиз олимлардан кутаётган янги ҳисса тўғрисида бамаслаҳат гаплашиб олиш учун Ўзбекистоннинг энг яхши фан арбоблари кеча (7 мартда) Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислар залида тўпландилар. Оқ колонналари катта зал республикадаги 118 тадқиқот муассасаси ва ўттиз олий ўқув юртининг жуда кўп вакиллари билан лиқ тўлди. Ахир, ҳар бир институт, ҳар бир лаборатория, ҳар бир тажриба станцияси съездга ўз совғасини тайёрламоқда.

Республика олимлар активи йиғилишининг қатнашчилари содиқ ленинчи ўртоқ Н. С. Хрушчев бошлиқ КПСС Марказий Комитети Президиумини йиғилишнинг фахрий президиумига сайлаш ҳақидаги таклифни гулдурос қарсаклар билан кутиб оладилар.

Президиумда Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг бюро аъзолари М. А. Абдураззоқов, О. А. Алимов, Г. А. Габриельянц, Г. Ф. Наймушин, Ё. С. Насриддинова, З. Р. Раҳимбобоева, Ф. Е. Титов, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг бюро аъзолигига кандидатлар И. П. Бурмистров, Қ. М. Муртазоев, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари С. О. Азимов, Н. Ж. Худойбердиев, таниқли фан арбоблари ўтирибдилар.

«КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг якунлари ва республика илмий ходимларининг вазифалари» тўғрисида Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг иккинчи секретари Ф. Е. Титов доклад қилди.

КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми мамлакатимиз ичкарисида ва ундан ташқарида кенг маъқулланган буюк воқеа бўлди, дейди докладчи. Пленум қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада кескин суратда юксалтиришнинг, коммунизм моддий техника базасини тезроқ вужудга келтириш учун жуда бой имкониятларимиз ва резервларимиздан тўла фойдаланишнинг улуғвор программасини белгилаб берди.

Ленинча миллий сиёсатни изчиллик билан амалга ошириш, партиямиз Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг доимий ёрдами туфайли Ўзбекистоннинг экономикаси ва маданияти йил сайин мустаҳкамланмоқда, умумиттифоқ меҳнат тақсимотида унинг роли ўсиб бормоқда. Бунда республика илмий ходимлари армиясининг хизмати оз эмас. Ўзбекистон олимларининг металлогения, алкалоидлар кимёси, математик статистика соҳасидаги асарлари жаҳон миқёсида танилди. Ўзбекистон олимларининг ядро физикаси, электроника, техника фанлари, ўғитлар кимёси соҳасидаги ишлари тобора катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Қишлоқ хўжалик фани маълум муваффақиятларга эришди. Республиканинг турли районларида қишлоқ хўжалигини бошқариш системасини ҳамда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш принципларини, агротехника ва ташкилий-хўжалик тадбирларини, комплекс механизациялаш учун машиналарни ишлаб чиқишда, ўсимлик ичида таъсир кўрсатувчи самарали препаратларни, пилла қуртининг маҳсулдор наслларини яратишда, қоракўлчиликда наслчилик ишларини олиб боришда эришилган ютуқлар ана шулар жумласидандир.

Ҳозирги кунда ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, шонли зиёлиларимиз партия съезди шарафига бошланган умумхалқ мусобақасида ўзлари учун конкрет марраларни белгиламоқдалар. Докладчи КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми муносабати билан олимлар олдида турган асосий вазифаларни батафсил анализ қилиб беради.

Бутун совет пахтачилигининг ривожланиши учун фан ва техника зиммасига катта масъулият юкланган. Асосий эътиборни нимага қаратиш керак?

Биринчидан, деҳқончилик маданиятини оширишга эътибор бериш керак. Жумладан, биз тупроқни тайёрлашнинг пухта ишлаб чиқилган системасига эга эмасмиз. Пахтазорларни ўғитлаш масалаларида ҳали кўпгина чатоқликлар бор, суғориш маданияти паст бўлиб қолмоқда. Ана шу ва бошқа муҳим проблемаларни кичик ер участкаларида эмас, балки колхоз ва совхозларнинг далаларида ҳал этиш керак. Сўнгра, пахта селекцияси ва уруғчилиги ишини тубдан яхшилаш, ўсимликларни касалликлардан ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш юзасидан муҳим чораларни ишлаб чиқиш зарур. Комплекс механизациялашни тугаллаш пахтачиликни янада юксалтиришнинг ҳал қилувчи шартидир. Ваҳоланки, олимлар машиналар системасининг назарий асосларини ишлаб чиқиш билан суст шуғулланмоқдалар, тажрибалар ўтказишга ҳаддан ташқари берилиб кетмоқдалар, бу эса мукаммал конструкциялар яратиш ишини орқага сурмоқда. Ирригация-мелиорация ишларининг улуғвор программасини амалга ошириш учун кўп ишлар қилиш керак бўлади. Олимлар янги ерларни ўзлаштиришнинг энг самарали йўллари ва усулларини излаб топиш учун куч-ғайратларини бирлаштиришлари лозим.

Пиллачилик, лубчилик, дон хўжалиги, боғдорчилик ва токчилик, сабзавот, картошка ва полиз экинлари етиштириш соҳасида фан олдида кенг майдон очилди. Республикада жамоат чорвачилиги мустаҳкам илмий негизда ривожлантирилиши лозим. Ем-хашак базасини мустаҳкамлаш, маккажўхори ва бошқа дон экинларидан муттасил юқори ҳосил олиш юзасидан илмий жиҳатдан асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш зарур.

Колхоз ва совхозлар фандан ишлаб чиқариш экономикасини яхшилаш соҳасида чуқур ўйлаб чиқилган аниқ маслаҳатларни кутадилар. Илғорлар тажрибасини ўрганиш ва ёйиш илмий муассасаларнинг фаолиятида муҳим ўрин тутиши лозим

Партия қишлоқ хўжалигини мустаҳкам илмий негизда бошқаришга ғоят катта аҳамият бериб, қишлоқ хўжалик органлари ни маъмурий бошқарма аппаратидан фан ютуқларини ва илғор тажрибани ишлаб чиқаришга жорий қилувчи ташкилотчи марказга айлантириш чораларини кўрди. Шу қарорга мувофиқ, ҳозир республикада қишлоқ хўжалик органларини қайта қуриш, фаннинг ишлаб чиқариш билан боғланишини мустаҳкамлаш тадбирлари амалга оширилмоқда.

Сўнгра докладчи физиклар, геологлар, кимёгарлар, биологлар, математиклар, тарихшунослар, шарқшунослар, философлар ва фаннинг бошқа соҳалари намояндалари олдида турган вазифаларни баён этиб беради. У таъкидлайдики, тадқиқотчилар техника тараққиётини тезлаштириш ишига ўз ҳиссаларини кучайтиришлари лозим. Саноат маҳсулоти сифатини текширишнинг янги методларини, ишлаб чиқариш процессларини автоматлаштиришнинг самарали схемаларини, табиий газдан фойдаланишнинг рационал методларини, полимерларни синтезлашнинг мукаммал усулларини ишлаб чиқишга ҳамда халқ хўжалигини олий техника негизида қайта қуроллантиришга доир бошқа энг муҳим проблемаларга алоҳида эътибор бериш керак. Илмий тадқиқотларни планлаштириш ва координациялашни тубдан яхшилаш, куч-ғайратни назария ва тажриба учун энг муҳим вазифаларни ҳал этишга қаратиш зарур. Ўзбекистон Фанлар академияси бутун республикадаги илмий ишларга йўналтирувчи таъсир кўрсатиши лозим. Олий малакали илмий кадрлар тайёрлаш биринчи даражали аҳамиятга эга. Олий ўқув юртларининг илмий ходимлари экономика ва маданиятни ривожлантиришга кўпроқ салмоқдор ҳисса қўшишлари лозим.

Докладда олимларнинг тадқиқотларини ишлаб чиқаришга тезроқ жорий қилиш учун илмий ишларнинг сифатини яхшилашга, уларнинг таъсирини ва аҳамиятини оширишга катта эътибор берилди.

Илмий ходимлар социалистик тузумга ёт бўлган текинхўрлик, хотин-қизларга феодал-бойларча муносабатда бўлиш, хусусий мулкчилик тенденциялари, кўзбўямачилик сингари ҳолларга қарши курашда партия ташкилотларига бутун чоралар билан ёрдам беришлари лозим.

Республикада илмий ходимларнинг ўн минг кишилик армияси ишлаб турибди, дейди пировардида докладчи. Бу — етти йилликнинг энг муҳим проблемаларини муваффақиятли ҳал эта оладиган ғоят катта кучдир.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти Ҳ. М. Абдуллаевга сўз берилади. У айтадики, КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорлари барча илмий муассасаларга тааллуқлидир. Фанлар академияси президиуми республикамиздаги ер, сув ресурсларини комплекс ўзлаштиришга олимларнинг ёрдами юзасидан бошқармалараро махсус комитет тузди. Фанлар академияси ва қайта ташкил қилинаётган республика Қишлоқ хўжалик министрлигининг уруғчилик селекцияси масалалари юзасидан биргаликда кўрадиган тадбирлари белгиланмоқда.

Сўнгра нотиқ техника ва табииёт фанлари қандай ривожланаётганлиги ҳақида гапиради. Яқинда Академия составида кимё ва геология фанлари мустақил бўлимларини тузиш ҳақида қарор қабул қилинди. Тажриба базаси мустаҳкамланмоқда. Бир неча конструкторлик бюроси — умумакадемия ва институтларда конструкторлик бюроси ташкил қилинди. Тажриба заводи қурила бошланди. Аммо энг муҳими — кадрлардир. Шу йилнинг ўзидагина 118 кандидатлик ва 25 докторлик диссертацияси ёқланиши мўлжалланади. Бундан ташқари, 720 аспирант курс таълимини олмоқдалар.

Ленин номидаги Тошкент давлат университетининг ректори О. С. Содиқов минбарга чиқади. Кейинги икки йил ичида бу ерда ўқув процессини ва илмий тадқиқот ишларини мамлакатда халқ маорифини яхшилаш тўғрисидаги Қонунга мувофиқ қайта қуриш юзасидан бир қанча тадбирлар амалга оширилди. Янги факультетлар, кафедралар, проблем лабораториялари ташкил қилинди. Қонун қабул қилинганига қадар сиртқи бўлимда 600 студент ўқиган бўлса, эндиликда 1500 студент ўқимоқда. Кечки бўлим ташкил этилди. Бу бўлимда 800 студент ўқийди. Ишлаб чиқариш билан боғланишни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Ўқув планига 28 янги ўқув фанлари киритилди, ишлаб чиқариш практикасининг муддати оширилди.

СоюзНИХИ директорининг ўринбосари М. А. Белоусов пахта етиштириш агротехникаси усулларини такомиллаштириш устида олиб борилаётган тадқиқот ишлари ҳақида гапирди.

Тўғри алмашлаб экишни жорий қилиш, бунга маккажўхори ва оқжўхорини ҳам қўшиш йўли билан, яхоб қўйиш ва ўғитларни қатламлаб солиш ва шу каби тадбирларни амалга ошириш билан бирга ерни чуқур ҳайдаш ҳисобига ернинг унумдорлигини оширишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш бу соҳадаги энг муҳим вазифалардан биридир. Гербицидлар ва уларни қўлланиш усуллари зўр бериб ўрганилмоқда. Коллектив квадрат-уялаб экиш агротехникасини ишлаб чиқишга кўп меҳнат сарф қилди. Шу билан бирга илмий ишлаб чиқариш ютуқлари мўл ҳосил олишнинг назарий негизини ташкил этувчи ички процессларнинг бутун мураккаб системасини очиб ташлашга ҳали имкон бермайди. Ҳосилнинг ўсишини тўхтатиб турувчи сабабларни бартараф қилиш — ҳозирги замон биология фанининг энг муҳим вазифасидир. Нотиқ институтнинг тематик планида жиддий камчиликлар борлигини эътироф этади. Бир қанча темалар ҳар хил бўлимларда такрорланмоқда. Тадқиқот методикасининг бир томонлама бўлганлиги сабабли тажрибалар 6-10 йилга чўзилмоқда.

— Институтимизнинг иши қаттиқ ва кескин танқид қилинди,— дейди чорвачилик институтининг директори Е. М. Ершова. — Коллектив аҳволни тузатиш учун чоралар кўрмоқда. Тажриба базасининг кўрсаткичлари яхшиланди, сут соғиш станоклари такомиллаштирилди. Институт чорва моллар сонини кўпайтириш, сигирларнинг маҳсулдорлигини ошириш ва қисир қолишини камайтириш йўли билан сут етиштиришни кўпайтириш проблемаси устида иш олиб бормоқда. Ем-хашак базаси соҳасида дон экинлари ҳосилдорлигини икки баравар кўпайтиришга, озуқанинг тўқлик хусусиятларини оширишга ҳаракат қилмоқдамиз. Ўртоқ Ершова ўз нутқида наслчилик ишини ташкил этишда жиддий камчиликлар борлигини айтди. Наслчилик базасини мустаҳкамлаш, бир қанча хўжаликларни институт ихтиёрига топшириш керак.

Коммунистик меҳнат бригадасининг раҳбари Вадим Мельников «Ташсельмаш» заводининг кўп минг кишилик коллективи номидан республика олимларини табриклади.

— Олимлар билан ишчилар тез-тез учрашиб турсалар яхши бўлур эди, — дейди ўртоқ Мельников. — Биз пахта териш техникасини ва ишлаб чиқариш методларини такомиллаштиришда олимлардан ёрдам кутамиз.

— КПСС Марказий Комитети Пленумининг материаллари илмий ходимларнинг академик тўгаракларида ва семинарларида муфассал ўрганилмоқда, — деди Самарқанд давлат университетининг ректори А. Т. Тўлаганов. — Айни бир вақтда партия-комсомол активи Пленум қарорларини саноат корхоналарида, областнинг колхоз ва совхозларида пропаганда қилмоқда. Пленум қарорлари илмий тадқиқот ишларида ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Нотиқ факультетлар ва кафедраларнинг фаолиятидаги асосий йўналишларни батафсил характерлаб берди, ишлаб чиқариш билан боғланишни қандай қилиб мустаҳкамланаётганлиги ҳақида гапирди. Шу билан бирга, у университет ишида жиддий камчиликлар ҳам борлигини таъкидлади. Илмий тадқиқотлар планида хўжалик ташкилотлари билан тузилган шартномалар бўйича ишлаб чиқиладиган темалар оз. Бошқа институтлар ва олий ўқув юртлари билан етарли алоқа боғланмаган. Етти йилликнинг улуғвор вазифаларини ҳал этишга фан ҳиссасини кучайтириш учун барча илмий кучларни сафарбар қилиш, ҳамма институтларимиз ва олий ўқув юртларимизнинг фаолиятини пухта координациялаш керак.

Йиғилишда Гидрогеология ва инженерлик геологияси институтининг директори Б. А. Мавлонов, Тошкент молия-иқтисод институтининг директори М. М. Қориев, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг биринчи вице-президенти С. В. Стародубцев, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлари академияси Экономика институтининг директори К. И. Лапкин ҳам сўзга чиқдилар.

Йиғилиш қатнашчилари ғоят баланд руҳ билан КПСС ленинчи Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Н. С. Хрушчевга табрик хати қабул қилдилар.

Е. ЕФИМОВ, Е. МАЙОРОВ.

(ЎзТАГ мухбирлари).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ Н. Н. ОРГАНОВНИ ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Туғилганига олтмиш йил тўлиши муносабати билан ҳамда Совет давлати олдидаги хизматлари учун РСФСР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Николай Николаевич **Органов Ленин** ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1961 йил 7 март.